

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТДПУ**

**НОРПОШШАХОН
ХАБИБУЛЛАЕВНА
ВОХИДОВА**

**МИЛЛИЙ
ВУРУР ТАРБИЯСИ**

МОНОГРАФИЯ

Тошкент-2014

Аннотация

Мазкур монографияда бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш муҳим педагогик муаммо сифатида тадқиқ қилиниб, уни тарбиялашнинг ҳозирги аҳволи ўрганилган, миллий ғурурни тарбиялаш модели яратилган. Бошланғич синф ўқувчиларда миллий ғурур тушунчасини тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланиб, бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда халқ оғзаки ижоди имкониятлари аниқланган.

Монография мазкур муаммо доирасида илмий-тадқиқот ишини олиб бораётган илмий тадқиқотчилар, бошланғич синф ўқитувчилари ва тарбиячиларига мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: п. ф. д., проф. Д.Рўзиева

Такризчилар: п. ф. д., проф. Б.Абдуллаева

п. ф. д., доц. Д.Назарова

Монография Низомий номидаги ТДПУ кенгашининг 20 февраль 9-рақамли йиғилишининг баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Низомий номидаги ТДПУ ризографида чоп этилган.

Ушбу монографияни оиласи,
фарзандлари камоли учун умрини баҳшида этган
волидаи муҳтарама Ўлмасхон онамнинг
пок руҳларига бағишлайман.

Мундарижа

Сўз боши

1-бўлим. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг назарий асослари.

1. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш муҳим педагогик муаммо сифатида.
2. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг ҳозирги ҳолати.
3. Халқ оғзаки ижодининг инсон камолотидаги ўрни ва роли.

2-бўлим. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик тизими.

1. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари.
2. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда халқ оғзаки ижоди имкониятлари.
3. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш модели.

Хотима

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Сўз боши.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин ўтган тарихан қисқа вақт ичида сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда катта ислоҳотлар амалга оширилди. Барча ислоҳотлар самарадорлиги унинг бош омили – инсон салоҳиятига, дунёқараши ва ҳаётга муносабатига, Ватанга муҳаббати, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларининг юксак даражада шаклланишига боғлиқ эканлиги маълум бўлди. Шу боис узлуксиз таълим тизимига оид давлат сиёсатида миллий ғурур тарбиясига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таълим-тарбияга оид қарашларида, “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”, “2004 – 2009 йилларда умумий ўрта таълим мактабларида таълимни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларида мамлакатимизнинг келажаги бўлган ёшларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашга, уларни ўз Ватани ва халқига содиқ фуқаролар сифатида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас.

“Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”да, узлуксиз таълим соҳасидаги ислоҳотлар йўналишлари белгиланиб, “миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш” эканлиги белгилаб қўйилган [6; 45]. Миллий истиқлол мафкураси негизидаги умуминсоний камолот босқичларининг муҳим қисми бўлган миллий маънавий қадриятлар айнан ана шу мақсадга хизмат қилишга қаратилгандир. Зеро, ўзлигини англаш орқали комилликка интилаётган ҳар бир киши ҳаётга бефарқ қарамайди, ўз тақдирини миллат ва ватан тақдиридан айрича тушунмайди. Шунинг учун ҳам ватан ва унинг билан фахрланиш тушунчаси,

ватанпарварлик тарбияси ҳамма даврларда шарқона тарбиянинг муҳим қисмини ташкил қилган, энг қадимги ёзма ёдгорликлар: “Ўрхун-Энасой” битиктошлари-ю “Авесто”дан тортиб, халқ оғзаки ижодининг “Тўрўғли”, “Алпомиш”, “Авазхон” каби намуналаригача шундан далолат беради.

Ёшларда маънавий-ахлоқий камолот ва ватанпарварлик билан боғлиқ фахр-ифтихор, миллий ғурур туйғуларини шакллантириш барча замонларда илғор фикрли кишиларнинг диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, Шарқнинг буюк алломаси Абу Райхон Беруний ёзади: “Фахрланиш ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму ҳикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд нопокликлардан тозаланишдир. Кимда шундай сифатлар топилса, хулқ унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, хулқ унинг зарарига бўлади” [25;150].

Мустақиллик шарофати билан миллий ғурур, миллий ифтихор тушунчалари ватанпарварлик тушунчаси билан уйғунлашиб, янгича мазмун касб этди.

Миллий ғурур ўзи нима? “Мустақиллик” номли изоҳли, илмий-оммабоп луғатда унга қуйидагича таъриф берилган: “Миллий ғурур – ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаш натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфияти. Бу туйғу ўз она замини, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган маданий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссаларидан, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссиётидир” [81; 235-236].

Миллий ғурур ва миллий онгни уйғотиш ҳамда шакллантириш инсоннинг ўз-ўзини англашидан бошланади. Ўзликни англаш эса бутун борликни, ҳаёт ва абадиятнинг туб моҳиятини англашга йўл очади.

Бизнингча, миллий ғурур ўз юртининг тарихини билиш, халқнинг маданий меросини ҳимоя қилиш ва уни авайлаб-асраб келажак авлодларга етказиш, миллий қадриятларни тиклаш, шу йўл билан миллат ва ватан тараққиётига хизмат қилиш билан белгиланади.

“Бизнинг энг катта ютуғимиз ўз бойлигимизга ўзимиз эга бўлганимиздир. Бинобарин, ёшларга бу бойликларнинг қадрига етиш зарурлигини ўргатишимиз, уларда миннатдорчилик, ғурур ва ишонч туйғуларини тарбиялашимиз керак. Маънавий-ахлоқий мукаммаллик, виждонийлик, ор-номуслилик, яқинларига ғамхўр бўлиш ва бошқа инсоний туйғулар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Уларнинг асосида тарбия ётади” [125; 127-128]. Бу борада узлуксиз таълимнинг илк бўғинларидан бўлган бошланғич таълим тизимида ўқувчиларни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ 451-сонли Қарорида “Ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда ... миллий ғурур, комил инсон тарбияси билан боғлиқ туйғу ва тушунчаларни ёш авлод қалби ва онгига сингдиришда таъсирчан усул-услугалардан фойдаланиш” [120; 26 август] каби вазифаларнинг белгиланиши бежиз эмас.

Миллий ғурури баланд инсон адолатсизликка, ноҳақликларга, субутсизликка, ёлғонга, алдамчиликка, миллий камситилишга, миллат ва Ватан хоинларига, хиёнатга, обрў-эътиборининг топталишига нисбатан муросасиз бўлади. Ғурури баланд инсон лаганбардорлик, манманлик каби иллатларга бош эгмайди, эзгу аъмоллари йўлида керак бўлса, жонини ҳам фидо қиладики, лекин ўзгаларга озор бермайди, сотқинлик, диёнатсизлик, нодонлик қилмайди. Миллий ғурурни тарбиялаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан бошланғич синф ўқувчилари тарбиясига боғлиқлиги айтиш тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммо қуйидаги 3 йўналишда ўрганилган. Ж.Туленов, З.Ғафуров, Б.Тўраев, Э.Юсупов, А.Очилдиев, С.Отамуратов, Н.Хўжамуродовлар миллий

ғурур масаласини фалсафий жиҳатдан, М.Г.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Б.Қодиров, Э.Ғозиевлар психологик жиҳатдан тадқиқ қилишган бўлса, педагог олимлардан С.Нишонова, О.Мусурмонова, М.Иномова, У.Маҳкамов, З. Исмоилова, М.Э.Ҳайдаров, Г. Ибрагимова, Д.И.Рўзиевалар миллий урф-одат ва анъаналарнинг тарбиявий аҳамияти; Ж.Раҳимов, Ҳ.Ибрагимовлар ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш; Ш.Қурбонов, С.Очиллар бевосита миллий тарбия назарияси ва амалиёти хусусида диққатга сазовор илмий тадқиқотлар яратганлар.

Шунингдек, Д.И.Рўзиева, Ў.Асқарова, З.Қурбонниёзова, Ф.Норбоева, А.Реджабоев, Б.Ҳакимова, Ш.Отажоноваларнинг айнан миллий ғурур, миллий ўзликни англаш, миллий онг тарбиясига оид ишлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

Профессор С.Очилнинг “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари” [97] монографиясида ўқувчиларда Ватандан фахрланиш, О.Мусурмонованинг “Оила маънавияти – миллий ғурур” [85] номли тадқиқотида миллий ғурур тарбиясида оиланинг роли масалалари кенг миқёсда ёритилади.

Профессор М.Қуронов “Умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари” номли докторлик диссертациясида Ўзбекистонда миллий тарбия ғоясининг тикланиши ва ривожланиши муаммосини тадқиқ қилади ҳамда миллий тарбия тизимини умумий ўрта таълим мактабларига жорий қилишнинг назарий ва амалий йўналишларини очиқ беради.

Д.И.Рўзиеванинг “Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий педагогик асослари” номли докторлик диссертациясида талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг тарихи, бугунги аҳамияти, омиллари очиқ берилади. Миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг технологияси таклиф қилинади.

Тадқиқотчи Ў.Асқарова “Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари” номли номзодлик диссертациясида миллий ғурурни меҳрибонлик уйлари ўқувчилари мисолида тарбиялашни ёритса, З.Қурбонниёзова “Шахснинг миллий туйғуси билан чамбарчас боғлиқ бўлган миллий онглилик, миллий ғурур, ватанпарварлик, ўз халқи тарихини, шажарасини, ижтимоий-маънавий ҳаётини чуқур билиш, миллий анъана ва маънавий мероснинг асл моҳиятини англаш, уларни тўғри идрок этиш, кадрига етиш ва келгуси авлодларга етказиш” масаласи куннинг муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлайди [126; 10].

Ў.Асқарова мазкур илмий ишида “...миллий ғурур шундай педагогик-психологик қудратга эгаки, шу самарали мўъжиза туфайли инсон Ватан, унинг келажаги, ўзининг келгусидаги истиқболи, мақсад ва вазифалари билан яшаш иродасини, малакасини эгаллайди” [33; 44] деб уқтиради ҳамда ўқувчиларни шу руҳда тарбиялаш зарурлигини таъкидлайди.

А.Д.Реджабоев “Ёшларни миллий истиқлол ғояси асосида ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Қуролли кучлари бош қўмондони, академик И.А.Каримов асарлари мисолида) номли диссертациясида ёшларда миллий истиқлол ғояси асосида ҳарбий ватанпарварлик тушунчаларини шакллантиришни илмий педагогик жиҳатдан таҳлил қилган.

Ж.Раҳимов “Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарихий ўлкашунослик манбаларидан фойдаланишнинг педагогик асослари” номли диссертациясида ўлкашунослик манбаларининг ёш авлодни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги ўрни ва роли масаласини тадқиқ этади.

Тадқиқотчи Д.Рўзиева талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш муаммоларини ўрганиб, қуйидагиларни ёзади: “Миллий ифтихор ижтимоий-психологик ҳодиса, миллий ифтихор туйғусига эгалик эса маънавий-ахлоқий сифат бўлиб, у самарали ташкил этилган ижтимоий тарбия жараёнида шаклланишини” [106; 5], ёшларда миллий ифтихор

туйғусини шакллантиришга хизмат қилувчи самарали шакл, усул ва методларни ишлаб чиқиб, талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш концепциясини яратади.

Ш.Отажонова эса “Мустақиллик руҳида тарбиялаш ёшларни миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий онг ва ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришни тақозо этади” [101; 23-24] деб ҳисоблайди.

Ш.Шодмонова “Ёш авлодда ватанпарварлик, ахлоқ-одоб, миллий мафкура, миллий ифтихор туйғусини шакллантиришга эътибор бериш замон талабига айланганлигини, ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғулари миллий кадриятларни ифодаладиган тушунчалар бўлиб, болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш мезонлари” деган хулосага келади [117; 49].

1-бўлим. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг назарий асослари.

1. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш муҳим педагогик муаммо сифатида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг 1997 йилда бўлиб ўтган IX сессиясида сўзлаган “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” номли тарихий нутқида янгиланаётган педагогик тафаккурга оид қарашларини қуйидагича баён этди: “Замонавий бошланғич таълимнинг ўзи нимадан иборат бўлиши керак? ...Болаларимизга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усулда ва услубда миллий кадриятларимиз, урф-одатларимизни ўргатишимиз, чуқур англатишимиз керак” [10; 7-8].

Ушбу фикрлар бутун таълим-тарбия тизимида маънавий-ахлоқий тарбия олдига қўйилган давлат буюртмасининг яққол ифодасидир.

“Миллий ғурур ва ифтихор туйғусини тарбиялаш умумтаълим мактаблари фаолиятида катта ўрин олмоғи лозим. Афсуски, амалиётда бу масалага ҳали етарли даражада эътибор берилмаётгани йўқ” [127; 32].

Бошланғич синф ўқувчиларини юксак маънавият заминидида турувчи миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, хусусан, уларнинг онг ва тафаккурида миллий ғурур туйғусини шакллантириш инсоннинг руҳий ва ақлий оламига эзгулик уруғини экишдир. Шунга кўра, маънавият – жамият ва миллатнинг, умуман олганда ҳар бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти ва идрокини мужассамлаштирувчи тушунчалар мажмуи дейиш мумкин.

Миллий ғурур тушунчаси инсониятнинг ўзи каби кўхнадир. Тўмарис ва Широқ афсоналари - ю Ўрхун-Энасой ёдномалари, Аристотель, Сукрот, Афлотун каби қадимги юнон мутафаккирлари - ю Гегель, Лессинг сингари буюк немис олимлари асарларигача турли манбаларда миллий ғурур тарбиясига доир турлича қарашларни учратиш мумкин.

Шарқ ва Ғарб маърифатпарварларининг педагогик қарашларида миллий ғурур тушунчаси турли тарихий даврда турлича талқин қилинганлигига қарамасдан, уларнинг замирида ватанпарварлик, инсонпарварлик, бошқа халқларнинг миллий эътиқодлари ва урф-одатларига ҳурмат билан қараш каби муштараклик мужассамдир. Жумладан, ватанпарварлик, ғурур, ифтихор туйғулари билан боғлиқ миллий ва умуминсоний қадриятлар Аристотель, Сукрот, Афлотун каби қадимги юнон олимлари қарашларида қанчалик улуғланган бўлса, Ал Бухорий, ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Амир Темур, Заҳриддин Муҳаммад Бобурлар томонидан ҳам шу қадар эъзозланганини кўриш мумкин.

Эрамиздан олдин яшаган юнон олими Аристотель “Ватан шаънига” асарида: “Менинг бу гапларим ғоят эски гаплардир. Лекин ҳақиқат шундай: ўз отасини севмаган фарзанд ўзганинг отасини ҳам ҳурмат қила олмайди, ўз

ватанини севмаган киши ўзгалар ватанини қадрламайди”, - деган бўлса, ҳадиси шарифда: “Ватанни севмоқ – имондандир” – деган ғоя илгари сурилиб, ватанни севиш ва уни ардоқлаш олий қадрият сифатида тилга олинади.

Беруний “Минерология” асарида бир грек донишмандининг фикрини келтириб, ғурур тушунчасига кенгроқ миқёсда ёндашади: “Кимда ким ўз ўтмиш авлодлари билан ғурурланса, ўша авлодлар тирик, унинг ўзи эса ўликдир... агар киши ўзини ўзи юксакликка кўтармаса, улуг ўлик суяклар унга ғурур боиси бўлолмайди” [24; 15].

Абу Наср Форобий ўзининг инсон ва жамият масалаларига бағишланган асарларида халқни ўзаро тинч-тотув яшашга чақиради. Урушларни ёвузлик деб атайди. Ер юзидаги барча жамоалар, халқлар бирлашувини “Буюк жамият” деб атайди ва бахт-саодат ҳукм сурган адолатли шаҳар – давлат ҳақида фикр юритар экан, ҳар бир халқ ўзига хос урф-одатга, одоб-ахлоққа, тилга эга эканлигини қайд қилиб, инсон учун асосий йўл – маънавий камолотга эришиш йўлидир, деган ғояни илгари суради. Алломанинг фикрича, урушлар воситасида бир-бирини йўқ қилиш ҳайвонот оламига хос, кимки урушларни тарғиб қилса, инсониятни таҳқирлайди.

Худди шу каби умуминсоний ғоялар Хоразмий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб каби мутафаккирлар ижодида ҳам муҳим ўрин тутди.

XI асрнинг қомусий олимларидан Маҳмуд Қошғарий “Девону луғотит турк” номли бебаҳо асарида ўз давридаги халқларнинг урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва ўзига хос маънавий-руҳий оламига муносабат билдирар экан, Ватанни, унга тегишли ҳар бир нарсани муқаддас деб билиш, ўзини шу Ватаннинг фарзанди деб ҳис қилиш туркий халқларнинг ҳақиқий инсонларга хос фазилати эканлигини алоҳида эътироф этади.

XI асрнинг буюк мутасаввуфи Аҳмад Яссавий тупроқни Аллоҳнинг мунаввар нури, сувни унинг ёруғ ҳаёти, ҳавони буюклиги, оловни ғзаби

тимсоли ҳисоблайди. Унинг назарида тупроқ яралганидан буён улуг фарзандларини қучоғига босиб келаётган мушфиқ замин. Шунинг учун ҳам уни эъзозлаб она – Ватан деймиз.

Ўз фаолияти давомида халқ ва Ватан осойишталиги, маданияти ва маърифати ривожини учун курашган Алишер Навоийнинг ижодий мероси тарихий-маърифий жиҳатдангина эмас, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Унинг “Хазойин ул-маоний”, “Маҳбубул-қулуб”, “Мажолис ун-нафоис” асарларида жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз халқига хизмат қилиши, бошқаларга ёрдам бериши, бани одамга фойда келтириши, халқ манфаатини ўз манфаатидан юқори қўймоғи лозимлигини таъкидлайди.

Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳар бир миллатнинг миллат сифатида шаклланишининг биринчи белгиси ўзлигини таниши ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш туйғусининг уйғониши, миллат қадриятларини сақлаш ва тараққий эттиришда эканлигини уқтиради.

Миллий ғоя миллатни ажратувчи, миллатларни бир-биридан устун қўйишни ифодаловчи тушунча эмас, балки барчани ягона ватан туйғуси остида ҳаракат қилишга чорлаш ва сафарбар қилишни англатади. Ана шу ғояни, энг аввало, оилада, мактабгача таълим муассасаларида, бошланғич таълим жараёнида амалга ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” да кўзда тутилган масалаларни амалга оширишнинг муҳим шартларидандир.

Зеро, жамиятимиз тараққиётини таъминлаш ва жадаллаштиришнинг ижтимоий, иқтисодий-сиёсий омиллари сингари ўта зарур бўлган яна бир муҳим асоси бор. Бу – юксак маънавият ва маърифатга эришишдир. Бошқача айтганда, шахснинг маънавий-маърифий камолотидир.

Дунёдаги ҳар бир давлат катта-кичиклигидан қатъий назар, ўзининг тараққиёти жараёнида маънавиятга эҳтиёж сезиши табиий. Бу – тарихий заруриятдир. Маънавиятнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти тарихнинг

бурилиш давларида, айниқса, беқиёс бўлиши давлатимизнинг истиқлол даври тараққиётида ўз исботини топди.

Ҳар қайси давлатнинг равнақ топиши унда яшаётган халқнинг сони билан эмас, балки ижтимоий-сиёсий етуқлиги, миллий маънавияти даражаси, миллий ва умуминсоний қадриятларга амал қилиши, уларни авайлаб-асраб камолот босқичларига кўтарилиши билан белгиланиши аён ҳақиқатдир.

“Миллий ғурур, - деб ёзади профессор С.Отамуратов, - бу миллий ифтихордир. Миллий ғурур ўз халқининг бир неча минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашдир” [100; 194]. Олимнинг фикрича, миллий ўзликни англаш – бу миллатчилик эмас, балки ўз миллати, халқи, анъаналари, урф-одатлари, туғилиб ўсган жойи, Ватани, дини, авлод-аждодлари, касб-кори, шажараси, оиласидан ғурурланиш, уларни асраб-авайлаш ҳамда бошқа халқлар ва миллатларни ҳурмат қилиш демакдир.

“Миллий ғурур” тушунчасининг педагогик талқинида ҳам мазкур фалсафий таъриф-тавсифга ҳамоҳанглик бор.

“Миллий ғурур, – деб ёзади М.Қуронов, - бу, миллатининг моддий ва маънавий мерослари, халқи, она юрти билан фахрланиши, миллат психологиясига оид қарашлар, муносабатлар демакдир. У инсонни туғилиб ўсган, киндик қони томган юртини улуғлашда, унинг ўтмиши, бугуни, келажаги учун қайғуриш ва фахрланишида ўз аксини топади. Миллий ғурур ва ифтихор туйғусини тарбиялаш ҳам умумтаълим мактаблари фаолиятида катта ўрин олмоғи лозим. Афсуски, амалиётда бу масалага етарли даражада эътибор берилаётгани йўқ” [123; 196].

Профессор М.Қуронов таълим-тарбияда, аввало, “миллий туйғу”, “миллий мафкуравий онглилик”, “виждонийлик”, “миллатлараро мулоқат маданияти”, “миллий ғурур”, “миллий одоб”, “Ўзбекистон ватанпарварлиги”,

каби тушунчалар мезонини илмий асослар экан, миллий ғурур – ўқувчининг ёшига мос равишда ўз халқининг қадр-қимматини билиши, иззатлаши, унинг маданияти, маънавияти, иқтисодиётида қўлга киритган ютуқлари, хизматлари, бой меросини билиши ва ана шу юксак миллий маданий ютуқларга мос бўлишга, уларни бойитишга интилишни ўз ичига олишини алоҳида таъкидлайди.

Профессор А.Зуннунов ўқувчиларнинг миллий-маънавий жиҳатдан тарбияланганлик кўрсаткичлари ва мезонларини қуйидагича 3 босқичга бўлиб кўрсатади:

1-босқич (I-IV синфлар) – ватанни англаш, миллий ғурур асослари, миллий одоб, виждонийлик, миллий мафкуравий дунёқараш асослари.

2-босқич (V-IX синфлар) – ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий одоб, виждонийлик, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий мафкуравий онглилик.

3-босқич (IX- XI синфлар) – Ўзбекистон ватанпарварлиги, миллий ғурур, миллий одоб, виждонийлик, миллий мафкуравий онглилик [51; 259].

Мазкур миллий маънавий тарбия босқичлари ўртасида деярли катта фарқ йўқ. Уларни бирлаштириб турувчи етакчи ғоя – ўқувчиларда ватанга муҳаббат туйғусини тарбиялашга қаратилганлиги билан белгиланади.

“Миллий ғурур–ифтихор халқнинг қудратини орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир, - деб ёзади профессор У.Маҳкамов. – Миллий ғурур – халқнинг эл-юртнинг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Миллий ғурур халқни халқ, миллатни миллат қилиб кўрсатади. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли – ўзбек халқининг миллий ғурур туйғуси бутун жаҳон бўйлаб қад кўтарди. Жаҳон халқлари орасида Ўзбекистон энг нуфузли мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Эндиликда ҳусни билан гўзал, меҳри билан саховат, меҳнати билан обод, шон-шухрати билан шафқатли бўлган ўзбек халқини бутун дунё тан олди” [74; 90].

Олимнинг фикрича, “Ўгурули бўлиш, биринчи навбатда, халқ манфаатини ёқлаш, элга фойда келтиришдир. Халқимиз ўз ҳаёти, турмуш тарзида энг олижаноб ғояларни мужассам этган ахлоқ-одоб қоидаларига, маънавий қадриятларга таяниб келган. Шундай илғор ғоялар туфайли элимизда адолат, ростгўйлик, ҳалоллик, покизалик, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмаслик, ногиронларга меҳрли бўлиш, одамийлик, қардошлик ва бошқа инсоний қадриятлар ривож топган. Миллий ғуруримизнинг асл моҳиятида ана шу умуминсоний туйғулар ётади” [74; 90]

Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида “Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин” [11; 90], деб таъкидлаган эди.

Чиндан ҳам, халқимизнинг ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Тарихий ҳақиқат қарор топди. Она тилимизга давлат тили мақоми берилди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари буюк ижодкорларнинг ҳурмати ўз жойига қўйилди. Миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланди.

Қадимда ҳам халқимиз миллий ғурури билан ажралиб турган. Миллий ғурур мазмунида улуғворлик, мағрурлик сифатлари ўз аксини топган. Ўгурули бўлиш бобида улуғ боболаримиз ҳақиқат ва адолат йўлида ҳеч кимга бўйин эгмаган.

Ёш авлодни миллий ғурур асосида ўзлигини англаш, ватанга муҳаббат, ўтмишни қадрлаш, келажакка ишонч руҳида тарбиялаш мазкур таълимий босқичларнинг ҳар бири олдига ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ равишда ўзига хос талаблар қўйиши табиий.

Профессор А.Зуннуновнинг миллий ғурур тарбиясига оид фикр-мулоҳазаларидан фарқли ўлароқ, Б.Зиямуҳаммедов, Р.Мавлоновалар

“Педагогика” дарсликларида миллийликни умуминсоний қадриятлар билан боғлаб талқин этадилар.

Б.Зиёмуҳаммедов миллий ғурурни маърифатли ва демократик давлат фуқароларининг инсоний сифатлари тарзида санаб кўрсатиб, “аждодларимизнинг моддий ва маънавий меросини эгаллаб, улар билан фахрланувчи ва уларни бойитишга ҳисса қўшувчи ҳар бир кишининг инсоний ғурури асосида миллий ғурурни тарбиялаш жамиятнинг буюк келажаги сари интиштирувчи асосий омил ҳисобланишини, одамларда миллий ғурурни тарбиялаш учун муайян миллатнинг тарихий қаҳрамонлари, олиму фозиллари, авлиё-анбиёлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиб, уларнинг дунё маънавиятига, илм-фан ва маданиятига қўшган ҳиссалари ҳақида хабардор бўлиши зарур”лигини уқтирса, [53; 66-69] Р.А.Мавлонова миллий шарқона тарбия юзасидан тарбияланувчиларнинг миллий тарбияланганлик кўрсаткичлари ва мезонларининг тахминий намунасини келтириш орқали миллий ғурурга қуйидагича таъриф беради: “Ўзининг ўзбек миллатига мансублигини англаш “ўзбек халқи” тушунчасининг туб моҳиятини тушуниш, ўзини ўз миллатининг фарзанди деб билиб, миллий бурчларини англаш, она тилини чексиз севиш, шу тилда тўғри сўзлаш ва фикрлашни англатади” [67; 262-263].

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш муҳим педагогик муаммо бўлиб, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”нинг асосий талабларидан бирини ифода этади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”да “...таълимнинг миллий йўналтирилганлиги – таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш...” [6; 44] узлуксиз таълим тизимида давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири эканлиги қайд этилган. Маънавий қадриятларнинг ёш авлод маънавий маданиятини шакллантиришдаги устуворлигини профессор О.Мусурмонова қуйидагича изоҳлайди:

“Маънавий қадриятлар инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тасаввури, тафаккури, келгуси орзу-истаги, эътиқоди, ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайқал топган маънавий бойлик бўлиб, тарбиянинг таянч воситаси ҳисобланади; маънавий қадриятлар тараққиёт босқичига эга, ҳаётда синалган, ижтимоий тараққиётда аҳамиятли, авлоддан авлодга ўтувчи ижтимоий ҳодисадир; маънавий қадриятлар жамият ривожининг негизи, халқнинг тарихий тараққиётида эришилган барча ютуқларни ифодаловчи ва сақловчи қудратли омилдир” [84; 5].

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш ахлоқий тарбиянинг таркибий қисми бўлгани боис бу вазифани узлуксиз таълимнинг илк босқичларидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

“Миллийлик, – деб ёзади Д.Муқимова, – миллатнинг ўзига хослиги (тили, турмуш тарзи – урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, ижтимоий муносабатлари мазмуни, ҳаётий ёндашувлари, дунёқараши)ни англатувчи миллий хусусият бўлиб, улар миллатнинг мавжудлиги ва яшовчанлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Миллий ўзлик миллатнинг мавжудлигини ифодаловчи қиёфадир. Миллий ўзликни англаш – бу миллат томонидан фақат ўзигагина хос бўлган миллий хусусиятлар моҳиятини тушуниш, уларни онгли талқин эта олиш, сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш йўлида амалий ҳаракатни ташкил этиш ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш моҳиятига кўра шахс ва миллатга хос фазилат ҳисобланади” [88; 17].

Жамиятимизнинг бугуни, эртаси ва келажаги кўп жиҳатдан ёшларимиз тарбиясига боғлиқ. Шунинг учун Президентимиз Ислам Каримовнинг “Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз—жамиятимиз аъзоларини, авваламбор вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини

уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир” [11; 71], деб таъкидлаши бежиз эмас.

Чунончи, ёшлар барча жамиятларда бўлганидек, бизнинг мамлакатимизда ҳам аҳолини энг ҳаракатчан, жисмоний бақувват, ғайратли, илм-фанга майли ва иштиёқи баланд қисмидир. Шунинг учун ҳам фарзандларимизнинг камолга етиши ниҳоятда долзарб ва айна маҳалда ғоятда машаққатли ҳамда кўпқиррали жараёндир. Кўриниб турибдики, ёш авлоднинг қай даражада тарбияланиши, ана шу тарбия жараёнини амалга оширишга кўмак берадиган омиллар, воситалар ва йўлларнинг тўғри белгиланишига боғлиқдир. Бу борада халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш алоҳида ўрин тутди.

2. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг ҳозирги аҳволи.

Миллий ғурур тарбияси маънавий-ахлоқий тарбиянинг муҳим қисмини ташкил этса-да, яқин ўтмишда унга синфий нуқтаи назардан бир ёқлама ёндашилгани аён ҳақиқат. Истиқлол даври таълим тизимидагина миллий ғурур инсоннинг ўз-ўзини англаши билан боғлиқ қадрият сифатида ёш авлодда Ватан туйғусини шакллантириш вазифасини бажаришига алоҳида эътибор қаратилди. “Миллий ғоямизнинг асосий мазмунини ифода этадиган йўналишлар ҳақида гапирганда, ҳеч шубҳасиз, биз Ватан равнақи ва тараққиётини ўзимизча тасаввур қиламиз. Ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ, ғурур ва ифтихори юксак бўлади” [11; 73]. Буюк неъмат – истиқлол шарофати билан бир неча асрлик тарихимиз, бой маданий-маънавий меросимиз қайта тикланиб халқимиз маънавияти хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Истиқлол туфайли миллий қадриятлар тикланмоқда. Таълим-тарбия тизимида маънавий-ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор берилмоқда. Уларнинг ичида миллий ғурур ўз

моҳияти билан ажралиб туради. Мустақиллик даврида ана шу қадриятлардан ўринли фойдаланиш ёшларнинг маънавий камолотга эришишининг зарур шартидир. Чунки ёшлар онгида миллий ғурур ҳис-туйғусини миллий манфаат, миллий ғоя, миллий қадриятлар ва миллий қиёфа ҳамда турмуш тарзига асосланган муносабатларни қарор топтирмасдан туриб, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришнинг жонкуяр, куюнчак қаҳрамонлари ҳақида фикр юритиш қуруқ гапдан бошқа нарса эмасдир. Шунинг учун ҳам ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш масалалари умумтаълим мактабларининг ижтимоий-гуманитар ўқув фанлари дастурлари ва дарсликларидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Хусусан, бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби”, “Одобнома”, “Муסיқа” дарсликларидаги халқ оғзаки ижоди намуналари миллий ғурур тарбиясида муҳим манба вазифасини ўтайди.

Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижоди намуналарининг мавзу доираси муҳим аҳамият касб этади. Халқ оғзаки ижодининг деярли барча жанрларига мансуб асарларда (мақол, эртак, ривоят, достон, афсона ва б.) илгари сурилган таълимий-ахлоқий ғоялар нафақат кичкинтойлар тарбияси, балки умумтаълим мактабларининг барча босқичларида ахлоқий-маърифий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда донолик, жасурлик, тadbиркорлик, зийраклик, довбураллик каби фазилатлар улуғланади.

Маълумки, бундай сифатлар, аввало, оилада таркиб топтиради, сўнгра таълим-тарбия муассасаларида босқичма-босқич давом эттиради.

Бошланғич таълим ўқув дастурларининг таҳлилий натижалари 1-, 4-синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда “Ўқиш китоби”, “Одобнома”, “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик”, “Конституция сабоқлари”, “Муסיқа” дарсларида катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатди.

“Ўқиш китоби”даги ўқув материаллари орқали ўқувчилар ўқиш техникасини эгаллаш билан бирга халқимизнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти,

жаҳонга доврӯғ таратган буюк алломалар фаолияти, одам ва олам жумбоқлари акс этган бадиий ва илмий-оммабоп асарлар матни билан танишиш жараёнида шахс сифатида шакллана боради.

Бошланғич синф ўқувчилари “Конституция сабоқлари” дарсликлари ёрдамида давлат таълим стандартида белгилаб берилган даражада фуқаролик бурчи, адолат, виждон, диёнат каби тушунчалар ҳақида фикр юрита олиши; мулк ва мулкӣ муносабатларни билиши; ота-она ва фарзандлик бурчи, фуқаролик бурчи тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлиши кўзда тутилади. Бундан ташқари, табиатшунослик, ватанимизнинг ер ости, ер усти бойликлари, уларнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши хусусида ҳам айна шу жараёнда зарурий маълумотга эга бўладилар.

Бошланғич таълим ДТС ва ўқув дастурларида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг илк талаблари ўз аксини топган. Шунга кўра бошланғич синф дарсликлари ва методик қўлланмаларида миллий ғурурни тарбиялашга қаратилган топшириқлар ҳам келтирилган, аммо улар мазкур тушунчанинг моҳиятини тўла акс эттирмайди.

Бошланғич таълим давлат стандарти мазмунига бизнинг Ватанимиз Ўзбекистон эканлиги, давлат рамзлари, миллий қадр-қиммат туйғуси, мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеаларга доир миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари киритилган. Масалан, 2-синф “Одобнома” ўқув дастурининг асосий негизини миллий истиқлол ғояси тарғиботи акс этган қуйидаги махсус бўлимлар ташкил этади: “Ватан – муқаддас она, унга жон фидо” (4 соат), “Оила – муқаддас макон” (9 соат), “Миллий ўйинлар” (6 соат), “Миллий байрамлар” (3 соат), “Президент И.А.Каримов – истиқлол асосчиси” (1 соат), “Истиқлол тамойиллари” (1 соат), “Ватан туйғуси” (2 соат), “Ватанни севмоқ – имондандир” (4 соат), “Маҳалла – мамлакат таянчи” (1 соат) ва ҳоказо.

3-, 4-синф “Одобнома” дарсликларида ҳам ўқувчиларда миллий ғурурини тарбиялашга қаратилган бир қатор мавзулар берилган. Бироқ

миллий ифтихор ва миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қилувчи топшириқларда яхлит узвийлик мавжуд эмас. Ҳолбуки, ўқувчиларнинг миллий ғурурни тарбиялаш кўп жиҳатдан тақдим қилинаётган ўқув материали ва ўқув топшириғига боғлиқдир.

Ўзбекистон дадил қадамлар билан ривожланган давлатлар қаторига кириб бораётган бир даврда дарсликларимизга ўқувчиларнинг ватан, эл, юртдан фахрланиш, ғурурланиш ҳамда шу эл-юртга муносиб фарзанд бўлишга интилиш истагини туғдиришга хизмат қиладиган, миллий меросимиз бўлган халқ оғзаки ижоди материалларини олиб кириш айти муддао бўлур эди. Бошланғич синф дарсликларни таҳлил қилар эканмиз, халқ оғзаки ижоди материалларининг ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қиладиган мақол ва топшимоқлар санокли эканлигининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, 1-синфда 3 та, 2-синфда 2 та, 3-синфда 3 та, 4-синфда 6 та мақол миллий ғурур тарбиясига хизмат қилади, холос. Бошланғич синфларда жами 11та ривоят берилган бўлса-да, улардан атиги биттасининг мазмунида миллий ғурур тарбияси элементлари мавжуддир. Бизнингча, ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қилувчи халқ оғзаки ижоди материалларини кўпроқ бериш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи синф “Ўқиш китоби”да ватан ҳақидаги шеър ва ҳикоялар кетидан “Ватани борнинг бахти бор”, “Она юртинг – олтин бешигинг”, “Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас”, китоб ва китобхонлик ҳақидаги асарлар охирида “Билимдан ортиқ бойлик йўқ”, “Билган ўқир, билмаган тўқир”, “Ақлнинг қайроғи – билим”, 2-синф “Ўқиш китоби”нинг “Меҳнат – бахт келтирар” бўлимида “Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат”, “Ҳалол меҳнат – яхши одат, берур сенга саодат”, “Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар”, “Тапни кам сўзла, ишни кўп кўзла” мақолларининг берилиши ўқувчиларнинг фақат дарсликлардаги бадий асарлар мавзуларини ўзлаштиришларигагина эмас, балки мақоллар мазмунидан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишларига ҳам ёрдам беради.

Шу жиҳатдан қараганда, бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби” дарсликларидаги мақолларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ватан ҳақидаги мақоллар.
2. Дўстлик ҳақидаги мақоллар.
3. Меҳнат ҳақидаги мақоллар.
4. Табиат ҳодисалари ҳақидаги мақоллар.
5. Ҳайвонлар ва ҳашаротлар ҳақидаги мақоллар.
6. Сабзавот ва полиз экинлари ҳақидаги мақоллар.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, айрим мақоллар дарсликлардан дарсликларга кўчиб юради. “Она юртинг омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас”, “Она юртинг – олтин бешигинг”, “Булбул чаманни севар, одам Ватанни”, “Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда” каби талай мақоллар шулар жумласидандир. Бу хилдаги ноўрин такрорлар “Ўқиш китоби”, “Одобнома”, “Она тили” дарсликлари ўртасида узвийлик ва узлуксизлик тамойилига амал қилинмаслиги натижасидир.

Бошланғич синфларда миллий ғурур тарбияси ўқувчиларни шарқона урф-одатлар, миллий анъаналар, қадриятлар мисолида Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга, уларда ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, тўғрилиқ, инсофдиёнат, меҳр-оқибат билан боғлиқ тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилади.

Ана шу ғоя бошланғич таълимда билим олаётган ўғил-қизларда миллий ифтихор ва миллий ғурурни таркиб топтириш, тарбиялаш, такомиллаштириш ва миллий руҳда тарбиялашга бағишланган илмий кузатишлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Бу мавзунини кенг кўламда ўрганиш натижасида бошланғич синф ўқитувчилари ўз ишига виждонан ёндашиб, халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш учун илғор педагогик технологиялардан ўринли ва унумли фойдаланган ҳолда кўпгина ишлар қилишларини талаб этади, деган хулосага келдик.

Бошланғич синф ўқувчиларининг миллий ғурур, ватанпарварлик сифатларини тарбиялаш узлуксиз таълим тизими олдидаги долзарб масалалардандир. Бошланғич синф ўқувчиларининг миллий ғурури ва ватанпарварлик сифатлари қай даражада эканлиги юзасидан ўқиш, одобнома дарсларида бадиий асарлар таҳлили, кузатиш ва суҳбатлар жараёнида олиб борилган савол-жавоблар орқали шу нарса маълум бўлдики, уларнинг Ватан, миллий ғурур ҳақидаги фикрлари ғоятда чекланган. Улар Ватан ва Ватанни улуғловчи шеър, кўшиқ, мақол, ҳикоя ва бошқа жанрлардаги бадиий асарларни билишади-ю, миллийликнинг туб моҳиятини яхши англаб етишмайди.

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш ҳар бир машғулот, тарбиявий тадбирлар, тўғаракларни олиб бориш жараёнида табиат ва жамият, инсон ва у яшайдиган муҳит ҳақида илмий билим билан куроллантириш зарурлигини тақозо этади.

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш билан боғлиқ мақсад ва вазифаларни ижобий ҳал этишда табиий муҳит муҳим роль ўйнайди. Чунки ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигидаги фаолиятнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан табиий муҳитга боғлиқ.

Бошланғич таълим дастурлари, дарсликлари мазмунида миллийликнинг бўлиши давр тақозосидир. Бу мазмун замирида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш муаммоси ётади: умуминсоний ва миллий қадриятлар; халқ оғзаки ижоди материаллари, урф-одат ва анъаналар; мумтоз ва замонавий кўшиқлар, адабиёт намуналари, халқ донишмандлиги дурдоналари негизини ташкил этган шарқона тарбиянинг асосий сифатлари; инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик; меҳр-оқибат, ота-онага ҳурмат, саховат, имон-эътиқод тарбияси шулар жумласидандир.

Мустақил жамиятимизнинг эртанги куни, келажаги яратувчиси – ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланади. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларида жафокаш

ватанимизнинг ўтмиши, бугуни, эртаси билан фахрланиш, шу ватанга муносиб фарзанд бўлиш ҳисларини сингдириш бугунги таълим тизими олдидаги долзарб масалалардандир. Зеро, бошланғич синф ўқувчиларида мамлакатнинг ютуқларидан фахрланиш, ғурурланиш ҳиссини тарбиялаш учун, энг аввало, мамлакатимизнинг босиб ўтган шонли йўли ҳақида гапириб бериш, мисоллар келтириш, тарихий обидаларни зиёрат қилиш болалар қалбида Ватанга, она юртга, унинг тарихига бўлган муҳаббатни орттиради. Бугунги кунда Шарқ мутафаккирларининг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳамда уларнинг илмий меросини, айниқса, педагогик меросини ўрганишга бўлган эътибор кучайди. Уларнинг мазмунидан келиб чиқадиган хулосалар ёшлар тарбиясида алоҳида ўрин тутади. Улуғ мутафаккирларимиз фарзанд тарбияси, унинг шакл ва усуллари ҳақида муҳим фикрлар билдирганлар.

Мактабдан ва синфдан ташқари ишларни такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”ни амалга ошириш вазифаларидан келиб чиқиб “Мактабдан ташқари таълим муассасалари тўғрисида Низом”, “Маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари тўғрисида Низом”, “Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси”, “Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талаблари”, “Ўқувчиларни тарбиялашда оила, мактаб, маҳалланинг ҳамкорлик концепцияси” каби меъёрий ҳужжатларда ҳам миллий ғурур тарбияси билан боғлиқ қатор талаблар келтирилган.

Миллий истиқлол ғояси Конституцияга, миллий ва умуминсоний, демократик тамойилларга асосланади; халқнинг асрлар давомида шаклланиб келган юксак маънавиятини, анъаналари ва урф-одатларини, буюк аجدодларимизнинг бой маънавий меросини ўз ичига олади ҳамда миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқарода миллий ғурур, кадр-қиммат, Ватанга муҳаббат, ўзаро ҳурмат, истиқлол ва демократия ғояларига садоқат туйғусини тарбиялашга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг миллий истиқлолга эришиши натижасида ёш авлодда миллий ғурурни тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади. “Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш, – деб ёзади давлатимиз раҳбари И.А.Каримов, – барчамиздан мустаҳкам ирода, имон-этиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аجدодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир” [2; 362].

3. Халқ оғзаки ижодининг инсон камолотидаги ўрни ва роли.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг фарзандларимизни ўзбек халқининг бой миллий маънавий қадриятлари, халқ педагогикаси дурдоналари асосида тарбиялаш имконияти кенгайди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, миллатларни бирлаштириш ва жипслаштиришга, уларда ўз тарихи, маънавиятига, фанига, турмуш тарзига эъзоз-эҳтиром, ҳурмат ва эътибор билан қарашни кучайтиришга кўмак берадиган, миллий турмуш, миллий онг, миллий қиёфани, миллий ғояни, миллий ғурурни шакллантириш, қарор топтиришга таъсир қиладиган миллий анъаналарни янада бойитиш, асраш, авайлаш жуда катта илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар, аввало, инсон онгига таъсир қилади ва кишилар амалий ҳаётида реаллашади. Кўриниб турибдики, одамзот онгида ўзгаришлар бирданига, бир зумда ёки автоматик тарзда эмас, балки бирмунча мураккаб ва қийин кечадиган жараёндир. Миллий ғурур тарбияси ҳам худди шундай мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён ҳисобланади.

Таълим-тарбия жабҳасида тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борган кўп йиллик изланишларимизга кўра, бошланғич синф ўқувчиларига тўғридан тўғри миллий ғурурга оид билим беришга қаратилган жиддий маърузалар ўрнига ҳикоя, эртак, мақол, ривоят, достон, шеър, кўшиқлар ўзлари энди-энди танишаётган ҳаётнинг бадиий инъикоси сифатида тез таъсир кўрсатади.

Қолаверса, бу ёшдаги ўқувчиларга овутмачок, санама, эртак, кўшиқ, топишмоқ, тез айтиш, мақол, панд-насихат каби бадий асарларда тасвирланган воқелик болалар томонидан ҳис-туйғулари орқали идрок қилинади. Асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари, ўзини тутиши, бошқаларга муносабати, бир сўз билан айтганда, феъл-атвори ўқувчиларда ёқимли ёки ёқимсиз таассурот қолдиради. Ҳис сезишлар орқали қабул қилиниши туфайли билимдан олдин туриши психологлар томонидан аллақачон ўз исботини топган.

Профессор М.Иномова тўғри таъкидлаганидек, “у ёки бу фольклор жанри орқали халқимизнинг бола тарбияси тўғрисидаги қарашлари билан бирга, муайян тарбия шакллари акс эттирилса, иккинчи томондан, шу жанр орқали тарбия таркибини амалга ошириш метод ва воситалари ҳам кўрсатилади” [57; 77]..

Тадқиқотчи А.Тешабоев “Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда фольклор асарларидан фойдаланиш” номли диссертациясида: “фольклорнинг ҳар бир жанрини ҳар бир тарбия қисмлари нуқтаи назаридан алоҳида олиб таҳлил қилиш мумкин. Чунки алоҳида олинган жанр чуқурроқ таҳлил қилинса, бирор бир тарбия қисмини атрофлича қамраб олган ғоя ва қарашлар ва уни амалга ошириш восита ва усуллари кўпроқ учрайди” деб ёзиб, халқ оғзаки ижодининг ҳар бир жанри тарбияловчилик характериға эға эканлигини уқтиради [109; 28].

Халқ оғзаки ижоди оммавий ижод маҳсули сифатида халқ бадий фаолиятининг таркибий қисмини ташкил этади. У халқ санъатининг бошқа турлари: мусиқа, театр, рақс, тасвирий ва амалий санъатдан сўз санъати сифатидаги ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Ҳар бир халқнинг асрлар оша орттирган бой турмуш тажрибаси, орзумидларини акс эттирган оғзаки адабиёти дурдоналари мавжуд. Халқнинг ҳаётий тажрибалари асосида оғзаки тарзда яратилиб, авлоддан-авлодға ўтиб келаётган шу хилдаги бадий асарлар “оғзаки сўз санъати”, “фольклор” ёки

«халқ оғзаки поэтик ижоди» атамалари билан ифодаланади. Хали гўдаклигидаёқ унинг илк намуналари билан таниш бўлиши ўқувчиларнинг ўқиш ва одобнома дарсларида халқ оғзаки поэтик ижодини пухта ўзлаштиришларига замин яратади.

Ўзбек фольклоршунослигига “фольклор”, “ўзбек фольклори” терминларини биринчи марта Ҳоди Зариф киритган. Машҳур фольклоршунос олий ўқув юртлари учун тузган биринчи мажмуасини “Ўзбек фольклори” деб атаиди (1939). Унгача ишлатилган “эл адабиёти”, “оғзаки адабиёт”, “ўзбекларда оғзаки адабиёт” каби атамалар объектни аниқ ифодаламаслиги туфайли илмий истеъмолдан чиқиб кетди ва ҳозирги кунда уларнинг ўрнига фанда “Ўзбек фольклори”, “Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди” ифодалари мустаҳкам ўрнашиб қолди.

Халқ оғзаки ижоди асрлари тўфонидан ўтиб, ҳаётнинг туб моҳияти билан таништириш, ўзликни англаш воситаси сифатида неча-неча авлодларни тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбек халқининг ёш авлодни халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида тарбиялаш борасидаги бой тажрибаси, анъаналари авлоддан-авлодга маънавий мерос сифатида ўтиб келмоқда.

Халқ педагогикасининг тарбиявий жиҳатларини илмий асослаб берган З.Ф.Миртурсунов фольклорнинг ҳар бир жанри орқали бола тарбиясида ижобий натижаларни кўриш мумкинлигини таъкидлайди: “Халқ оғзаки ижоди қадим замонлардан буён жаҳон халқларининг, шу жумладан, ўзбек халқи педагогикасининг ҳам ягона тарбия воситаси бўлиб келган ва бизнинг замонамизда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Ҳатто маълум маънода халқ ижодининг алоҳида жанрларини, тўғридан-тўғри бола тарбияси таркибидаги айрим томонларини тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қилиб келган ва бундан кейин ҳам хизмат қилади” [80; 29].

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг муҳим қисми – болалар фольклорининг фидойи тадқиқотчиси Ғ.Жаҳонгировнинг “Ўзбек болалар фольклори” [46].

номли монографиясида болалар фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, тур ва жанрлари: тез айтишлар, топишмоқлар, болалар қўшиқлари, эртаклари, ўйинлари фольклорнинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва роли атрофлича таҳлил қилинади.

Халқ оғзаки ижоди асарлари ўзининг ҳаётийлиги, ижтимоий табиати, ғоявий моҳияти ҳамда ўзига хос бадиий хусусиятлари билан ажралиб туради. Халқнинг меҳнати, урф-одати, турмуш тарзи, яшаш шароити, орзу-истаги, кураш ва ғалабалари, миллий ғурури бу хилдаги асарларнинг мавзуси ва ғоявий мазмунида ўзининг чуқур аксини топади.

Халқ оғзаки ижодининг ҳар бир намунаси асрлар давомида халқнинг кўплаб иқтидорли яратувчи-ижрочилари томонидан ниҳоятда пардозлангани, тилдан-тилга кўчиб, сайқал топгани боис юксак санъат намунаси даражасига кўтарилгандир. Шунга кўра, ёш авлоднинг эстетик сезгилари ривожда, гўзалликни, бадиий сўз қадри ва қимматини, она тили бойликларини ҳис қилишларида – нутқ ва хотира тарбиясида, ўзлигини англашида, чунончи, миллий ғурур тарбиясида фольклорнинг роли беқиёс каттадир.

Педагогика фанлари доктори Д.Рўзиева халқ оғзаки ижоди жанрларини миллий ифтихор туйғусини тарбияловчи алоҳида таъсир кучига эга омиллардан бири сифатида қайд этади [106; 16].

Халқ оғзаки ижодининг қўшиқ жанри тугал фикр бадиий ифодаланган, эл орасида кенг тарқалган ва барча кишилар томонидан куйланиши мумкин бўлган мустақил тўртликдир. Инсон ҳаётини қўшиқсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қўшиқлар фақат тўйда ва байрам тантаналаридагина эмас, балки инсоннинг ҳаёт йўлида суянчиғи ва доимий ҳамроҳидир. Уларда халқнинг битмас-туганмас куч-қудрати куйланади, ватан тақдири учун жанговар курашчи, садоқатли дўст, меҳнатсевар ва тажрибали инсон образлари гавдаланади.

“Қўшиқ” термини XI асрда ёзилган, илмий адабиётларнинг бизгача етиб келган энг қадимийси ҳисобланган Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону

луғотит турк» асарида илк бор “кошуг” шаклида берилган ва унинг изоҳи “шеър”, “қасида” деб кўрсатилган. Шунингдек, “қўшиқ” сўзини Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони, Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб” луғатида ҳам худди шу маъноларда учратамиз. Хусусан, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Рисолаи аруз” асарларида қўшиқ сўзи “суруд”, “аёлғу”, “лахн”, “туркий тарона”, “ашулам, “ўлан”, “чипга” (чинка) номи билан ҳам тарқалганлиги қайд қилинади.

Ўзбек халқ қўшиқлари орасида шундайлари ҳам учрайдики, уларда сўз оламни тасвирлашдан бошланиб, одам орқали яна табиатнинг бошқа объектларига ўтилади, инсоннинг чуқур ҳиссиётини баён этишда олам ва унинг конкрет ҳодисаларига суянилади. Жумладан, “Бойчечак”, “Читтигул” каби аксарият ўзбек болалар қўшиқларида табиатнинг гўзаллиги инсоннинг ички ҳиссиёти, кувноқ кайфияти билан уйғун, ажойиб бир реалликда тасвир этилгандир. Ўзбек болалар қўшиқларида мурғак қалбларнинг табиат ва жамият олдидаги масъулияти унинг миллий ғурур ва ифтихор туйғулари билан ҳамоҳанг тилга олинади. Бундай қўшиқларни ўқиган ёки ёд олган ўқувчи бадиий матндаги ўйноқи мусикий оҳанг туфайли туғилган кучли ҳиссиёт воситасида ундаги мазмунни чуқур идрок этади. Халқ оғзаки ижоди намуналари айнан шу жиҳатдан ёш бўғинларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим восита бўла олади.

Ўқувчиларда миллий ғурур ва ифтихорни тарбиялашда халқ қўшиқлари яхшилик, дўстлик, қардошлик ва тинчлик элчиси, ҳур, озод Ватан, обод эл жарчиси ҳамда инсонларда ўз элига, қутлуғ ерига муҳаббат, она заминга садоқат, аجدодларга ҳурмат, эътиқод туйғуларини сингдирувчи муҳим воситадир.

Халқ қўшиқларининг ўқувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириши ҳақида олиб борган тадқиқотида М.Исмоилова шундай ёзади: “Халқ қўшиқлари болаларда энг яхши инсоний фазилатлар:

ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, одамларга ишонч, дўстларга садоқат туйғулари ва ўз-ўзига талабчанлигини шакллантиради. Халқ кўшиқлари ўқувчилар учун илк тарбия дарслиги, маънавий-ахлоқий бойликларнинг битмас-туганмас хазинасидир” [61; 27].

Миллий ғурур она сути, ота намунаси, авлод-аждодларнинг ирсий хусусиятлари, ахлоқ-одоб мезонлари орқали фарзандлар онгига сингдирилади. Она алласи фақат гўдакларнинг ором олиши учун айтилмайди. Аллалар воситасида болалар кўнгил дунёси миллий маънавий қадриятлар билан тўйинтирилади. Ватанга меҳр-муҳаббати авлод-аждодларга чин ворислик билан боғлиқ наслий туйғулар, бахт-саодат билан йўғрилган порлоқ истикбол орзуси аллаларда ўзининг юксак ифодасини топгандир.

Фарзандлар оналарнинг узун тунлар айтган аллалари, ривоят-эртаклари билан бирга бува-бувиларининг ўғитлари, панд-насиҳатлари асосида ҳаётга назар ташлайди. Ёш хусусиятларига кўра, кичик ёшдаги ўқувчилар ҳикоя, эртак, мақол, ривоят, достон, шеър, кўшиқ ва масалларни яхши қабул қилади. Аллаларнинг мантиқий давоми бўлган бадий асарлар мутолааси туфайли уларнинг фикри ўсади, дунёқараши кенгаяди, ҳаётда нима яхши-ю нима ёмонлиги хусусида дастлабки хулосалари шаклланади. Психологларнинг таъкидлашича, бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолияти беихтиёр содир бўлиш характерига эга бўлади ва бу билим олиш чегарасини кенгайтиришга кенг имкониятлар очиб беради.

Ўзбек халқ кўшиқларининг миллий ғурур тарбияси билан боғлиқ жанрларидан бири термалардир.

Халқ оғзаки ижодининг мустақил жанри бўлган термаларнинг яратилишида бахшиларнинг роли ниҳоятда каттадир. Оғзаки ижоднинг бу хилдаги намуналари: панд-насиҳат, одоб-ахлоқ, соз ва сўз ҳақида яратилган, ижтимоий ҳаётдаги турли ҳодисалар, шахс ва жониворларнинг таърифи ёки танқидига бағишланган термалар ўқувчиларни ҳаётга тийрак кўз билан қараш, ростгўйлик, ҳалоллик, инсоф ва диёнат, мардлик, меҳнатга муҳаббат,

ватанпарварлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ишонч ва садоқат руҳида тарбиялашга яқиндан ёрдам беради.

“Болалар ўйинларида, – деб ёзади Қирғиз-ўзбек университети ўқитувчиси М.Қодирова, – катталар фойдаланадиган меҳнат қуроллари кичкина нусхалари, чорвадорлар, деҳқонлар, ҳунармандлар, овчилар ва бошқаларнинг меҳнати жараёнларига тақлид қилиш катта ўрин тутди ва бу ҳол уларни меҳнатга психологик ҳамда амалий жиҳатдан тайёрлашда катта аҳамият касб этади ... Болалар ўйинларининг барчаси, баъзан юқори пардада, баъзан хиргойи қилган ҳолда қўшиқ айтиб туриб бажарилган. Шунинг учун уларга ўзига хос синкретик асар сифатида қараш лозим” [121; 20-21].

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг қадимий оммавий жанрларидан бири бўлган мақоллар ҳам халқнинг асрлар давомида бошдан кечирган ҳаётий тажрибаларида синовлардан ўтиб сайқал топган бўлиб, ифоданинг ғоят қисқа ва лўндалиги билан ажралиб туради. Қатъий ҳукм-хулоса тарзида айтиладиган фольклорнинг бу хилдаги намуналарида авлод-аждодларимизнинг дунёқараши, жамиятга бўлган муносабати ва ахлоқий ҳаёт нормаси ўз ифодасини топади.

...Ўзбек ўз билганидан қолмас.

Ўзбекнинг ўпгани-туянинг тепгани... каби мақолларни келтириб, унинг миллий ғурур тарбиясидаги ўрни ҳақида олима Д.Рўзиева шундай ёзади: “Миллатимиз феъл-атворини англатувчи бу мақоллар аждодларимизнинг шу халқ фарзанди бўлганлигидан фахрланиш туйғуси билан яратилганлиги сезилиб турибди. Табиийки, бундай мақоллар ёшларни ҳам ўзбек бўлганлигидан фахрланишга, ўз миллати ва табиати билан ғурурланишга ундайди. Натижада улар қалбида ўз миллатига содиқ бўлиш туйғуси уйғонади” [107; 123].

Ўрта Осиё халқлари урф-одатларининг юксак даражада мақтовга сазовор бўладиган томонлари шуки, улар ўз миллий характерида эга бўлган

ажойиб фазилатларни қатъият билан сақлайдилар. Халқ эртаклари бунинг ёрқин далилидир.

Эртаклар халқ оғзаки ижодиётининг энг қадимий, оммавий ва кенг тарқалган жанрларидан бири сифатида меҳнаткаш халқ оммасининг энг яхши сифатлари – инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстга садоқат, вафодорлик, шу йўлда қаҳрамонлик, жасорат кўрсатиш каби фазилатларни тарғиб этади. Эртакларда ахлоқ ва одобнинг юксак намуналари улуғланиб, зулм ва зўрлик қораланади. Эртакларнинг келажакка умид кўзи билан қарашга, фаровон ҳаёт учун курашишга чақириши, кишиларда ҳаётга муҳаббат, ер юзида адолат ва инсофнинг тантана қилишига ишонч уйғотиши жуда муҳим тарбиявий моҳиятидан далолат беради. Бебаҳо асарлари билан дунёга машҳур бўлган Алишер Навоий, Ҳамид Олимжон, Ойбек каби ёзувчи ва шоирларнинг таржимаи ҳолидан маълумки, уларнинг буюклик шоҳсупасига кўтарилишларида халқ эртаклари чексиз руҳий озик берган.

Эртакнинг тарбиявий аҳамияти хусусида профессор Н.Ортиқов ёзади: “Ота-оналарнинг тунда уйқу олдида айтиб берган эртакларидан фарзандлари руҳий озик олганлар, ҳаётдаги ва одамлардаги яхши фазилат, ёмон хусусиятларни билиб олишган, ҳурмат, мурувват, адолат каби тушунчалар ҳақида тасаввурга эга бўлишган. Натижада бутун ҳаётлари давомида эртаклар уларнинг доимий ҳамроҳи, ҳаёт дарслиги бўлиб хизмат қилган ва ҳозир ҳам ана шундай” [94; 85].

“Эртақ” термини Маҳмуд Қошғарийнинг XI асрда ёзилган “Девону луғотит турк” асарида “этуқ” шаклида учрайди ва бирор воқеани оғзаки тарзда ҳикоя қилиш маъносини билдиради. Ҳозир фольклоршунослик термини сифатида “эртақ” сўзи қабул этилган бўлса-да, Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона ўзбеклари орасида “матал” деб юритилади. Бухоро атрофидаги ҳудудларда икки тилда (ўзбек ва тожик тилларида) сўзлашувчи аҳоли орасида “ушиқ” деб аталади. Хоразмда “варсақи”, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида “чўпчак” термини ҳам ишлатилади.

Халқ орасида “эртак”, “матал”, “чўпчак” терминларидан бошқа яна “ҳикоя”, “афсона”, “ўтирик”, “тутал” каби атамалар ҳам учрайди. Алишер Навоий асарларида афсона, эртак ва масал маъноларида “чўпчак” сўзи ишлатилган. Чўпчак кичик ҳикояларни тўплаш, ҳикоя қилиш, топиш, излаш маъносида бўлгани учун баъзан топишмоқ ўрнида ҳам қўлланилган.

Айниқса, ватанпарварлик қадриятларига доир жанговарлик эртакларида асосий мавзу элат ва юрт мудофааси инсоннинг киндик қони томган муқаддас замин олдидаги фуқаролик бурчи билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Уларда жангу жадалларга доир воқеа-ҳодисалар тасвири миллий ғурур ва эътиқод, бурч ва масъулият тарбиясига хизмат қилади.

Халқ эртакларининг қаҳрамони душманни қувиб юртдан чиқиб борар экан, она тупроқдан бир сиқим олиб: “Ўлсам кафаним бўласан, ўлмасам чопоним бўласан”, – деб чўнтагига солиб қўяди. Қалбида Ватан туйғуси жўш урган баҳодир сиймосининг ана шу шаклда акс этиши жанговарлик типидagi эртакларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Улардан фарқли ўлароқ, “Зумрад ва Қиммат”, “Уч оға-ини ботирлар”, “Эгри ва тўғри”, “Очкўз бой”, “Тулиқаҳқаҳ”, “Зийрак уч йигит” каби эртакларда маънавий-ахлоқий қадриятлар эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги азалий зиддиятлар талқини мисолида бошланғич синф ўқувчилари қалбида ёрқин туйғулар уйғотади.

Ўқувчилар социал-маиший эртакларни ўқиш, мазмунини ўзлаштириш жараёнида ижобий ва салбий қаҳрамонлар характери билан танишадилар.

Топишмоқлар ўзбек фольклорида қадим замонлардан ҳозиргача яшаб келмоқда. М.Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида бошқа адабий жанрлар билан бир қаторда топишмоқларнинг ҳам изоҳлангани назарда тутилса, унинг яратилиш тарихи қадим замонларга бориб тақалиши аён бўлади.

Фольклоршунос З.Хусаинова “Ўзбек топишмоқлари” китобида: “Топишмоқ фольклорнинг энг қадимий, энг оммавий жанри. Топишмоқда инсонни қуршаб олган табиат, борлиқдаги нарсалар ва ҳодисалар жамият

тараққиётининг турли босқичларидаги ижтимоий онгнинг ўз даврига нисбатан тафаккур доирасида тушунилади ва шу жанрнинг ўзига хос бадиий шаклида акс эттирилади; назарда тутилган ҳодиса ва нарсалар ҳақида баъзи маълумот берилади” деб таъриф беради [141; 3].

Маълумки, табиат ва жамият ҳодисалари кишилар олдига кўп мураккаб жумбоқлар, муаммолар қўйган. Инсоннинг ўша масалаларнинг ечимини топиши, сирли бўлиб кўринган нарсаларнинг туб моҳиятини очиши учун ақл-идрок, зукколик ва ўткир дид талаб қилинган.

Табиатнинг сирли ҳодисалари инсон тақдирини асоссиз, тахминий фаразлар, турли эътиқодлар воситасида пассив англаш фолбинлик, астрология каби оғзаки ижоднинг ғайри илмий шакллари ҳам майдонга келтирган. Топишмоқлар бўлса, халқ оғзаки ижодида эшитувчилардан онгли равишда яширилган, беркитилган нарса-ҳодисаларнинг асосий мазмунини топиш, ечишнинг ўзига хос поэтик шаклидир. Шунинг учун топишмоқни эшитувчилар уни табиат ёки турмуш сирини деб эмас, яширилган аниқ бир нарса деб биладилар, шундай тушунадилар.

Топишмоқ айтиш, асосан, ёшларнинг сўз бойлигини ошириш, ҳаёт ва унинг ҳодисалари ҳақидаги билим-тушунчаси, идроки ва мулоҳазаларини кенгайтириш, дунёқарашини бойитиш учун зарур тарбиявий воситалардан бўлгани туфайли унга соддадан мураккабга, осондан қийинга тамойили асосида ёндашилади.

Топишмоқ айтишнинг ўзига хос муайян тартиб-қоидалари мавжуд. Топишмоқнинг жавоби топилиши билан кетма-кет айтила берилади. Агар эшитувчилар топишмоқнинг жавобини топа олмаса, “шаҳар” талаб қилинган. Топишмоқ жавобини топа олмаган, “шаҳар берган” киши маълум ишни бажаришга мажбур бўлган.

Топишмоқ айтиш орқали даврада ажойиб хушчақчақлик, рухий кўтаринкилик пайдо бўлади. Фольклоршуносларнинг аниқлашича, қадимда

топишмоқ айтиш кечалари жуда мароқли ўтган, айниқса, ёшларга таълимий-тарбиявий жиҳатдан катта фойда етказган.

“Ажойиб иситоралар, ёрқин қиёслашлар, образли ифодалар билан жилоланган ўзбек топишмоқлари, – деб ёзади таниқли фольклоршунос М.Абдурахимов, – қадимий қуёшли ўзбек ерининг жозибаси ва ўзига хослигини тасвирлабгина қолмай, фольклор асарлари силсиласида улкан эстетик қиммати билан халқ маънавий дунёси тараққиётининг хазинаси сифатида бизнинг кунларимизда ҳам жамиятимиз яхлит маданий ҳаётининг муҳим тармоғи бўлиб қолмоқда” [19; 3].

Маълумки, топишмоқлар оғзаки ижоднинг қадимги жанрларидан саналади. У Аристотель замонида ҳам мавжуд бўлган. Донишманд “Метафизика” асарида топишмоқларни “ажойиб тузилган метафоралар” деб таърифлайди.

Топишмоқлар ўз табиатига кўра топишмоқни айтувчига ҳам, топувчига ҳам аён бўлган объектив воқелик, предмет ва ҳодисаларнинг белгиларини ифода этувчи тушунчалардан тузилгандир. Улар объектларни ҳаракат ҳолатида олиб акс эттиради. Ушбу масалада фольклоршунос олимлар З.Хусаинова, М.А.Пиониковаларнинг топишмоқлар аниқ предметларни, уларнинг пайдо бўлиши диалектикасида англаб акс эттиради, деган фикрларига қўшилиш мумкин. Лекин топишмоқларда объект ҳаракати ҳар вақт ҳам унинг таърифида очиқ кўрина бერмайди, яъни муайян буюм ва ҳодисаларнинг табиатига ёки унинг муҳим белгиларининг ҳарактерига кўра, объектнинг ҳаракат белгиси таърифида очиқ берилиши ҳам, берилмаслиги ҳам мумкин.

Топишмоқларнинг моҳияти, маърифий-тарбиявий аҳамияти олам сирларидан кишиларни воқиф қилиш, билишга ундаш билан бирга, инсониятнинг табиат ва ҳайвонот дунёси билан қадимдан узвий боғлиқлигини таъкидлаш, уларни севиш, ардоқлаш туйғуси ҳам яширингани билан боғлиқ.

Халқ оғзаки ижодининг қадимий жанрларидан бири афсона кичик ҳажмли, мазмунан содда баён ва ҳикоялар шаклида яратилган бўлиб, бу хилдаги асарларда қаҳрамонларнинг ижтимоий ҳаётга фаол муносабати кучли руҳий тўлғанишлар билан кечишига кўра болаликнинг учқур ҳаёлларига яқин келади.

Афсона–форсча фантастика, сеҳр-жоду ҳамда ҳаётий уйдирмалар асос бўлган насрий ҳикоядир. Бошланғич синфларда афсоналарни мавзу жиҳатдан уч турга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Биринчиси – ҳаёлий воқеа ва ҳаёлий қаҳрамонлар ҳақидаги афсоналар; иккинчиси – тарихий воқеа ва тарихий шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи афсоналар; учинчиси – жангнома типдаги афсоналар ёки қаҳрамонлик афсоналаридир. Бу хилдаги асарлар бошланғич синф ўқувчиларини ватан ва эл-юрт равнақи йўлида мардлик ва жасорат кўрсатишга руҳлантириш билан муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Широқ ва Тўмарис ҳақидаги афсоналар шулар жумласидандир.

Мазкур афсоналарда Широқнинг Ватан дахлсизлиги йўлидаги фидоийлиги Тўмариснинг душманга бўлган кучли нафрати, ўз юртига муҳаббати билан ҳамоҳанг таассурот қолдиради.

Ҳаётий воқеалар бадиий уйдирмалар воситасида ҳикоя қилинган реалистик ҳарактердаги оғзаки ижод турларидан яна бири ривоят бўлиб, мазкур жанрга мансуб асарлар ғоявий-тематик жиҳатдан ранг-барангдир. Ривоятларда тарихий воқеалар ва айрим тарихий шахслар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар, ижтимоий ҳаёт ва маиший турмуш, географик жойлар – саҳро, кўл, чўл, денгиз, шаҳар, қишлоқ, қалъа, сарой ва бошқаларнинг барпо бўлиши ҳамда вайрон қилинишига оид воқеалар талқини туради. Мазкур ҳикоялар у ёки бу воқелик ҳақида хабар бериш, уни тасдиқлаш ёки инкор қилиш вазифасини бажаради. Ривоятларда лутф ва назокат, ақл ва тадбир, ишқ ва вафо, яхшилик ва одамийлик каби илғор ғоялар жамиятда учраган зулм ва зўрлик, ҳақсизлик ва адоват, бахиллик ва жабр-ситам сингари иллатларга қарши қўйилади.

Халқимизнинг маънавий-маиший қиёфаси, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-эстетик қарашлари ўзбек фольклорининг кенг тарқалган ва йирик жанрларидан бири бўлган достонларда асар қаҳрамонларининг адолат ва ҳаққоният, озодлик ва тенглик, ватан озодлиги ва юрт фаровонлиги йўлида кўрсатган жасорати билан чамбарчас боғлиқдир. Достон қаҳрамонларининг мардонавор кураш йўли мазкур асарларнинг мавзу доираси, ғоявий мазмуни, образлар тизими, сюжет ва композицияси моҳиятини белгилайди. Достонлардаги улуғвор поэтик умумлашмалар ва юксак бадиий образлар уларни дунё фольклорининг тенгсиз намуналари – рус блинлари, украин думалари, карлео-фин рунлари, қозоқ ботирлар жири, бурят улигерлари, кирғиз Манаси, қорақалпоқ Қирқ қизи, ҳинд Махабхорат қиссаси, Ғарб ва Шарқнинг улкан эпослари қаторига қўйди. Бу эса инсон қалбида чексиз ғурур ва юксак байналминаллик туйғуларини янада жўш урдиради.

“Халқ оғзаки ижоди, айниқса достонларни ўқиш, ўрганиш – деб ёзади тарбияшунос олима О.Тўраева, –ёшларимизда мардлик, жасорат, миллий ғурур, Ватанни севиш, халқпарварлик каби фазилатларни камол топтиради” [112; 117].

Ўзбек халқ достонлари халқимиз маънавий маданиятининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. Достонларда ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашлар дунёқарашнинг бошқа масалаларига қараганда, кенг кўламда ифода этилиши аён ҳақиқат. Бу ўринда яна шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий қарашларнинг объекти бўлган жамиятнинг ўзи табиатдан айрича яшай олмас экан, унинг ҳаётида роль ўйнаган табиат, объектив борлиқ у яратган достонларда ҳам акс этади. Табиат ҳодисаларига халқ оммасининг қизиқиш қараши, унинг устида мулоҳаза юритиши, хулосалар чиқариши ҳам шу туфайлидир. Бу хулосалар фан учун маълум аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам 3-4-синф ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда достонлардан олинган парчалар билан таништирилади. Масалан, 3-синф “Ўқиш китоби”

дарслигидаги “Рустамхон”, “Авазхон” достонларидан олинган парчаларда Рустамхон билан Авазхоннинг саргузаштлари ҳикоя қилинса, 4-синф “Ўқиш китоби” [71;12] дарслигида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонидан келтирилган “Одамдан нима қолади” ҳикоясида инсоний фазилатлар, М.Шайхзоданинг “Тошкентнома” достонидан қисқартириб олинган парчада Шарқ дарвозаси саналган азим Тошкентнинг улуғворлиги, табиат билан уйғунлиги юксак пафос билан куйланади:

Тошкентда уч фасл ёз:

Баҳор шошган ички ёз,

Ёз – катта ва асл ёз,

Куз – кечиккан кечки ёз.

Бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби” ва “Одобнома” дарсликларида миллий ғурур тарбияси билан боғлиқ халқ оғзаки ижоди намуналарига нисбатан кам ўрин ажратилган. Дарсликлар юзасидан яратилган методик қўлланмаларда халқ оғзаки ижоди мисолида миллий ғурурни тарбиялаш усул ва методлари чуқур ёритилмаган. Ўқувчиларда халқ оғзаки ижоди асарларидан олган сабоқларини ҳаётга татбиқ этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш яхши йўлга қўйилмаган. Бошланғич таълим ўқув дастурларининг таҳлилий натижалари 1-4-синф “Ўқиш китоби” ва “Одобнома” дарсликларида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қилувчи халқ оғзаки ижоди жанрларидан кўпроқ киритиш зарурлигини кўрсатади. Оила – мактаб – маҳалла ўртасидаги ҳамкорликда бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга доир педагогик шарт-шароитлар яратилмаган. Ота-оналар учун оилада халқ оғзаки ижоди асосида болаларда миллий ғурурни тарбиялаш юзасидан методик тавсияномалар ишлаб чиқилмаган.

Мазкур хулосалар халқ оғзаки ижоди асосида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш мезонларини ишлаб чиқиш, миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари, самарали методларини

аниқлаш, халқ оғзаки ижоди асосида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг моделини яратиш каби вазифаларни бизнинг олдимизга кўндаланг қилиб қўйди.

2-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА МИЛЛИЙ ҒУРУРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ

1. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари.

Илмий педагогик адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш қуйидаги педагогик шарт-шароитларни ҳисобга олганда муваффақиятли амалга оширилиши мумкин:

- тарбия ишида педагогнинг оила билан ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилганда;
- ўқитувчи томонидан шахс ахлоқига таъсир этувчи, ўзининг ҳаётий тажрибасига асосланган, ёшлар тарбиясига ёрдам берадиган вазиятлар юзага келтирилганда;
- синфда ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қилувчи тарбия муҳити юзага келтирилганда;
- миллий ғурурни тарбиялашга имкон берадиган шахс ориентацияси вазиятлари яратилганда.

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қиладиган педагогик шарт-шароитлар қуйидаги хусусиятларга асосланади:

Биринчидан, жамиятнинг ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига қўяётган талаблари, ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш тарбия шакли сифатида қабул қилиниши, одамларнинг хатти-ҳаракатларини, хулқ-атворини бошқаришга хизмат қиладиган ахлоқий қадриятларга асосланиши. Бу ахлоқий қадриятлар шахснинг турли вазиятларда “оғишмайдиган” қобилиятларидир. Бундай шароитда “шахс ривожланишида роль ўйновчи


манбани” юзага келтириш, яъни ўқитувчи оила билан мустаҳкам ҳамкорликда фаолият олиб бориш шароитини юзага келтириши зарурдир.

Иккинчидан, бошланғич синф ўқувчисининг қизиқувчанлиги атроф-муҳитни ўрганишга йўналтирилган бўлади. Бола ўйин орқали тажриба ўтказади, жараёнларнинг сабаб ва натижаларини кузатади. Ўқувчи ўзича турли хил ҳолатларни тасаввур қилади. Бу эса ундаги ҳаёлотнинг ривожланишига туртки беради, ёмон ҳолат бўлса, ундан чиқиб кетиш йўлини излайди. Бу ёшдаги ўқувчиларда тақлид алоҳида ўрин тутади. Бу ҳолатда ўқитувчида ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда уларни қўллаб-қувватлаш ва фахр-ифтихор туйғуси мавжудлигини англатиш имконияти мавжуд бўлади.

Учинчидан, миллий ғурурни тарбиялаш жараёнида халқ оғзаки ижодидан фойдаланишнинг ўзига хослиги ўрганилади. Халқ оғзаки ижоди миллий маданият билан боғлиқ равишда ғурур ва ифтихорга лойиқ ишларни таққослаш, солиштириш имкониятини беради. Ўқувчида ўз фикрига эгалик ҳиссини тарбиялайди. Шунинг учун миллий маданий меросимиз, бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда юксак даражада қудратли кучга эга бўлади. Бу ҳолатда уларни тарбиялашдаги асосий педагогик шарт-шароитлар ўқитувчи томонидан ахлоқий вазиятларни юзага келтириш ҳамда тарбияланувчиларни ахлоқий ҳимоялашдан иборат бўлади. Педагогик шарт-шароитларга комплекс ёндашув биз томонимиздан илгари сурилган моделни амалга ошириш имконини беради. Бошланғич синф ўқувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари билан ҳамкорликдаги фаолиятда педагог ва оиланинг асосий вазифаси ягона бўлиши, яъни икки томоннинг вазифаси ҳам боланинг ўқиб-ўрганиши, қобилиятини ривожлантиришга имкон яратишдан иборат бўлиши лозим. Бундай фаолият асосида бир-бирига бўлган ўзаро ишонч, ҳурмат икки томонлама қўллаб-қувватланиш, чидам ва чидамлилиқ тамойиллари асосида амалга оширишни талаб этади. Бу ҳолат ўқитувчи ва ота-оналарга ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш учун кучларни

бирлаштириш имкониятини яратади. Қайд этиш лозимки, ота-оналар билан ўтказилган анкета натижаларига кўра миллий ғурур тарбиясида халқ оғзаки ижоди асос сифатида танланган. Мактаб ва оиланинг миллий ғурур тарбиясидаги ҳамкорлиги оилани ҳар томонлама тизимли ўрганишни назарда тутувчи, шунингдек, оилавий тарбиянинг ўзига хослиги ва ҳар хил шароитларини ўрганишга асосланган педагогнинг мақсадли фаолияти натижасидир. Агар бошланғич синф ўқитувчиси томонидан оила ва ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлашнинг педагогик методлари тўғри танланса, яъни ўқитувчи-ота-она-ўқувчидан иборат учлик шакллантирилса, натижа муваффақиятли бўлади. Бу учликда муваффақиятли фаолият кўрсатишнинг икки жиҳатини қайд қилиш мумкин:

- алоҳида олинган оилалар тарбиясини коррекциялаш;
- нотўлиқ оилалар билан олиб бориладиган педагогик фаолият (1-расм).



1-расм. Миллий ғурур тарбиясида ўқитувчи билан ота-оналар ҳамкорлиги.

Зеро, “Шахс ва оила тарбиясининг педагогикаси” номли ўқув кўлланмасида ўринли таъкидланганидек, “Фарзанд тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчиликнинг фаолияти бир мақсадга қаратилган, бир-бирига мутаносиб, бири қолганларини тўлдирмоғи, ўзаро ҳамкорликда бўлмоғи

лозим. Шундагина бу фаолият бир бутун ҳолда кутилган натижаларни беради” [28; 61-62].

Ота-оналар билан миллий ғурур тарбиясига доир тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда оилаларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда турли мавзуларда ўқишлар, индивидуал ва гуруҳли учрашувлар ташкил этиш ижобий самаралар бериши аниқланди.

Биз томонимиздан ота-оналар билан ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қиладиган ҳамкорлик фаолиятининг қуйидаги алгоритми ишлаб чиқилди:

1. Бошланғич синф ўқитувчиси ота-оналар билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг миллий ғурур тарбияси борасида қайси тамойилларга суяниши кераклиги (изчиллик, тизимлилик).

2. Ўқувчи шахсида миллий ғурурни тарбиялашга нималар халал беришини аниқлаш.

3. Ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш учун педагог ва ота-оналар томонидан қандай чора-тадбирлар қўлланилишини белгилаш.

Ота-оналарга психолого-педагогик билимлар беришни ташкил этишнинг шакллари турли-тумандир. Чунончи, ота-оналарга умуммактаб ва синфлар бўйича психолого-педагогик маслаҳатлар бериш ана шулардан бири саналади. Бу маслаҳатлар махсус тузилган дастур асосида мутахассислар иштирокида ўтказилади. Бошланғич таълимда ташкил этиладиган психолого-педагогик маслаҳатлар ўқитувчилар томонидан ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш мақсадида жамоавий ёки якка тартибда ўтказилади.

Ота-оналарга миллий ғурур тарбиясига доир суҳбат, ўқув конференциялари методидан фойдаланиш самарали натижа беради. Ота-оналар билан миллий ғурур тарбиясига оид суҳбат дастурини тузганда синф ўқувчиларининг оиладаги психофизиологик ривожланиш хусусиятлари ҳамда мазкур даврнинг ўзига хос хусусиятларини қамраб олиш талаб этилади. Мисол учун қуйидаги мавзуларда суҳбатлар уюштириш мумкин:

“Мен кимларнинг ворисиман?”, “Аجدодларимни биламанми?”, “Оила ва бола маънавий дунёси”, “Ота-она – маслаҳатгўй”, “Ватанимнинг муносиб фуқаросиман”, “Давр қаҳрамонлари”, “Ўзбекистон ифтихорлари”.

Ота-оналар билан мавзули суҳбат ва мунозарани ташкил қилишда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

1. Мунозара мавзусини танлаш ва уни қай йўсинда олиб боришни режалаштириш.


2. Танланган мавзу бўйича мунозарага тайёрланиш қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- а) мунозара раҳбарини танлаш;
- б) эълон тайёрлаш;
- в) мунозара мавзуси юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини тузиш;
- г) мунозара мавзуси юзасидан китоблар кўргазмасини уюштириш;
- д) мунозарадан кейин сўзга чиқувчи 2-3 кишини олдиндан тайёрлаб қўйиш;
- е) деворий газетанинг махсус сонини чиқариш.

3. Мунозарани ўтказишнинг қатъий тартибини белгилаш.

Китобхонлик конференциялари. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қиладиган адабиётларнинг янги нашр кўргазмасини ташкил этиш ва таҳлилини уюштириш.

Ижодий ҳисобот. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш юзасидан ота-оналарга педагогик билимлар беришда зарур деб ҳисобланган ишлардан бири ўқув йилининг якунида ижодий характердаги ҳисоботларни тайёрлашдир. Ижодий ҳисоботнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш ишида ота-она-ўқувчи-педагог ҳамкорлигидаги фаолият кўринишида тайёрланишидир. Ижодий ҳисоботни мусикий оҳанглар, театрға саёҳат, табиат қучоғида оилавий байрам, спорт мусобақалари, маърифий суҳбатлар тарзида тайёрлаш ҳам мумкин.



2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш омиллари

Тадқиқот муаммоси билан боғлиқ ижодий ҳисоботни биз қуйидаги бешта босқичда амалга оширдик:

Биринчи босқич. Бунда жамоада ижодий психологик иқлим ҳосил қилишга йўналтирилган ижодий ҳисоботнинг мақсад ва вазифалари ўқувчилар ва ота-оналарни ижодий ҳамда коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш; миллий ғурурни тарбиялаш жараёнини яратиш; тарбиявий жараён субъектларининг ахлоқий муносабатларини яхшилаш; эришилган муваффақиятлар, ҳал этилган муаммолар ҳақида сўзлаб бериш; келгуси йил учун ҳамкорлик режасини тузиш тарзида аниқлаштирилди.

Иккинчи босқич. Бу босқичда бошланғич синф ўқитувчиси, ўқувчилар ва ота-оналар билан ижодий ҳисоботни ташкил этиш шакли танланди.

Учинчи босқич. Тайёргарлик босқичида ота-оналарга таклифномалар жўнатилди. Синф ота-оналари фаоллари, бошқарувчи ходимлар, ўқитувчилар билан дастлабки учрашув ташкил этилди. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида

ижодий ҳисоботни ўтказиш учун мусикий, бадиий дастур тайёрладилар. Бошланғич синф ўқитувчиси, ота-оналар ва ўқувчилар билан бирга ижодий ҳисобот режасини тузиш; режага ўтган ўқув йилининг энг таассуротли воқеаларини эслаш, ўқувчиларга мақтов ёрлиқлари, ота-оналарга миннатдорчилик хатлари тайёрлаш киритилди. Синф ҳаётининг бир йиллик фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалар тайёрланди.

Тўртинчи босқич ўзига хос байрам сифатида уюштирилган тантанادا синф ўқувчилари эришган ютуқлар ота-оналар билан биргаликда амалга оширилган ишлар ҳақида гапирилади.

Бешинчи босқич. Бунда ижодий ҳисоботни ташкиллаштириш ва ўтказиш орқали синф жамоасини жипслаштириш, оиладаги муҳитни соғломлаштириш, ўзаро ҳамфикрлик, ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш кўзда тутилди, амалда фойдаланишга ўргатди.

Ўзаро ҳамкорликни муваффақиятли ташкил этиш мақсадида ота-оналарнинг ижодий ҳисобот ўтказишга бўлган муносабатларни аниқлаш учун анкета ташкил қилинди. Дастлаб ота-оналарга улар билан бирга ишлашнинг янги шакли ҳақидаги муносабатларини билдириш, “Ижодий ҳисобот” атамасининг мазмунини очиқ бериш сўралди. Қуйида ота-оналарнинг жавобларидан мисоллар келтирамиз.

Респондентлардан Манзура Абдиева ёзади: “Ижодий ҳисобот менга нафақат ўз фикримни баён этишни, балки бевосита ижодий тарбиявий жараёнда фаол иштирок этиш имконини ҳам берди”. Зайниддин Ғуломов: “Бу оила тарбиясига оид ажойиб дарс бўлди. Ижодий ҳисобот барча ота-оналар ва болаларни бир-бирига яқинлаштирди, биз ўзимизни улкан, ягона оила деб ҳис қилдик”. Зулфия Ҳамидова: “Ижодий ҳисобот” жамоадаги маънавий муҳитни соғломлаштиришга ҳисса қўшувчи ажойиб янгиликдир. Биз “Бизнинг болалар”, “Бизнинг уйимиз”, “Бизнинг муаммоларимиз”... дея бошладик. Бу ота-оналар йиғилишининг янги шаклидир.

Ижодий ҳисобот синф жамоасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга, ҳамкорликни сифат даражасига кўтаради, ўқувчиларнинг маънавий юксалишига, ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасида ўзаро ишонч уйғотади. Буларнинг барчаси баркамол шахс тарбиясига хизмат қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг яна бир педагогик шарти уларни қўллаб-қувватлаш бўлиб, унинг асосий мақсади, ўқувчиларни фаолликка ундаш, уларнинг баркамол шахс сифатида шаклланишига ҳалақит қилувчи ҳолатларни бартараф этишдан иборатдир.

Педагогик қўллаб-қувватлаш тушунчаси кўп тармоқли бўлиб, унга тарбия методи, тарбия шакли, таълим технологияси, педагог позицияси, эркин мулоқот, катталар ва кичикларнинг ўртоқларча муносабати каби тушунчалар деб қараш мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда педагогик қўллаб-қувватлашни таъминловчи асосий тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- ўқувчига ёрдам бериш ва унинг қўллаб-қувватлашга розилиги;
- ўқувчи шахсининг кучи, потенциал имкониятларига таяниш;
- ўқувчининг қийинчиликларни мустақил равишда енгиб ўтишига асосланиш;
- ҳамкорлик;
- ҳамфикрлик;
- конфеденциаллик (анонимлик);
- жараёнга ва натижага рефлексив-аналитик ёндашув.

Педагогик қўллаб-қувватлаш ахлоқий категория бўлиб, у ёш авлодни қўллаб-қувватлашга, жамиятга мослашувига, ижтимоийлашувига, шунингдек, ўз мақсадларини амалга ошириш, катталар оламида ўз ўрнига эга бўлиш ҳуқуқларини таъминланишига хизмат қилади. Педагогик қўллаб-қувватлаш деликатли, тактик, саводли, ўз вақтида, манзил ва мўлжали аниқ бўлса, ҳар куни амалга оширилса яхши натижалар беради.

Биз томонимиздан бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги фаолиятини инобатга олган ҳолда, педагогик қўллаб-қувватлашни амалга оширишнинг қуйидаги босқичли модели ишлаб чиқилди.

Биринчи босқичда ўқитувчи ўқувчилар диққатини шахс фаолиятининг мазмунини ифода этадиган, фикрлашни талаб қиладиган миллий ғурур муаммосига қаратади. Миллий ғурур тарбияси халқнинг асрлар мобайнида тўпланган миллий маънавий қадриятлари, адабиёти, мусиқаси, санъати, ўқувчиларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ эканлиги тушунтирилади.

Миллий ғурурни тарбиялашдаги педагогик қўллаб-қувватлашнинг **иккинчи босқичи** - миллий ғурур муаммосини бевосита ўқувчиларнинг ўзлари тушуниш йўллари ахтаришлари билан боғлиқлигидир. Бунда ўқитувчи ўқувчилар ҳаракатини инсонпарварлик, юксак ахлоқий қадриятларга тўғри йўналтира олиши кўзда тутилади.

Учинчи босқич- диалогли босқич деб аталиб, бошқалар орасида ўз ўрнига эга бўлиш йўллари излашдан иборат.

Тўртинчи босқич – рефлексив босқич бўлиб, ахлоқий муаммони ҳал этишдаги ҳамкорлик фаолияти таҳлили билан боғлиқдир. Бу босқич диалогнинг яқунланмаганлиги билан характерланиб, бунда ўқитувчининг вазифаси, ўқувчиларнинг ўзлари миллий ғурурга бўлган муносабатларини тасаввур қилишлари зарурлигига йўналтириш билан чекланади. Педагогик қўллаб-қувватлашнинг босқичли моделини эътиборга олган ҳолда биз томондан **“Ишонч дафтари”** ишлаб чиқилди. Бизнингча, ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларидан бири бўлган **“Ишонч дафтари”** синфни тарбиялаш тизими субъектларида индивидуал рефлексияни уйғотади. Дафтарни тутишдан мақсад – ортиқча зўриқишдан халос бўлиш, **“Кўнгилга енгиллик бериш”**, тўғри қарор қабул қилишдир. **“Ишонч дафтари”** бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш

ишида ўқитувчи фаолиятини бошқаради. Дафтар қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади: гносологик; аксиологик; коммуникатив-психологик; ўз реализацияси блоки; рефлексив блок.

Гносеологик блок – мустақил муҳокама ва фаолият аргументлари билан боғлиқ топшириқларни режалаштиришга йўналтиради; у ёки бу фанда фаоллик ва ёқимлилиқ; ғоя ва ечимни шакллантириш, сенсор фаолиятли; ишонч ва қарашларни англашни ўз ичига олади.

Аксеологик блок – экзистенционал қимматли фикрлар ечими, ўқувчининг дунёқарашини шакллантирадиган ахлоқий муносабатларни ўз ичига олади, атрофдаги кишилар (тенгдошлар, ота-оналар), рефлексив топшириқлар, қадриятларни фарқлай олиш, иродавий характер қирралари ва ахлоқий сифатларни танлаш; онгда ахлоқий қадриятларнинг шаклланиши билан характерланади.

Коммуникатив-психологик блок – топшириқларни режалаштиришда ўқувчиларга бир-бирлари билан яқин муносабатда бўлишга имкон яратишни; ҳаётий қарашларини белгилашда асқотадиган ҳаётий тажрибани эгаллашни ўз ичига олади. Бунда дафтарга “Чин кўнгилдан суҳбат”, “Она ватан”, “Юртим қаҳрамонлари”, “Мени тушун” саҳифалари киритиш орқали ўзини эркин ҳис қила олмаслик сабаблари аниқланади, шахсий муаммоларни ҳал этишга ёрдам берилади. Ўқувчининг қизиқишлари, қарашлари, темперамент хусусиятлари, эмоционал ҳолатлари ўрганилади.

Шахсий позиция блоки – топшириқларни уюштириш, ўқувчиларга “Жамоадаги ўрнини” аниқлашга, ўзида бошқарувчилик хислатларини ривожлантириш, ўз устида ишлаш, фаолияти режасини тузиш, ўз-ўзини тарбиялаш, характеридаги салбий хусусиятларни йўқотиш, шахсини фаоллаштиришга ҳалақит қиладиган жиҳатларни аниқлашга ёрдам беради.

Рефлексив блокда кайфиятини яхшилашга хизмат қиладиган лойиҳалар тузиш, фаолиятни белгиловчи топшириқлар, ўз ҳулки стратегиясини, ахлоқий фаолияти мазмунини тушуниш ва таҳлил қилиш

кабилар ўз аксини топади. Қайд этилган блокларни ўзаро боғлиқликда қўллаш, бошланғич синф ўқитувчиларига ўқувчиларни ўзларининг ёнларига жипслаштиришга, уларнинг ички дунёсига, ахлоқий қадриятларни ўзлаштириш жараёнларига кириб бора олиш имкониятини яратади.

Ўқувчилардан олинган маълумотлардан маълум бўлдики, “Ишонч дафтари”дан фойдаланиш ўқувчиларга ижобий таъсир этади, ўқувчилар айниқса, шахсий характер қирраларини намоён этиш имконини берувчи саҳифалар маъқул эканлигини билдирганлар. Агар ўқитувчи ўқувчиларда ўзига нисбатан юксак ишончни тарбиялаш истагида бўлса, улар билан “Маслаҳат беринг”, “Фикрим”, “Маслаҳатлар”, “Тилаклар” каби саҳифалар орқали фаолият олиб бориши мумкин.

Шахсий позиция блокида ўқувчиларда вазиятга қараб иш кўриш, муаммоларни ҳал этишда лидерликни ўз қўлига олиш, муаммоли вазиятларни ҳал этишда таҳлил қилиш ва сабабларни аниқлашга, умумий фикрга келишга, ўзгалар фикрини тинглаш, суҳбатдошининг эмоционал ҳолатига кира олишга ўргатади. Булар ўзаро боғлиқ 4 та компонентни: субъектли, мазмунли, жараёнли, маъноли-йўналганлик компонентини ўз ичига олади.

Субъектли компонент ўз ичига субъект ўқитувчи-ўқувчи фаолиятини олади. Қайд этиш лозимки, вазиятнинг ҳар бир иштирокчиси а) ижтимоий ролга эга; б) бошқалар билан муносабатда; в) ўз мақсадига эгадир.

Иштирокчиларнинг ҳар бирида ўзини ривожлантириш истаги туғилади ва бу ҳолат унда ўз тажрибасига асосланиб, муаммони ҳал этиш истагини туғдиради ҳамда унда ижобий эмоционал реакцияни юзага келтиради. Вазиятни ҳал этиш жараёнида ўқувчи ўз муносабатлари ва қарашларини тўғрилашга ҳаракат қилади, ўз позициясини ишлаб чиқади.

Мазмунли компонент муаммо ечимини ҳиссий муносабатлар асосига қуришни тавсия этади.

Жараёнли компонент шахс контекстининг тарбиявий масалалари билан боғлиқдир.

Контекстли ёндашув вазиятнинг ўқувчи фаолияти табиийлигига асосланиш имконини берди (ҳаётий-амалий масалалар, ахлоқий тарбиялаш, ҳамкорлик стратегиясини танлаш).

Маъноли йўналганлик – шахснинг жамоада эгаллаган позициясига асосланади. Шахснинг жамоада эгаллаган ўрни унинг хулқ-атворида намоён бўлади. Шахс ахлоқига йўналтирилган вазиятлар вазиятларни синаб кўриш, ижодий мантикий рефлексив, ўзининг тарбияга доир ҳаракат дастурини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга доир ўзига йўналтирилган вазиятларни яратиш бир қатор босқичлар асосида амалга оширилади: яширин инструкциялар, ўқувчи фаолияти мотивларини кучайтириш; алоҳида олинган фаолиятда тарбияланувчилар йўналиш олиши, ижобий қўллаб-қувватлаш, педагогик ишонтириш, шунингдек, психотерапиялардир. Медицина психологиясидан, даволаш педагогикасидан фойдаланиш катта роль ўйнайди. Н.Е.Щуркова ”томонидан педагогик-психологик жиҳатдан саводли ташкил этилган ишонтиришнинг мазмуни шундан иборатки, агар ишонтириш, обрўли ўқитувчи томонидан қўлланилса, педагогик масалалар, фикрлар ўқувчилар онги шуурига, хулқига яхши таъсир кўрсатади, синфда ижобий муҳитни яратади, тарбия жараёнини муваффақиятли амалга ошириш имконини берувчи зарурий шароит яратилади.

Ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашда аниқ имкониятлар яратиб бериш, ўқувчилар ўзлари учун зарур деб ҳисоблаган қадриятларни билишлари керак, деб ҳисоблаймиз. Бунда уларнинг маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашдаги тарбия муҳитининг яна бир муҳим элементи ҳаёт тарзининг алоҳидалигини яратиш бўлиб, у воқеалар ривожига асосланади.

Н.Е.Щуркова ўқувчилар шахсида ахлоқий қадриятларни тарбиялашда “ахлоқий суҳбат ва муҳофаза”ни тарбиянинг шarti деб тавсия қилади. Унинг фикрича, “ахлоқий ҳимоя” мураккаб ахлоқий санъат бўлиб, уни инсон бутун умри давомида ўрганиши зарур. Чунки биринчидан, инсоннинг ёши улғайган сари, унинг бошқалар билан алоқасининг характери ўзгаради ва ёрдам кўрсатиш шакли ҳам шунга мутаносиб равишда ўзгаради. Иккинчидан, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ҳамкорликнинг янги шакллари юзага келтирадики, уларни педагог албатта ўзлаштириши зарур бўлади. Педагог бола фаоллигини бошқаларни ҳимоя қилиш ва ёрдам беришга қаратади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Ахлоқий муҳофаза шахсни камситилишдан, таҳқирлашлардан ҳимоя қилади. Ўқувчига мавжуд вазиятда ўзининг зарурий хулқини намоён қилиш имконини беради, қийин вазиятларда ўзини тутишга ўргатади, катталар билан тўғри муносабатга кириша олишга ёрдам беради. Ахлоқий муҳофаза ўқувчи шахсига психотерапия сифатида таъсир қилади: зўриқишни кесади, хафагарчиликни ортда қолдиради, жанжалларни ёддан чиқаради, шахсий вазиятлар билан боғлиқ қийинчиликлар камаяди, шахсий муаммолар чекинади, фаоллик ошади ва ҳаётни оптимистик қабул қилиш юзага келади.

Мақсадга эришиш бир қатор операциялар воситасида амалга ошади. Булар: юксак қалб эгаси сифатида кечиримлилик, интегралдан сиқиб чиқариш, алмаштириш, инструктаж. Қуйида санаб ўтилганларнинг айримларига тўхтаб ўтамыз.

Ахлоқий муҳофазанинг асосий жараёнларидан бири “юксак қалб эгаси сифатидаги кечиримлилик” ахлоқий муҳофазанинг энг кучли ва қулай усулларида биридир. Бу усул, асосан, интеллектуал салоҳияти юксак бўлган болаларга қўлланилганда кучли восита ҳисобланади. Ахлоқсизлик ҳолатини амалга оширган ўқувчи кечирилганда, уни кечиришнинг асосий сабаби сифатида у бу ишни тўлиқ англамаган ҳолда бажарганлиги деб ҳисобланишидир. Ўқувчиларни кечирганда, ўқитувчи уларни қандай бўлса,

шундайлигича қабул қилганлигини кўрсатади. “Юксак қалб билан кечириш ўқувчиларнинг хулқи ва фаолиятидаги ўзига хослиги бўлишига ҳаққининг борлиги, унинг шахсидаги айрим тушунарсиз ва ғалатиликни ҳурмат қилиш ва ҳеч қачон унинг шахсини ягона ўлчамга тортиш керак эмаслигида” деб ифодаланади. Бу методнинг аҳамияти шундаки, субъект (бошланғич синф ўқитувчиси) турли қарашларни эшитишга тайёргарлигини ва ўз фикрлари билан ҳеч кимни ҳафа қилмаслигини кўрсатади. Бироқ у ўзининг “Мен”и орқали алоҳида шахсий фикрига эга эканлигини мулоқотнинг юмшоқ пластик йўналиши асосида дўқ қилишдан йироқ бўлган, нутқ ритмининг осойишталиги, ёқимли мимика, зарурий ҳолда табассум ҳадя этиш орқали билдиради. Бундай коррекциянинг маъноси, ўқувчиларга муносабат билдиришнинг алоҳида шаклларини таклиф қилиш, муомала маданияти, мулоқотнинг янада кенгроқ доираси билан таништиришдир.

Ахлоқий ҳис-туйғулар одамнинг бошқаларга, Ватанга, оилага, меҳнатга бўлган муносабатида акс этади. Биз ўқувчиларнинг ҳар кунги ҳаётига ўйин элементларини, романтикани, синф жамоасида юзага келадиган ёрқин ва кучли ҳолатларни олиб киришга катта аҳамият бердик. Бунинг натижасида жамоавий фаолиятнинг янги шакллари юзага келиши билан бирга, ҳар бир ўқувчининг ўзига хос такрорланмас, индивидуал жиҳатларини ёрқин намоён этиш имконияти яратилди.

Фикримизча, ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашда муваффақиятли эмоционал ҳолатнинг зарурий компонентларидан бири пассионарликдир. Бунинг мазмунида ўқувчини ўз-ўзига қизиқтира олиш, фаолиятнинг турли кўринишларига нисбатан қизиқиш уйғота олиш, ғоялар ва интилишлар билан тўйинтириш ётади. Бу ҳолатда мақсадларни амалга ошириш учун ўқитувчи ва ўқувчиларнинг яхлит бирлиги юзага келади. Бошланғич таълим концепциясида бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларни ўз ортидан эргаштира олиши кераклиги қайд этилган. Ўқитувчининг ўзининг

ортидан эргаштира олишни билиши ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш учун қулай шарт-шароитдир.

Рухий ҳолатни яратиш ҳақида сўз борганда биз яна бир асосий шарт – болаларга бўлган муҳаббат ва уларнинг қалбига меҳр билан назар ташлаш ҳақида гапирмай ўта олмаймиз. Унинг бажарилиши физиологик, психологик, ақлий, ҳамда ахлоқий жиҳатдан муваффақиятларнинг калитидир. Айнан ана шу босқич кадриятларни ўзида бирлаштира олади. Умуминсоний идеаллар: фахр, ифтихор, ғурур синф жамоасининг реал ҳаётида ўз аксини топади. Инсонпарварлик тамойили азалдан мавжуд бўлиб, бугунги кунда ҳам таълимнинг инсонпарварлик концепциясида ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашда Ватанимизда яшаб ижод этган мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятдан ҳикоялар, ривоятлар мисолида уларнинг қилган кашфиётлари ҳақида сўзлаб бериш ҳам яхши натижалар беради.

Шарқнинг буюк алломалари – Ал-Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Бурҳониддин Марғиноний, Амир Темур, Алишер Навоий, Камолiddин Беҳзод, Бобурлар ҳақидаги ҳикоятлар бу борада муҳим манба бўла олади. Европада “Alfraganus” номи билан машҳур бўлган Ал-Фарғонийнинг “Астрономия асослари ҳақидаги китоб” асари Шарқ мамлакатларида, сўнг Испания орқали Европа мамлакатларидаги астрономия илмининг ривожланишига асос солганлиги, Европа уйғониш даврининг машҳур олими Региомонтан 15-асрда Австрия ва Италия университетларида Ал-Фарғоний асарлари асосида маърузалар ўқиганлигини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Академик Т.Н.Қори-Ниёзий сўзлари билан айтганда, ўша асар астрономик билимларнинг ўзига хос қомуси эканлиги ҳақидаги маълумотлардан ўқиш, она тили, математика, одобнома, табиатшунослик дарсларида мавзунинг ҳарактеридан келиб чиқиб фойдаланиш ижобий самаралар беради.

Тарихда Америка қитъасини 1492 йилда денгиз сайёҳи Христофор Колумб кашф этганлиги қайд қилинган. Аммо бу борада буюк ватандошимиз Берунийнинг илмий фарази мавжудлиги ҳам маълум. У ўз асарида “Ернинг чораги маъмурадир. Маъмурани ғарб ва шарқ томонидан Мухит океани (Атлантика ва Тинч океани) ўраб туради. Бу Мухит океани ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган ороллардан иккала ёқдан (ғарбдан ва шарқдан) ажратиб туради...” деб ёзганлиги ўқувчиларда фахрланиш ҳисларини тарбиялашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган, Ғарбда Авиценна номи билан машҳур буюк қомусий олим Ибн Сино, Шарқ Уйғониш даврининг етук санъаткори, Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси, музаҳҳиблар етакчиси, “иккинчи Моний” деган фахрий унвонга сазовор бўлган Камолиддин Беҳзод каби аجدодларимиз ҳам фахру ғуруримиз омилларидандир.

Буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси, довураклиги ва жасурлиги учун ёшлигидан “Бобур” (“Шер”) лақабини олган Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг ҳаётий фаолияти кичкинтойлар учун юксак ибрат мактаби вазифасини ўташи табиий. Бу ҳақда И.А.Каримов шундай деб ёзади: “...заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-иждодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солаётганини ғурур билан таъкидлаш лозим” [11; 41].

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда ўзбек адабиётининг таниқли ёзувчи ва шоирларининг асарларидан фойдаланиш ҳам ижобий самаралар беради.

Таниқли адиб Ўткир Ҳошимов миллий ғурур тушунчасининг туб моҳияти хусусида қуйидагиларни ёзади: “Миллий ғурур – миллатчилик эмас. Миллий ғурури бор одам бағри кенг бўлади. Ўз миллати билан фахрланади,

аммо ўзга миллатни камситмайди. Миллатчилик – миллий ғурур эмас. Миллатчининг феъли тор бўлади. Нукул ўз миллатини улуғлаб, ўзга миллатни камситади” [137; 5].

Эркин Воҳидовнинг бадий ижоди ва маърифий фаолиятида ҳам миллий ғурур билан боғлиқ Ватан ва халққа содиқлик, эл-юрт камоли ва равнақи орзусида яшаш каби инсоний ғоялар талқини асосий ўринда туради.

Шоир асарларида ўзбек халқига хос инсонийлик, самимият, меҳр-оқибат, Ватанга муҳаббат ва содиқлик, фидойилик фазилатлари фахр билан тараннум этилади:

Бағринг толе – нурга тўлсин,

Она юртим – мунис маконим.

То тирикман, сеники бўлсин

Шеърим, умрим, юрагим, жоним [43; 33].

Эркин Воҳидовнинг уқтиришича, Ватан ишқида ёнган қалб ҳеч қачон хор бўлмайди, юртда яшашнинг завқини туйган одам бахтиёр, юракдан элни суйган одам чин ўғлондир. Наслига куйган тақдирдагина Ватанни севиш саодат ҳисобланади. Ватанни севмаган одам жаҳонда бахтиёр бўлолмайди.

Ўзбекистон Қаҳрамони А.Ориповнинг педагогик қарашларида ҳам ватанпарварлик, ватанда яшаб ижод этган буюк аجدодларимиздан фахр ва ифтихор туйғусини ҳис қилиш алоҳида ўрин эгаллайди. Шоир учун еру – осмон муқаддас Ватан. Ўзбекистон тупроғи унинг учун кўзга тўтиё, халқи эса Бухорий, Термизий, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Аҳмад Яссавий, Фарғоний, Марғилоний, Юсуф хос Ҳожиб, Нақшбанд, Улуғбек, Навоий, Бобур каби алломаларни, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби буюк саркардаларни етиштирган халқ. Шунинг учун ҳам Абдулла Орипов шу халқ ва шу Ватандан чексиз ғурурланади.

Шоир азалдан Ўзбекистонни она, сингил, ёр тимсолида кўради, жони-жаҳони, насибаси шу ерда бўлганини ўзи учун шон-шараф деб билади:

Юртим, сенда экан насибам тугал,

Сен ўзинг масканим , сен ўзинг шоним.

Сен – онам , сен – синглим, ёримсан азал,

Эй, жоним-жаҳоним Ўзбекистоним! [96; 360]

Буюк аллома Абу Наср Форобий таъкидлаганидек, инсоний вужуддан мақсад – энг олий бахт-саодатга эришувдир. Буни шоирнинг юқоридаги фикрлари ҳам тўла тасдиқлайди.

Халқимиз онгида Ўзбекистон – она ватан деган тушунчани қарор топтириш миллий истиқлол ғоясининг муҳим вазифаларидан бири сифатида юртимизда истиқомат қилаётган турли халқ ва миллат вакилларида шу Ватан фарзанди эканлиги билан фахрланиш туйғусини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Айни шу талаб “Бошланғич таълим концепцияси”да ҳам ўз аксини топган бўлиб, ўзида миллий ифтихор туйғуси бўлган ўқитувчигина ўқувчиларда шу ҳисларни шакллантириши мумкинлиги таъкидланади. Таълим-тарбия жараёнида Ўзбекистон Республикаси эришган ютуқлари ҳақидаги маълумотлардан ўқувчиларда мустақил давлатимизнинг бугуни ва келажагига ишонч ҳамда ғурур ва ифтихор ҳисларини тарбиялашда фойдаланиш мумкин.

Жумладан, халқаро “Космонавтика куни”га бағишланган дарс жараёнида халқимизнинг муносиб ўғлони Жонибеков Владимирнинг Тошкент вилояти Искандар қишлоғида таваллуд топганлиги, космосга 5 маротаба парвоз қилганлиги ҳақида ҳикоя қилиш ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Ўқувчиларда айна сифатларни тарбиялашда оила муҳити алоҳида ўрин тутади. Фарзандда тарбияланган миллий ғурур туйғуси жамиятнинг кичик бир жамоаси бўлган оила манфаатларига хизмат қилади. Чунки ҳар бир ўғил-қизнинг ўз ота-онаси, бобо-бувилари, авлод-аждодларининг ҳаётий фаолияти ва яшаш тарзини яхши билиши давлат, халқ, миллат тарихига дахлдордир. Оиладаги миллий тарбия теран ҳаётий мазмун касб этмоғи лозим. Болаларининг ёшлиқдан ўз халқи ва ватанини севиш, у билан фахрланиш

каби миллий ғурур туйғуларини тарбиялаш ўзбек оиласининг асосий вазифаси бўлиб келган.

Оила – инсониятнинг бетакрор, бебаҳо, ёруғ ва нурли олами, табиатнинг тенги йўқ, беадад ва чексиз ифтихор туйғулари мужассамлашган шоҳ асари, ўқиганинг сайин ўқигинг келаверадиган, куйлаган сари куйлашга арзийдиган мазмун ва моҳиятга эга жамоадир. Оила инсониятнинг умргузаронлиги бирга ўтадиган, беғубор роҳат-фароғатлар, дилкашликлар, ғамхўрликлар, шоду хуррамлик ва айни маҳалда ғам-андухлар, ташвишу кўнгилсизликлар, изтироб ва йўқотишларни бирга кечирадиган, ҳаловатли ва ҳаловатсиз дамларнинг ўзаро боғлиқлигидан иборат бўлган ижтимоий-тарихий ҳодисадир. Шунингдек, оила юракларнинг сиру синоатлари жамулжам олам, инсоний майллар эвриладиган, туташадиган гўша, инсоний хатти-ҳаракатлар ва интилишлар тобланадиган, шаклланадиган, қадриятлар, ҳикматлар ва доноликлар, жасорат, қаҳрамонликлар камол топадиган хазиналар масканидир.

Профессор О.Мусурмонованинг фикрича, “оила шундай маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, этник маданият, урф-одатлар, ахлоқий-маънавий қадриятлар сақланади ва ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маънавий ҳаёт пойдевори кўйилади ва мустаҳкамланади” [85; 42].

Президентимиз И.А.Каримов: “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари, биринчи галда, оила бағрида шаклланади” [11; 52] деб таъкидлаганида оиланинг муқаддас қадрият ва садоқат ўчоғи эканлигини кўзда тутганлиги табиий.

“Шундай қилиб, ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда оила маънавияти муҳим аҳамият касб этади” [140; 145].

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини ўрганиб шундай хулосага келдик: бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда муваффақиятга эришишнинг асосий шarti – мазкур шарт-шароитлардан комплекс фойдаланишдир.

2. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда халқ оғзаки ижоди имкониятлари.

Бошланғич синф ўқувчиларини ёшлигидан бошлаб халқимизнинг миллий мероси билан таништириш улар маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи ёш авлодга Ватанга муҳаббат, миллий ғурур, ифтихор ҳисларини сингдиришда халқ кўшиқларининг хизмати беқиёс эканлиги хусусида тадқиқотчи М.Исмоилова шундай ёзади “...халқ кўшиқлари болаларда энг яхши инсоний фазилатлар: ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, одамларга ишонч, дўстларга садоқат туйғулари ва унинг ўз-ўзига талабчанлигини шакллантиради. Халқ кўшиқлари ўқувчилар учун илк тарбия дарслиги, маънавий-ахлоқий бойликларнинг битмас-туганмас хазинасидир” [61; 27].

Ўқувчиларни халқ оғзаки ижоди мисолида миллий ғурурни тарбиялашдаги ўқитувчи фаолияти самараси матн мазмунини ўқувчиларга етказиб беришдаги педагогик маҳоратига боғлиқ.

4-синф “Ўқиш китоби”нинг “Халқ оғзаки ижоди” бўлими “Қўшиқлар қанотида” номли рукн билан бошланиб, ундан “Бойчечак”, “Туялар”, “Офтоб чикди оламга”, “Лайлак келди, ёз бўлди”, “Хўп ҳайда”, “Чори чамбар” кўшиқлари ўрин олган. Бундай кўшиқлар ичидан миллий ғурур ва фахр туйғуларини ўстиришда “Бойчечак”, “Туялар”, “Лайлак келди, ёз бўлди” муҳим аҳамият касб этади.

Лайлакнинг Ўзбекистонга келиши, ундан ўзига ошён топиши, ўзбек халқининг беозорлиги, ғамхўрлиги туфайли эканини болалар қўшиқ таҳлили давомида англай бошлайдилар.

“Лайлак келди, ёз бўлди” оддий қўшиқ, лекин бу ерда лайлак образи миллий ғурурни шакллантиришда бадий деталь вазифасини ўтайди. Қўшиқ матнини таҳлил қилиш жараёнида ўқувчиларга “Лайлаklar Ўзбекистонда” номли кластер тайёрлашни буюриш мумкин.

Бундай кластерни тайёрлаганда лайлаklar Ўзбекистонга иқлими иссиқ бўлгани, баҳор фаслида табиатнинг уйғонганлиги, бетакрор гўзал бўлганлиги, ўзбек халқининг беозор ва ғамхўрлиги учун келишларини аниқлашга эътибор қаратилади. Халқимизнинг табиатга, шу жумладан, жониворларга муносабати ўқувчилар кўнглида фахр туйғуларини уйғотиши мумкин. Демак, она табиатга муҳаббат ва фидойилик ҳам ўзбек халқининг миллий ғурури билан чамбарчас боғлиқ.



3-расм. “Лайлакнинг Ўзбекистонга ташрифи” номли кластер

Бошланғич синфларнинг ўқиш ва одобнома дарсларидагина эмас, балки синфдан ва мактабдан ташқари турли тадбирлар жараёнида ҳам

қўшиқлар ёрдамида ўқувчиларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялаш мумкин.

Ўқитувчи “Халқ қўшиқлари” тушунчаси ҳақида қуйидагича маълумот бериши мумкин:

Халқ қўшиқлари қадимий турк халқларининг ҳис-туйғуларини ифода этувчи, табиатдаги воқеа ва ҳодисаларни акс эттирувчи, халқ томонидан тўқилган ва ижро этиладиган тўртликлардир. Тўртликларнинг тезда оммалашуви, яхши эсда сақлаб қолинишига сабаб уларнинг қисқалигидир.

М.Қошғарий “Девон”да қўшиқларни қуйидагича туркумлаштирган:

- 1) меҳнат қўшиқлари;
- 2) қаҳрамонлик қўшиқлари;
- 3) мавсум қўшиқлари;
- 4) маросим қўшиқлари.

Меҳнат қўшиқлари. М.Қошғарий “Девон”ига киритилган халқ қўшиқлари орасида деҳқончилик, чорвачилик билан боғлиқ бўлган қўшиқлар жуда кам учрайди. Асосий ўринни овчилик ҳақидаги қўшиқлар эгаллайди. Бу мазмундаги қўшиқларнинг пайдо бўлиши ва сақланиши ўша даврда овчиликнинг яхши ривожланганлиги билан боғлиқ деб айтиш мумкин. Таниқли рус олими Г.В.Плеханов “Ибтидоий халқларнинг санъати” номли мақоласида ибтидоий кишиларнинг меҳнат усуллари ҳақида сўз юритар экан, қуйидагиларни ёзади: “Ёввойи одам ўз рақсида ҳар хил ҳайвонларнинг ҳаракатини қайта яратади. Буни нима билан изоҳлаш мумкин? Бу унинг ов қилишида сарф қилган кучидан яна бир бор роҳатланишга интилишидан бошқа нарса эмас. Эскимоснинг тюленни қандай ов қилишини олиб қаранг: Эскимос тюлень томон қорни билан яқинлашиб боради, тюлень бошини қандай тутса, у ҳам бошини худди шундай тутишга ҳаракат қилади. У тюленнинг ҳамма ҳаракатларига тақлид қилади ва фақат тюленга жуда яқинлашиб боргандан кейингина уни отишга қарор қилади. Шундай қилиб, овнинг асосий қисмини ҳайвон ҳаракатига тақлид қилиш ташкил этади.

Шунинг учун ҳам табиийки, овчи ов қилган вақтларда сарф қилинган кучидан яна бир бор завқланиш иштиёқи туғилганидан, ҳайвонларнинг тана ҳаракатларига тақлид қила бошлайди ва ўзининг оригинал рақсига тушади” [144; 66].

Овчилик кўшиқларида ов қилиш йўллари ва усуллари, ов вақтидаги кўтаринки кайфият ҳақида ҳам куйланади. Бу кўшиқлар куйланганда фақатгина юқоридаги фикрлар инobatга олинмаган, балки ёшларни ана шундай моҳирона овчилик билан шуғулланишга ҳам даъват этилган.

Қаҳрамонлик кўшиқлари. Қадимги кишилар ўзларини бошқа қабиладаги кишилар ва ёввойи ҳайвонлар ҳамласидан ҳимоя қилганлар ва бу ҳолат мазкур кўшиқларни куйлашнинг аҳамиятини янада оширган. Қаҳрамонлик кўшиқлари халқ ва Ватан даҳлсизлиги учун курашган баҳодирлар шаънига тўқилган бўлиб, уларнинг илдизи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Алп Эр Тўнга, Алпомиш, Амир Темур, Жалолiddин Мангубердилар жасорати ҳақидаги кўшиқлар шулар жумласидандир.

Мавсум кўшиқлари. Қадимги халқлар ўзларининг ҳаёт кечириш тарзини, йилнинг тўрт фаслини, меҳнат қилиш онларини, байрамларини, мавсумий иш-ҳаракатларини кўшиққа солиб куйлаганлар. Ёз ва кузни яшаш учун қулай вақт сифатида, қаҳратон қиш фаслининг совуқларини ёвуз куч сифатида тасвирлаганлар.

Даврон Қодировнинг мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларда фольклор дасталари тўғарак раҳбарлари учун методик қўлланма тарзида яратган “Болалар фольклор дастасини ташкил қилиш” номли китобида келтирилган “Наврўз ўйини”, “Томдан тараша тушди”, “Ғунчали Наврўз келур” кўшиқлари мавсум кўшиқларининг ёрқин намунасидир.

Маросим кўшиқлари. Маросим кўшиқлари тарихий мазмунга эга бўлиб, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарларида Афросиёб номи билан машҳур Алп Эр Тўнганинг

Ватан озодлиги йўлидаги мардлиги, жасорати, фидокорлиги улуғланади, жудолик ҳасрати, чексиз ғам-андух ўз ифодасини топади.

Албатта, бошланғич синфларда халқ оғзаки ижодининг қадимий намуналарини ўрганиш бир мунча мураккаб ва у бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Биринчидан, вақтнинг чегараланганлиги, иккинчидан, воқеа ва ҳодисаларнинг узок ўтмишда бўлиб ўтганлиги ўқитувчидан ҳар бир мавзунини жуда катта куч ва маҳорат билан тушунтиришни талаб қилади. Ўқитувчи халқ кўшиқларини тушунтирганда, дарслик материални мазмунли тарзда ифодалаши, кўрғазмали қуроллардан кенг фойдаланиши, кўшиқ матнини ифодали ўқишга ҳаракат қилиши керак. Токи бундай ўқиш ўқувчиларнинг қадимги туркий халқлар кўшиқлари ҳақида чуқур билимга эга бўлишига хизмат қилсин.

Ўқувчилар бу вазифани иштиёқ билан бажарадилар, луғат дафтарига ёзиш баробарида архаик сўзларни ёдда сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Бундай топшириқлар ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ошириши билан бирга уларга ахлоқий тартиб-қоидаларни ўргатиб боришга ҳам хизмат қилади.

Қадимги кўшиқлар хусусида ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланиш мумкин:

1. Халқ кўшиқлари қайси манбалар асосида бизгача етиб келган?
2. Халқ кўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Меҳнат ва Ватан ҳақидаги кўшиқларда қандай ғоялар илгари сурилган?
4. Мавсум кўшиқларида она-юрт табиатининг қайси жиҳатлари тилга олинади?
5. Қаҳрамонлик кўшиқларида нималар улуғланади?
6. Қадимий кўшиқларнинг тарбиявий аҳамияти нималардан иборат деб биласиз?

Халқ кўшиқларида оптимистик руҳ устувор аҳамият касб этади. Уларнинг аксариятида моддий дунё ноз-неъматларидан лаззатланиш, тинч-тотув яшаш, ҳаётнинг қадрига етиш ва уни севишга даъват этилади.

Халқ донишмандлиги ҳисобланган мақолларда турмуш ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ватанпарварлик, мардлик, қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, илм-ҳунар, вафодорлик каби юксак ахлоқ нормалари маъқулланиб, нодонлик, эгрилик, кўрқоқлик, ёмонлик, умидсизлик, ёлғончилик, ялқовлик, очкўзлик каби ярамас иллатлар қораланади. Бу эса халқ мақолларининг ғоявий-тематик жиҳатдан бой ва ранг-баранглигини ҳамда чин инсоний фазилатларни тарғиб қилишга қаратилганлигини кўрсатади.

Бошланғич синф дарсликларида берилган мақоллар бирор мавсум ёки маълум бир катта матн ҳамда шеър ва ҳикояларнинг мазмунини очишга қаратилади.

Матн мазмунини очувчи мақоллар қуйидаги тартибда ўрганилади:

- а) ўқилган матн ичидан мақолларни топиш, мазмунини матн мазмунига қиёслаш;
- б) мақол мазмуни асосида оғзаки иншо ёки оғзаки ҳикоя тузиш;
- в) иншо ёзишда ва иншо устида ишлашда мақоллардан фойдаланиш.

Мақолларнинг мазмуни ва тузилиши таҳлил этилар экан, мазмун жиҳатидан кенг, тузилиш жиҳатидан қисқа, умуман ҳикматли гап кўринишида эканлиги суҳбат методи орқали баён этилади. Бу билан ўқувчилар илмий билимлар билан қуроллантирилибгина қолмасдан, балки улар томонидан ўзлаштирилган мақол ҳақидаги мазкур билимлар асосида илмий дунёқараш ва маънавий сифатлар таркиб топтирилади. Бу эса, ўқувчиларнинг ақлий камолоти ва қобилиятини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Мақоллар ҳақидаги назарий тушунчалар ўқувчилар онгига содда мисоллар ёрдамида таълим ва тарбия бирлиги тамойили асосида сингдирилади. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

1. Мақоллар ҳаётий тажрибаларда синалган фикрни тасдиқлайди. Масалан: “*Ишламаган тишламас*”. Ҳар кимнинг меҳнатига яраш ҳақ олишига асосланган мазкур мақолда “ишламаган тишламайди” деган ҳукм ифодаланади.

2. Табиатда содир бўлган воқеа ва ҳодисаларни эслатиш билан бу воқеа ва ҳодисалар жамият ҳаётига кўчма маънода боғланади. Инсон учун унинг зарурлиги очилади. Масалан:

Боғни эксанг боғ бўлади,

Ботмон даҳсар ёғ бўлади.

Боқимсиз боғ тоғ бўлади,

Юрак-бағринг доғ бўлади.

3. Мақол мазмунида нарсаларнинг ўзига хос хусусияти, моҳияти очилади ва бу инсон ҳаётига ҳам боғлиқ ҳолда, маъно жиҳатидан тарбия мазмунини беради. Масалан: “Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк”, “Булбул чаманни севар, одам Ватанни”.

4. Мақоллардаги муҳокама ва тафсилот инсон, жамият ва айрим предметларнинг моҳиятини эслатиш билан бирга, ўқувчилар фикрини уйғунлаштиради, тарбиявий таъсир кўрсатади. Масалан:

Вақтинг кетди –

Нақдинг кетди.

Ахлоқ-одоб баҳсидаги мақолларни таҳлил этиш орқали халқнинг инсон маънавиятига даҳлдор ҳукми ва маслаҳатига урғу берилади. Ҳунар ва касбни ифода этувчи мақолларда эса (деҳқончилик, боғдорчилик, пиллачилик, чорвачилик, тўқувчилик касби ва унинг аҳамияти) ҳунармандчиликда нималарга эътибор бериш кераклиги (“Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур”) ифода этилган. Бундай мақоллар касб-ҳунарга қизиқишни

кучайтиради. Мақолларнинг англатган маъноларини очишда йил фасллари, ҳар хил мавсумлар ва ҳунарларнинг номларини ҳам ҳисобга олиш фойдалидир. Масалан, *“Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда”* мақоли куз фаслида, ҳосил йиғиб олинган пайтларда кўпроқ ишлатилган. Бу эса ўқувчиларнинг мақол мазмунини осон тушунишларини таъминлабгина қолмай, балки шу даврда мақол маъносига амал қилиш, мақол талабларига амалда жавоб бериш имконини ҳам туғдиради. Тажрибали ўқитувчилар айрим мақолларни мавсумга боғлаб ўрганиш билан бирга, ўқувчилар ҳаётига ҳам боғлайдилар. Масалан, *“Иш қуrolинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур”* мақоли ўқув қуrolларини эҳтиётлаб сақлаш, дафтарни озода сақлаш, китоб бетларини йиртмаслик каби одатларни тарғиб қилишда ишлатилади. Сухбат давомида ўқитувчи мақолларда халқнинг узок йиллик тажрибаси акс этганлигини айтади.

Ўқитувчи томонидан баён қилинадиган мақоллар ўқувчиларнинг изчил ва онгли ўзлаштириши, фикр қилиш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўқиш ва одобнома дарсларида мақолларни ўрганиш ва уларда илгари сурилган ғояларга амал қилиш ўқувчиларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Халқ донолигининг маҳсули бўлган мақол ва маталларда кишилар фаолияти билан боғлиқ маънавий-ахлоқий масалаларга алоҳида эътибор берилади. Ҳар бир киши ўз фаолиятининг, хатти-ҳаракатларининг оқибатларини олдиндан ўйлаши лозим, номаъқул ҳаракат фақат кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин (*“Нима эксанг, шуни оласан”*) деган хулоса берилади.

Халқ мақоллари, маталлари кишилар амалий фаолиятининг натижаси бўлиши билан бирга, кундалик ҳаётда амал қилиш лозим бўлган тарбиявий қўлланма вазифасини бажаради. Мақол ва маталларнинг аксарият қисми маслаҳат беришга бағишланганлиги бежиз эмас. *“Сичқон сиғмас уйига, ғалвир боғлар думига”*. Халқ донолиги кишиларни фаросатли бўлишга,

ўзлари иш кўраётган ҳодисаларни таҳлил қилишга, улардаги “ёмон”дан “яхши”ни, “қора”дан “оқ”ни ажрата олишга чақиради (“Ҳар бир яхши нарсада “лекин “бор, ҳар бир ёмонда – “аммо”).

Ўқувчилар онгида мақоллар воситасида грамматик тушунчаларни қайтариш, айрим сўзларни тўғри ёзишга ўргатиш дарсликдаги машқлар олдига қўйиладиган асосий мақсаддир.

Қуйида мақолларни ўрганишда қўлланилиши мумкин бўлган метод ва усулларга тўхталамиз:

1-синф “Ўқиш китоби” дарслигида берилган “*Ватани борнинг бахти бор*”, “*Она юртинг – олтин бешигинг*” мақоллари асосида ўқувчилар қуйидаги ишларни мустақил бажариши керак:

1. “*Ватани борнинг бахти бор*”, “*Она юртинг – олтин бешигинг*” мақолларидаги сўзларни ўқиши, мақоллар мазмунини англаши;

2. *Ватан* сўзини бўғинларга ажратиб дафтарларига кўчириб олиши.

“*Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас*” мақолини ўқиганда ўқитувчи мақолнинг тўлалигича луғавий маъносини тушунтиради, мақол мазмунини соддалаштирилган ҳолда синф ва оила шароитига боғлайди.

“*Омон*” бўлса сўзлари қиёсий таҳлил этилади. Юрт омон бўлса, юртнинг фарзандлари шу юртда ўсиб улғайишлари, ўз ватанларида яйраб юришлари, юртнинг корига ярашлари ҳақидаги фикрлар суҳбат методи орқали тушунтирилади.

Мақолларни ўрганиш жараёнида шунга эришиш лозимки, уларнинг маъноси ўқувчиларнинг онгида узоқ сақлансин, мазмуни ўқувчиларга ижобий таъсир этсин: мақол мазмуни асосида ўз хулқидаги камчиликларни тузатиб борсин.

Сўз тасаввурни шакллантиришнинг асоси ҳисобланади. 1-синф ўқувчилари мақолларда берилган барча сўзларни ҳам тўла тушуна бермайдилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчи *омон бўлса* бирикмасидаги *омон*

сўзининг маъносини, шунингдек, *ранги-рўйинг сомон бўлмас* бирикмаси мазмунини тушунтириб бериши талаб этилади.

Ўқитувчи мисолларни дарс бошланишидан олдин доскага ёзиб, асосий маъно ифодаланган сўзнинг остига чизиб қўяди. Ўқувчиларга дарснинг мақол таҳлили давомида, мазкур ёзувларни яхши ўқиш ва ёдлаш тавсия этилади.

Баъзан мақолни алоҳида қоғозга ёзиб кириб, кўрсатмалилик тамойили асосида мазмунини сўзлаш ва 2-3 ўқувчига ўқитиш, сўнг хор бўлиб ўқишни ташкил этиш мумкин.

Ҳар икки ҳолда ҳам (айниқса, мақоллар қисқа бўлганлиги учун) ўқувчиларни яхши ўқиш сифатларига эга қилиш назарда тутилиб, ўқиш техникасини яхши эгалламаган ўқувчиларга ўқитилади, мазмуни таҳлил этилади, уларга шу мақолни қайта-қайта ўқиб, ёд олиш зарурлиги уқтирилади. Бу усул мақолларни онгли ўзлаштиришга ёрдам беради ва ўқиш техникасини яхши эгалламаган ўқувчиларнинг равон ўқиш малакасини ҳам оширади.

Мақолларни таҳлил этиш 1-синфга нисбатан 2-синфда мураккаброк бўлади.

2-синфда мақолларни ўқишда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

1. Паузали ўқишга ўргатиш.
2. Урғули сўзларни оҳанг жиҳатидан фарқлаб ўқитиш.

1-3-синфларда ўқувчиларга мақол ёки топишмоқни ифодали ўқитишда қуйидагича усуллардан фойдаланиш мумкин:

1. Ўқитувчи дарс жараёнида ўргатилаётган мақолни доскага ёзганда урғули сўзларнинг остига чизиб қўяди. Ўқувчиларга эса остига чизилган сўзларнинг бошқа сўзларга нисбатан ё секин, ё баланд овоз билан ўқилишини айтади, ўзи ўқиб кўрсатади.

2. Синфда мақол ёки топишмоқни картонга ёзиб, тарқатма материал сифатида ишлатилганда, остига чизилган сўзларга алоҳида эътибор бериб ўқиш кераклиги уқтирилади.

3. Ўқитувчи доскага ёзган топишмоқ ёки мақоллардаги урғули сўзни тушириб қолдиради. Масалан: “Аввал..., кейин сўйла”, “Тапни..., сўзла, Ишни..., кўзла”.

Ўқувчилар биринчи мақолдаги тушириб қолдирилган *уйла*, иккинчи мақолдаги *кам*, *кўп* сўзларини топадилар. Лозим топилса, остига чизадилар. Ўқитувчи ўқувчилар томонидан ёзилган бу сўзларни (таълимий характердаги ижодий диктантни) таҳлил этар экан, топилган сўзларни ўқишда алоҳида оҳанг талаб этилишини оғзаки баён этади ва шундай ўқитади.

Халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар асосида иншо ёки баён ёздириш муҳим таълимий-тарбиявий аҳамият касб этади. 4-синфда баён ва иншо таҳлили учун махсус дарс ўтказиш мумкин.

Иншо устида ишлашда мақоллардан фойдаланиш икки босқичда бўлади:

Биринчи босқичда ўқувчи расм асосида ҳикоя қилади.

Иккинчи босқичда оғзаки қилинган ҳикоя асосида иншо шаклида ёзма баён ёзилади. Бундай дарсларни мақол мазмуни асосида иншо ёзиш дарси дейиш ҳам мумкин. Чунки ўқувчи иншога тўрт кўринишда тайёргарлик кўради. 1. Мавзуга доир мақол танлайди. 2. Мақол мазмунига хос расм топади. 3. Расм асосида оғзаки ҳикоя тузади. 4. Ўз ҳикоясини ёзма баён этади. Бу билан ўқитувчи ўқувчиларнинг онгли ўзлаштиришларига эришибгина қолмай, балки мустақил ижодий ишлашга ҳам ўргатади.

Мақолларни ўрганишда онглилик, изчиллик, кўргазмалилик тамойилларига амал қилинади.

Мақолларда топишмоқлар каби сиқик жумлада халқнинг кенг тарбиявий фикри талқин этилади. Мақоллар мазмунини тушунтириш орқали

унда ифодаланган ғоя ўқувчилар онгига сингдирилади. Мақолларда берилган хукм-хулоса ўқитувчи томонидан кенг баён этилади.

Мақолларни ўрганишда хилма-хил усуллардан фойдаланиш орқали кўпроқ ўқувчиларнинг талаффузи, нутқи ва матнни онгли ўзлаштиришларига алоҳида аҳамият берилади.

Ёш авлодни мақоллар мисолида маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялашда ўқувчиларни матн тузишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчи берилган манбалар бўйича, аввало, луғат иши ўтказилади. Шу жараёнда ўқувчиларга тушунарли бўлмаган сўзлар маъносини тушунтиради. Мақоллар матни устида иш олиб борилганида уларнинг маъноси ва ҳаётий аҳамияти ўқувчилар томонидан қандай ўзлаштирилганлиги аниқланади. Масалан, Ватан мавзусига доир мақоллар ўрганилгач, ўқувчиларга “булбул ва одам”, “чаман ва ватан” сўзларини қуйидаги саволлар ёрдамида қиёслаб, изоҳлаш вазифаси топширилиши мумкин:

1. Булбул қандай қуш? У ҳақда нималарни биласиз?
2. “Одам” деганда нимани тушунасиш ?
3. Мақолдаги “чаман” ва “Ватан” сўзларида мазкур тушунчаларнинг қайси жиҳатлари қиёсланапти?
4. “Чаман” ва “Ватан” тушунчалари ўртасида қандай ўхшашлик бор?

Мазкур саволларга жавоб бериш жараёнида мақолнинг мазмун-моҳияти изоҳланади. “Она юрт” ва “омон бўлмоқ” иборалари тушунтирилганда, ўқувчилар эътибори Ватан мудофааси масаласига қаратилади. Ватан миллий ғуруримиз ва ифтихоримиз омили эканлиги уқтирилади. Келажаги буюк давлат бўлган Ўзбекистоннинг осойишталиги ва ёрқин келажаги учун хизмат қилиш ҳар бир ўғил-қизнинг муқаддас бурчи эканлиги юзасидан ҳаётий мисоллар келтирилади. Натижада ўқувчиларнинг Ватаннинг муқаддаслиги билан боғлиқ тушунчаси бойийди, дунёқараши шакллана боради.

Тадқиқот муаммоси юзасидан олиб борилган изланишлар ўқувчиларни халқ оғзаки ижоди намуналари мисолида миллий ғурурни тарбиялашда ўзбек халқ мақолларининг ғоявий жиҳатдан бой ва ранг-баранг бўлиши муҳим омил эканлигини кўрсатди.

Масалан:

Ватани борнинг – бахти бор,

Меҳнати борнинг – тахти.

Она юртинг омон бўлса,

Рангу рўйинг сомон бўлмас.

Она юртинг – олтин бешигинг.

Бегона тупроқ - девона тупроқ.

Ўзга юртнинг шоҳи бўлгунча,

Ўз юртингнинг гадоси бўл.

Булбул чаманни севар

Одам – Ватанни.

Юрт қўрисанг ўзарсан,

Қўримасанг – тўзарсан.

Бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби”, “Одобнома”, “Она тили” дарсликларида шу хилдаги мақоллардан ташқари топишмоқларнинг берилиши ҳам ўқувчиларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилгандир.

Халқ оғзаки ижодининг топишмоқ жанри меҳнаткаш халқ ақл-заковатининг маҳсули сифатида ҳозирги кунда ҳам ёшларимизнинг дунёқарашини кенгайтиришда, билимини оширишда, диди ва зеҳнини ўткирлаштиришда муҳим маърифий-таълимий ва бадиий-эстетик аҳамиятга эга. Бу ҳақда тадқиқотчи Г.Комилова шундай деб ёзади: “...улар ёш авлодни бевосита ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Улар қалбида

она-юрт гўзалликларидан фахрланиш ва бу гўзалликларни асраб-авайлаш туйғусини уйғотади” [66; 62].

“4-синфда ўқиш дарслари” қўлланмасида топишмоқлар мавзусига бағишланган дарснинг қуйидагича белгиланиши бежиз эмас:

1. Ўқувчиларга топишмоқ жанри ҳақида маълумот бериш. Уларнинг топишмоқни ифодали ўқиш, жавобини тез топиш малакаларини ошириш, зийракликка ўргатиш.

2. Ўқувчиларнинг муомала маданиятини ошириш.

3. Ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини шакллантириш. Ижодий фаолиятга йўллаш” [72; 64-65].

Ўқитувчи ўқувчилардан ўрганилаётган топишмоқларга мустақил фикрлаш йўли билан тез ва тўғри жавоб топишни талаб этади. Топишмоқ матни ўқувчиларга ўқиб берилади ёхуд ёддан айтилади, ўқувчилар ўйлаб, жавоб топадилар.

Ҳар хил топишмоқ матнини карточкаларга ёзиб, ўқувчиларга тарқатиш ҳам мумкин. Бунда карточкаларга ёзилган топишмоқларни ўқиб, унга жавоб айтиш ўқитирилади. Шундан сўнг ўқувчилар ўз карточкаларидаги топишмоқнинг жавобини топишга киришадилар ва баланд овоз билан топишмоқ матнини ўқийдилар, сўнг унинг жавобини айтадилар.

Сабзавот ва мевалар ҳақидаги топишмоқларни ўрганиш ҳам мураккаб усулларни талаб этади. Бинобарин, сабзавот ва меваларни синфга келтириш оғирлик қилса, дарсда ҳар хил рангли расмлардан фойдаланилади.

Ўқувчилар билан қисқача суҳбат ўтказилади. Суҳбат давомида ўқувчилардан қуйидаги саволларга жавоб олинади:

1. Қандай полиз экинларини биласиз?
2. Қайси ўсимликларнинг ердан юқорида ўсадиган қисми ейилади?
3. Қайси ўсимликларнинг ер тагидаги қисми ейилади?
4. Сабзавот экинларидан қайсиларини биласиз?
5. Қандай меваларни биласиз?

6. Мева ва сабзавотларни инсонлар нима учун истеъмол қиладилар?

Маълумки, сўзларни онгли ўзлаштириб, тўғри ўқиш учун ўқиш техникасини эгаллаш зарур. Бу, ўз навбатида, ўқиш техникасини тўлиқ эгаллашга, оҳангдорликни тушунишга зарурият туғдиради. Шу жиҳатдан топишмоқлар, айниқса, биринчи синфда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, дарсликда берилган топишмоқларнинг жавоблари расм орқали кўрсатилган. Бу эса дидактиканинг кўрсатмалилик тамойилини қўллашни, оғзаки баён этишни қулайлаштиради ва ўқувчи фикрини, диққатининг барқарорлигини оширади. Ўқувчи топишмоқ матнини ўқир экан, унинг матни ёнидаги расмни кўради ва осонгина идрок этади. Топишмоқда яширин берилган предметнинг хусусияти эса узоқ эсда сақланади. Ўқувчи 3-синф “Ўқиш китоби”даги лола ҳақидаги топишмоқни ўқир экан, унинг онгида лоланинг қуйидаги хусусиятлари гавдаланади:

- Лола баҳор элчиларидан бири.
- Лола алвон рангда товланади.
- Баҳорда қир-адирлар лола билан қопланиб, гўзал манзара ҳосил қилади.

Топишмоққа жавоб топиш ўқувчи руҳини тетиклаштиради, унга маданий ҳордиқ беради, ақлини пешлайди ва хотирасини кучайтиради.

Бошланғич синфларда халқ оғзаки ижоди, айниқса, эртақ, топишмоқ ва мақолларни ўқитиш ҳақида ўқитувчиларга батафсил тавсиялар берувчи методик қўлланма йўқ. Шунинг учун ҳам бошланғич синфлар она тили ва ўқиш дарсларида халқ оғзаки ижодини ўрганишда умумий бирлик заиф. Айрим ўқитувчилар дарсда халқ оғзаки ижодидан, айниқса, мақол ва топишмоқлардан фойдаланиш заруриятини мутлақо ҳис этмаётганлиги бу борадаги жиддий нуқсонлардир.

Ўқувчилар онгидаги мавҳум тушунчаларнинг аниқ тушунчаларга айланишида мантиқий машқ катта аҳамиятга эга бўлиб, ўқитувчи улардан ўринли фойдалана олиши муҳим аҳамиятга эга.

Кўрсатиб ўтилган мантикий оғзаки машқ биринчи синфда ўқув йилининг биринчи ярмида, нутқ ўстириш мақсадида олиб борилади. Ўқув йилининг иккинчи ярмида эса бу хил машқ мураккаброқ тус олади, яъни топишмоқлар оғзаки таҳлил этилгандан сўнг, ёзма ҳолда таҳлил этилади.

Топишмоқни ёзма ҳолда таҳлил этиш қуйидаги тартибда бўлиши мумкин:

1. Китобдаги топишмоқни кўчириб олишни тавсия этиш.
2. Топишмоқда берилган асосий белгиларни англатувчи сўзларнинг остига чизиш ва уларни бошқа сўзларга нисбатан баланд овоз билан ўқитиш.
3. Топишмоқда яширинган предмет расмини топиб, топишмоқнинг матни остига ёпиштириш ёки топишмоқнинг жавобини ёзиш ва бошқалар.

Баён этилганлардан маълум бўладики, топишмоқларни ўрганиш – яширин берилган нарсанинг предмет номини билиш демакдир.

Ўқувчилар топишмоқнинг жавобини топгач, унинг қанчалик тўғри эканлиги аниқланади. Топишмоқ матни остига унинг жавоби ёзилади. Ўқитувчи ҳар икки усул қўлланилганда ҳам топишмоқнинг жавобини топиш ва уни ёзиб олиш билан чегараланмайди, балки топишмоқ матни воситасида ифодали ўқишга доир машқлар ҳам ўтказади.

Топишмоқни ифодали ўқишда унинг мазмунига эътибор бериш ҳам талаб этилади. Бошланғич синфларда болаларни топишмоқларга жавоб топишга ўргатиш қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Топишмоқларда яширин берилган нарсани предметни кўрсатиш.
2. Топишмоқларда берилган нарсани предметни эслатиш.
3. Мустақил фикрлашга ўргатиш.
4. Санатиш йўли билан жавоб топтириш.
5. Нарсанинг предметнинг расмини кўрсатиш йўли билан жавоб топтириш.

Топишмоқларга жавоб топтиришнинг юқоридаги каби барча кўринишларида ҳам дидактиканинг кўрсатмалилик, таълимнинг илмийлик ва изчиллик тамойилларига амал қилинади.

Зеро, профессор Қ. Йўлдошевнинг таъбири билан айтганда, “адабиёт дарслари (ўқиш дарслари ҳам – Н.В) шахслараро муносабат натижасида шахслик сифатларини шакллантиришга қаратилган фаолиятдир. Шахслараро муносабат эса фақат илм эмас, балки ижод ҳамдир” [63; 102].

Бошланғич синфлардаги таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифалари ўрганилиши лозим бўлган материалнинг мазмуни ва тузилишини белгилайди. Бу жиҳатдан эртакларни ўрганиш ҳам ўқитувчилар олдида куйидагича талабларни кўяди:

- эртак матнлари асосида ўқувчиларда яхши ўқиш сифатларини ҳосил қилиш;
- ўқувчиларнинг матн мазмунини тўла тушунишларига эришиш;
- эртакдаги образларни бир-биридан фарқлай билишга ўргатиш;
- ўқувчиларни воқеа-ҳодисаларни, ҳаётий фактларни тўғри тушунишга ўргатиш;
- ўқувчиларнинг эстетик завқ олишларига эришиш;
- эртаклардаги мураккаб сўзларнинг тўғри тушунилишини таъминлаш;
- ўз ахлоқий сифатларини образларнинг ахлоқий сифатлари билан қиёслаб кўриш орқали маълум хулоса чиқаришларига эришиш;
- ўқувчиларнинг эртакларни тўлиқ ҳолда иккинчи шахсга айтиб беришларига эришиш.

Эртакларни таҳлил қилишда куйидагича мақсадлар кўзда тутилади:

1. Болаларни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш;
2. Уларда Ватанга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш.
3. Ўқув дастури асосида билим бериш.
4. Халқ эртакларини ўқишга ҳавас уйғотиш.

5. Ўқувчиларнинг оғзаки нутқ малакаларини ривожлантириш.

6. Техника воситаларидан фойдаланишга ўргатиш.

Эртактарни таҳлил қилиш ўқитувчидан дарсда ҳикоя, тушунтириш, суҳбат каби хилма-хил методларни қўллашни талаб этади.

1-2-синф ўқувчиларида эртактарга қизиқиш ҳиссини уйғотиш мақсадида уларнинг лексик ва синтактик хусусиятларини сақлаган ҳолда оғзаки ҳикоя қилиб берилади ва шундай ҳикоя қилиб сўзлаш талаб этилади. Чунки эртакт мазмунининг ўқувчиларга тўла етиб бориши учун ўқитувчи ва ўқувчи уни мустақил бадиий ҳикоя қилиб бериши керак.

Эртакт ҳикоя қилиб берилгандан сўнг, мустақил ўқитилади, ўқиш жараёнида тушунилиши қийин айрим сўзларга изоҳ берилади. Эртактнинг ғояси савол-жавоб йўли билан очилади. Эртакт сюжети асосида расмлар чизилади. Ўқувчилардан эртакт қаҳрамонларининг шахсий сифатларини ҳаётдаги айрим кишилар ҳарактерларига, сифатларига солиштириб ўз хулосаларини мустақил айтиш талаб этилади.

3-4-синфларда эртактарни ўрганишда суҳбат методидан фойдаланилади. Суҳбат давомида меҳнаткаш халқнинг бахтли, озод турмуш ҳақидаги орзуси ифодалангани айтиб ўтилади. Бунга доир ҳаётий мисолларни топиш ўқувчилардан сўралади.

Кўпчилик эртактар *“Бир бор экан, бир йўқ экан”* каби сўзлар билан бошланиши ва *“мурод-мақсадларига етибди”* каби сўзлар билан тугалланиши, эртактарнинг тузилишига доир фикрлар таъкидлаб ўтилади.

Эртактарни ўрганиш барча бошланғич синфларда ҳам таълим назариясининг онглилик тамойилига тўла амал қилишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг қиёслаш, солиштириш, тўғри хулоса чиқаришларига алоҳида эътибор қаратилади.

Эртактлардаги воқеа-ҳодисаларни, қаҳрамонларнинг характерини ва умуман, мазмуни ва ғоясини онгли ўзлаштириш ўқувчининг фикр қилиш фаолиятига боғлиқ. Ўқитувчи эртакт мазмунини тушунтиришда оғзаки ҳикоя

қилиш, суҳбат методларини қўллаш билан чегараланмай, кўрсатмалилик тамойилига ҳам амал қилади, ўқувчиларни ҳар хил мустақил ишларни бажаришга йўналтиради.

Катта ҳажмдаги эртакларни қисмларга бўлиб сўзлатиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ўқувчилар нутқини ривожлантиришда ўқиш дарслари алоҳида ўрин тутати. Шунинг учун ҳам дарсликда берилган эртак матнларини ўқиш ва ўрганиш билан чегараланиб қолмасдан, дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларнинг билган эртакларини сўзлатиш ҳам фойдалидир.

Эртак матнини ролларга бўлиб ўқитиш ҳам мароқли, аммо мураккаб усулдир. Чунки ўқувчидан эртак қаҳрамонининг нутқидаги изчиллик, интонацияга риоя қилиш талаб қилинади. Шундагина уларда эртакларни ўқиш ва эшитишга нисбатан ҳавас уйғонади. Ўқитувчи у ёки бу қаҳрамоннинг нутқини қандай оҳангда сўзлаш зарурлигини уқтириб боради.

4-синфда эртакларга режа тузиш, айрим эртакларга сарлавҳа топишга одатлантириш ҳам ўқувчилар нутқини ривожлантиради, тафаккурини кенгайтиради ва изчилликка ўргатади. Ўқилган матнлар юзасидан режа тузиш ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширилади.

Ўқитувчи эртакка сарлавҳани матн ичидаги гаплардан танлаб қўйиши, режа тузганда унинг сўроқ гап бўлиши ҳам мумкинлиги ва дафтарга ёзиш зарурлигини тушунтиради. Ўқувчилар режа тузиб бўлганларидан сўнг, улардан намуналар ўқитилади. Яхши тузилган режа билан талабга жавоб бермайдиган режа қиёсланади. Режани яхши тузган ўқувчилар режаси намунали деб эълон қилинади. Уйда мустақил режа тузишни давом эттириш топширилади.

Эртак матнлари билан таништириш жараёнида 1-синф ўқувчиларидан қуйидагилар талаб қилинади:

1. Эртакдаги ҳар бир сўз ва гапнинг маъносини билиш.

2. Ҳар бир мантиқий тугалланманинг маъносини англаш ва сўзлаб бериш.

3. Эртактаги асосий ва иккинчи даражали фикрни топа билиш, уларни бир-бирига таққослаш.

Баён этилган талаблар, шубҳасиз, ўқувчилар нутқининг бойишига ижобий таъсир этади. Эртакларни ўқиш ва мазмунини ўзлаштириш ўқувчилар нутқини ўстириш билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Матн устида ишлаш орқали ўқувчиларнинг луғат бойлигини ўстириш нотаниш сўзларни тушунтириш, халқ иборалари, мақолларни нутқда қўллаш, предметларни туркумларга ажратиш орқали амалга оширилади.

Матн тузиш эса, расмга қараб ҳикоя ёздириш, ўзгалардан эшитган эртакни қайта айттиришдан иборат бўлади.

Баён ёки иншо ёзиш қуйи синфларда мураккаб масала бўлиб, ўқувчилардан матн мазмунини тўла тушунишни, унинг мақсад ва ғояси ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишни талаб қилади. Маълумки, иншо режаси устида ишлаш масаласи ўқилган адабий асар ва мақолларга режа тузиш, матн юзасидан оғзаки баён қилиш ва шу асосда баён ёзиш иши билан узвий алоқадордир.

Эртакни ўрганишда ўқувчиларнинг эътибори қуйидаги масалаларга қаратилади:

1. Ўзидан катталарни ҳурмат қилиш, ёшларга кўмакдош бўлиш.
2. Мард бўлиш, кишиларнинг кўнгилларини оғритмаслик.
3. Мақтанчоқ бўлмаслик: аввал ўйлаб, кейин сўзлаш.
4. Катталар буюрган ишни ўз вақтида, бажонудил бажариш, меҳнатсевар бўлиш.
5. Ўз Ватанини, халқини севиш ва ҳурмат қилиш.

4-синф “Ўқиш китоби”даги “Илм афзал” эртаги ўқувчиларни илмли бўлишга чақиради. Илмни қанча сарфласанг, шунча кўпайиши, давлатни

сарфласанг, у камайиши ҳақидаги тушунчага эга бўладилар, илм ўрганишнинг оқибати яхши бўлишидан хабар топадилар.

4-синф дарсликларидаги эртакларни ўрганиш машғулотларида куйидаги иш турлари бажарилиши талаб қилинади:

1. Ўқитувчининг кириш суҳбати.
2. Ўқитувчи томонидан эртак матнини сўзлаб ёки ўқиб бериш ёхуд компьютер ва магнитофондан фойдаланиш.
3. Эртак мазмуни юзасидан савол-жавоб ўтказиш.
4. Матнни қисмларга бўлиб ўқитиш.
5. Ролларга бўлиб ўқитиш.
6. Эртак мазмуни асосида режа тузиш ва ўқувчиларнинг гапириб беришига эришиш.
7. Ўқитувчининг якуний суҳбати.

1-синф “Ўқиш китоби”даги “Ростгўй бола”, “Очкўз сичқон”, “Ақлли боғбон”, “Ақл ва бойлик”, 2-синф “Ўқиш китоби”даги “Мақтанчоқ айиқ”, “Асалари билан пашша”, “Кўнгилчан ўтинчи”, “Ур тўқмоқ”, “Кўп кўрган кўп билади”, 3-синф “Ўқиш китоби”даги “Ботир мерган ва чақимчи”, “Донишманд йигит”, “Ҳалоллик”, “Аҳиллик”, “Аҳиллик – улуг бахт”, 4-синф “Ўқиш китоби”даги “Омонатга хиёнат”, “Икки сахий”, “Очкўз бой”, “Давлат”, “Илм афзал”, “Лақма ит”, “Ҳунарсиз киши ўлимга яқин” эртаклари турли мавзуга бағишланган бўлса-да, уларни бирлаштирадиган етакчи ғоя – эзгуликнинг ёвузлик устидан албатта тантана қилиши миллий ғурур тарбиясига хизмат қилиши табиий. Негаки, эзгулик тантанаси учун курашган кишилар ғурурли, ростгўй, шижоатли, мард, юксак эътиқодли, ор-номусли, ҳалол бўлиши билан ўқувчиларда ёрқин таассурот қолдиради.

Республикамизнинг мустақиллиги тобора мустаҳкамланиб бораётган бир вақтда ўқувчиларда ватанпарварлик ва миллий ғурур билан боғлиқ маънавий фазилатларни шакллантиришда синфда ва синфдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида бериладиган топшириқларнинг ўқувчилар томонидан бажарилиши ёки бажарилмаслигига қараб жазолаш ёки рағбатлантириш усулидан фойдаланади. Агар ўқувчиларга танбеҳ ўрнига халқ оғзаки ижоди асарларидан мисоллар келтириб маслаҳат берилса ёки “баракалла, ўғлим”, “баракалла, қизим”, деб рағбатлантирилса, уларда эзгуликка интилиш ва ишонч, демакки, таълим-тарбия самарадорлиги янада ортади.

Зеро, дарсларни миллий қадриятларимиз чуқур сингдирилган ҳолда талаб даражасида олиб бориш бугунги кун талабидир.

Қадим замонлардаёқ болаларнинг дастлабки ахлоқий тушунчаларини шакллантиришдан бошлаб, то ҳаётда ўз ўрнини топиб, халққа хизмат қилиш даражасига етгунгача бўлган давр ичида оилада миллий ғурур тарбиясига алоҳида эътибор билан қаралган. Тарбия жараёнида болаларнинг ёш хусусияти билан боғлиқ психологик, физиологик ривожланиши ҳисобга олинган. Айниқса, халқ оғзаки ижоди намуналаридан мисоллар келтирилиб, бола ҳиссиётига кучли таъсир кўрсатилган.

Бошланғич синф ўқувчиларининг билишга қизиқувчанлиги, интилувчанлиги, физиологик маънода ҳаракатчан бўлишига эътибор берилса, тавсия қилинган материалларни тез ёдлаб олиши аён бўлади. Аммо улар тажрибасизлиги туфайли ўрганилаётган материалларнинг маъно-мазмунини яхши тушуниб етавермайди, воқеликка ҳар доим ҳам тўғри баҳо бера олмайди. Шунинг учун ўқитувчилар олдидаги асосий вазифа ўрганилаётган материални ўқувчиларга тушунарли тарзда етказишдир.

Ўқиш дарсларида болаларга тўғри ўқиш кўникмасини бериш ва уларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу соҳада эртаклар юзасидан ўтказиладиган машғулотлар анча қулайлик туғдиради. Чунки эртакларнинг тили равон, мазмуни болаларга қизиқарли. Шунинг учун ҳам ўқувчилар бу хилдаги асарлар сюжетини иштиёқ билан қайта ҳикоя қиладилар.

Муаммога оид кузатишларимиз 1-, 4-синфларда халқ оғзаки ижодига мансуб асарлар воситасида ўқувчиларнинг миллий ғурур билан боғлиқ тушунчаларни онгли ўзлаштиришлари учун тафаккур қилишга ундовчи савол-топшириқлардан фойдаланиш, мустақил фикрлашларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатди.

Хусусан, одобнома дарсларида ватан тараққиёти ва мустақиллигини мустаҳкамлаш учун муносиб ҳисса қўшган машҳур кишилар, шунингдек, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ҳақида тушунча берилиши ўқувчиларда шахслик сифатларини камол топтириш юзасидан қатъий хулосаларга келинди.

Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашни ёшлар онгига миллий қадриятларимизни чуқур англатмасдан сингдириш мушкул, албатта. Ўқувчилардаги қизиқиш мотивлари, ёш хусусиятларини, руҳий тараққиётини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий таъсир ўтказишда ўзбек халқ педагогикасининг бошланғич манбаи бўлган халқ оғзаки ижоди асарлари ва унда болалар тарбияси хусусидаги қарашлардан унумли фойдаланиш самарали натижалар берди. Бу борада синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий тадбирлар, жумладан, машҳур кишилар билан учрашувлар, турли мавзудаги тарбиявий соатлар, тўғараклар (моҳир қўллар), танловлар (“ифодали ўқиш”), тарихий жойларга саёҳатлар, шеърят кечалари, эрталикларни ўтказиш ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнида олган билимларининг амалий аҳамиятини мустаҳкамлайди, ахлоқий сифатларини тарбиялашга кўмак беради.

Халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва улардан фойдаланишга доир топшириқлар мазмуни ва ҳажмини белгилашда асосий эътибор ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, ижодий қобилиятлари, идроки, қизиқишлари, изланувчанлигига қаратилди. Натижада ўқувчиларда, биринчидан, ўқиб-ўрганишга қизиқиш ва масъулият ортди, иккинчидан, топшириқни бажаришга ижодий ва мустақил ёндашув шаклланди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўқувчиларнинг эркин ижодий фаолияти учун шароит яратиш ва уни бажаришга эҳтиёжни юзага келтириш ўқиш ва одобнома дарсларини ҳам, тарбиявий тадбирларни ҳам муваффақиятли ўтказишнинг асосий шартидир.

Миллий ғурур тарбиясига оид синфдан ташқари ўқиш дарслари ва тарбиявий тадбирларни ўтказишда ўқитувчи, аввало, ўз мақсадига мос келувчи халқ оғзаки ижоди материалларини танлай билиши, мавзуга мос ҳаётий мисоллар келтириши, ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъмин этадиган педагогик технологияларни олдиндан белгилаб олиши машғулотларнинг хотирада узоқ вақт сақланиб қолишига замин яратади.

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда уларнинг руҳиятига алоҳида эътибор бериш керак. Бунда боланинг тафаккурини ижтимоий руҳиятини ҳар хил бўлмағур ваъдалар ёки совғалар эмас, балки мунтазам равишда ташкил этилган тарбиявий ишлар ёрдамида бойитиш лозим. Кўринадики, миллий ғурур маънавий-ахлоқий тарбиянинг таркибий қисми сифатида адолатли фуқаролик жамияти қурилиши шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш педагог олдига бир қатор муҳим талабларни қўяди. Бунда ўқитувчи таълим-тарбия жараёнининг яхлит жараён эканлигини, мактабда ўқитиладиган ҳар бир фаннинг ўзига хос тарбиявий аҳамияти ва имкониятлари мавжудлигини ҳамда ундан оқилона равишда, ўз ўрнида фойдаланиш билими, тажрибаси, маҳорати, изланишига боғлиқ эканлигини тушуниши керак.

Шунингдек, ўқувчи шахсида миллий ғурурни тарбиялашда тарихий саналар, жумладан, 14 январь – “Ватан ҳимоячилари куни”, 21 март – “Наврўз” байрами, 1 сентябрь – “Мустақиллик куни”, 8 декабрь – “Конституция куни” ва бошқа мавзуларга бағишланган байрам тадбирларининг аҳамияти юқори эканлиги аниқланди.

Мазкур тадбирларда суҳбат методидан, тарбиячининг шахсий намунасидан мақсадли фойдаланиш Абдулла Авланийнинг “...тарбиялаш шундай индивидуал таҳририй дастур билан олиб борилиши керакки, у шахс сифатларини таркиб топтиришда жамият талабларидан бирмунча илгарилаб кетган бўлиши зарур” [26; 237], деган фикрига айнан мос тушади.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, халқ оғзаки ижоди нафақат ўтмишда, балки бугунги мустақиллик шароитида ҳам бошланғич синф ўқувчиларини миллий ғурур руҳида тарбиялашда муҳим омил вазифасини ўтайди.

Миллий ғурур тарбиясида давлат рамзларини эслатиш, уларнинг яратилиш тарихи билан боғлиқ ҳикоялар, ривоятларни мисол қилиб келтириш ҳам муҳимдир. Зеро, “Биз, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари Давлат герби, Давлат байроғи, давлат Мадҳияси азиздир. Улар маънавиятнинг энг муҳим тимсоллари ҳамдир. Улар она Ватан – Ўзбекистон Республикасига ифтихор ва чексиз ҳурмат туйғусини тарбиялайди” [1; 144].

Президентимиз И.А.Каримов саъй-ҳаракатлари туфайли миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш бугунги куннинг бош масаласи қилиб қўйилди. Юртбошимизнинг Олий Мажлис сессияларидаги нутқларида, таълим-тарбияга оид қарашларида бунга алоҳида эътибор қаратишлари бежиз эмас. Айниқса, Ватан, ватанпарварлик, ота-она кадр-қиммати, аجدодлар тарихи, бой маданиятига доир маълумотлар мустақил давлатимиз келажаги бўлган ёшларни миллий истиқлол ғояси асосида баркамол инсонлар қилиб вояга етказишда ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

Ватанимиз келажаги бўлган ёш авлодда миллий ифтихор ва миллий ғурурни тарбиялашнинг муҳим омилларидан яна бири мусиқий таълимдир. Зеро, юксак маънавий қадриятларга эга ўзбек халқининг маданий меросларидан бўлган куй ва қўшиқларнинг инсон руҳиятига чексиз таъсир кўрсатиши ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбеккона ғурур ва ифтихорни ҳис қилиш дастлаб саломдан бошланади, десак муболаға бўлмаса керак. П.Мўминнинг 1-синфда ўрганиладиган “Салом берган болалар” (Н.Норхўжаев мусиқаси) қўшиғи шу фикрнинг ёрқин далилидир.

Салом берган боланинг ўзи одобли,
Кулиб турган юзлари гўё офтобли.

Нақорат:

Салом бериш, бу – аъло аломат,
Салом берганлар, бўлинг саломат.

Ушбу қўшиқ орқали фарзандларимиз онгига “салом” сўзининг муқаддаслиги, саломлашиш билан боғлиқ миллий урф-одатларимизнинг афзалликлари сингдириб борилади.

Шоир Қамбар ота билан бастакор Н.Норхўжаевнинг “Дўппи кийган бола” қўшиғи миллий кийимлар, урф-одатларга ҳурмат уйғотиш орқали ёш авлодда миллий ғурурни тарбиялашга қаратилган.

Бу қўшиқни куйлаган ўқувчи миллий либослар шунчаки либос бўлмасдан, балки руҳий озик вазифасини бажаришини ҳам қалбдан ҳис этадилар:

Дўпписин каштасида
Акс этади тилим ой,
Тепасида нур сочиб
Турар гўё тўлин ой.
Дўппи кийган боланинг
Йўллари ёрқин бўлар,
Меҳр тўла юраги
Халқига яқин бўлар.

Дўппи каштасида акс этган тўлин ой уни кийган боланинг меҳр тўла юрагига чексиз руҳий қувват, ғурур ва ифтихор туйғуларини бахш этади.

Халқ оғзаки ижодининг ривоят жанрини мазмунига кўра шартли равишда икки туркумга бўлиш мумкин. Бир муайян воқеа ва тарихий шахслар билан боғлиқ бўлган ривоятлар, иккинчиси топонимик ривоятлар. Тарихий ривоятларда маълум бир шахс фаолияти ва халқ қаҳрамонлари тақдири юзасидан ҳикоя қилинади, ахлоқ-одоб ва маънавий-ахлоқий қадриятлар ташвиқ этилади, муайян тарихий маълумотлар ҳақида ахборот берилади. Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Бобораҳим Машраб, Амир Темур, Султон Маҳмуд сингари тарихий шахслар ҳақида яратилган ривоятлар шулар жумласидандир.

4-синф “Ўқиш китоби” дарслигида берилган “Нажмиддин Кубро”, “Султон Маҳмуд ва Беруний”, “Ҳиди, тилими ва мазасидан”, Хондамирнинг “Танбех”, Н.Каримовнинг “Ривоят” номли асарларида мўғул босқинчиларига қарши мардонавор курашган Нажмиддин Кубро, ақл ва топқирликда тенгсиз Беруний, Ватан равнақи, юрт фаровонлигини ҳар нарсадан устун қўювчи, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий, юрт соғинчи туфайли шоҳ бўлса-да, армон билан яшаган Заҳриддин Муҳаммад Бобур, ўз эътиқоди йўлида жонини фидо қилган Усмон Носирлар ўз маслаги йўлидаги ғурур-шижоати билан ёшлар учун чинакам тарбия намунаси бўлишларига шак-шубҳа йўқ.

1-синф “Ўқиш китоби”даги “Нон иси”, “Она алласи”, “Юрак”, 3-синф “Ўқиш китоби”даги “Тил қудрати”, “Соҳибқирон Темур бобо”, “Табиат билан суҳбат” ривоятлари ҳам буюк аجدодларимизнинг инсонпарварлик билан боғлиқ бирор фазилати ҳақида ҳикоя қилинишига кўра муҳим тарбиявий вазифани ўтайди.

Тадқиқот натижасида бошланғич синфларнинг ўқиш ва одобнома дарсларида, синфдан ташқари тадбирларда халқ оғзаки ижоди мисолида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашда машғулотларнинг аниқ мақсадга йўналтирилиши, қизиқарлилиги, илмийлиги, изчиллиги, тизимлилиги, тушунарлилиги, ўқувчилар фаоллигининг инобатга олиниши таълим-тарбия самарадорлигининг муҳим омили деган хулосага келдик.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўзбек оилаларида болаларни жисмоний ва психологик томондан ривожлантириш қонуниятларини яхши тушунганлар. Болаларга ёши ўсиб боргани сари ҳаракатларида, юриш-туришида, ички кечинмаларида содир бўладиган ўзгаришларга қараб муомала қилинган. Натижада тарбия усуллари ҳам болаларнинг ёшига қараб ўзгартириб борилган. Ота-оналарга фарзандларига эзгу инсоний фазилатларни сингдиришда халқ оғзаки ижоди асарлари энг яқин кўмакдош бўлган. Умуман олганда, халқ ҳикматлари, ривоятлар, мақоллар, маталлар ва эртаклардан маънавий қувват олмаган бирорта инсон бўлмаса керак.

Миллий ғурур тарбиясини амалга оширишда бир-бири билан боғлиқ қуйидаги бешта масалани амалга оширишга ҳаракат қилдик.

1. Дарс ёки тарбиявий тадбирнинг аниқ мақсадга (ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашга) қаратилганлиги.

2. Ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашга оид мавзулар, тушунчалар, муаммо ва ғояларни олдиндан аниқлаш.

3. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтириш орқали миллий ғурур тарбиясига доир материални тўлиқ етказишга эришиш.

4. Миллий ғурур тарбияси юзасидан ўқувчилар диққатини ўзига тортадиган қизиқарли фактик маълумотларни тўплаш.

5. Ўқувчилар томонидан миллий ғурур тарбиясига оид билим, тушунча ва ғояларнинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш, яқуний ҳулосалар чиқариш.

Миллий ғурур тарбиясига оид ўқиш дарсларини ташкил этишда ўқув материаллари қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

– ўқувчилар онгида миллий ғурур тушунчасини тарбиялашга хизмат қилувчи тарихий материаллар;

– ўқувчилар ҳиссиётига фаол таъсир этадиган халқ оғзаки ижоди намуналари.

1- 4- синфларда миллий ғурурни тарбиялашга доир қўшимча сифатида куйидаги эртак, ривоят, ҳикоятлар ва адабий эртакларни тавсия қилдик ҳамда уларни дарсда ўрганиш учун методик тавсиялар ишлаб чиқдик. Бу борада,

2-синфда “Сахий”, “Берунийнинг дам олиш кунлари”, 3-синфда “Порлоқ юлдуз” Тамила Қосимова, Пирмат Шермухамедовнинг “Абу Райҳон Беруний”, “Қирқ тилла ва қароқчи”, “Ибн Сино”, “Ёлғончининг изза бўлиши”, “Бош ва тил”, “Алишер билан деҳқон”, “Ғор топилди”, “Бобур мирзо”, “Улуғбек ва ўғли Абдурахмон” каби эртак, ривоят, ҳикоятлар юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари юқори натижалар берди.

Ўқувчилар халқ оғзаки ижоди намуналари билан ҳали гўдаклик чоғларидаёқ танишадилар, кейинчалик оила ва мактабгача таълим муассасаларида овутмачоқ, эркалатма, санама, латифа, эртак, топишмоқ, мақоллар, бошланғич таълимда эса халқ оғзаки ижодининг нисбатан мураккаб жанрлари намуналари – ривоят, қисса, дostonлар билан ҳам таниша борадилар.

Бошланғич синфларда миллий ғурур тарбиясига оид халқ оғзаки ижоди асарларини нисбатан самарадор репродуктив методдан фойдаланган ҳолда бошланғич синф ўқитувчисидан дарслик материаллари билан чекланиб қолмасдан, ўқувчиларнинг мавзу юзасидан кенгроқ билим олишларига имконият яратишини ҳам талаб этади.

Халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанрларидан бўлган мақолларда ҳам халқнинг жамиятга бўлган муносабатини, ахлоқий қарашлари, ҳаётий тажрибаси, маънавий қиёфаси, орзу-умидлари, интилишлари ҳамда табиат ва жамият ҳақидаги ҳукм-хулосалари умумлашган ҳолда қисқа ифодаланади. Халқ донолиги маҳсули саналган мақолларда халқнинг мантикий мушоҳадаси жамланади. Мақолларда қадимдан халқнинг донишмандлиги, ақл-идроқи, фикр-ўйлари ихчам ва таъсирчан тарзда ифодаланиб келган. Мақоллар узоқ даврлар давомида қатъий ҳукм-хулоса тарзида яшаб,

оғиздан-оғизга ўтиб келади. Тарихийлик хусусиятига эга ҳар бир мақол халқнинг аччиқ ҳаётӣ тажрибаси асосида юзага келиши билан халқ ҳаётининг турли томонларини акс эттиради.

Масалан, 2-синф “Ўқиш китоби”даги “Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур”, “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз”, 3-синф “Ўқиш китоби”даги “Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр– мингни”, “Бир йигитга қирқ хунар ҳам оз”, 4-синф “Ўқиш китоби”даги “Ақл – ёшдан, одоб – бошдан”, “Эринчоқлик – бошга бало келтирар” мақоллари шулар жумласидандир. Шунини ҳам айтиш жоизки, ватан, билим, меҳнат ҳақидаги айрим мақоллар дарсликлардан дарсликларга кўчиб юради. Бунинг сабаби дарсликларнинг турли кишилар томонидан тайёрланиши ва турли нашриётларда чоп қилиниши бўлиб, бунга аллақачон чек қўйиш вақти келди.

Мақоллар тузилиши жиҳатидан ғоятда ихчамлиги боис атрофлича изоҳлашни, кундалик ҳаётдан олинган мисоллар билан қиёслаб тушунтиришни тақозо этади. Таҳлил жараёнида халқ мақоллари инсонга доимо зарур эканлигини, кишиларни ахлоқий комилликка, меҳнатсеварликка, ватанпарварликка, кучли ва довюрак бўлишга чақиришини тушунтириб бориш миллий ғурур тарбиясида алоҳида ўрин тутаяди.

Халқ мақолларида она Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат, уни ҳар қандай ички ва ташқи душмандан кўз қорачиғидай асраш, бу борада мустаҳкам эътиқод ва чексиз садоқат кўрсатиш ғоясининг ифодаланиши бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурур туйғусини тарбиялашга замин яратаяди. Масалан, “Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас”, “Юрт кўрисанг – ўзарсан, кўримасанг – тўзарсан”.

Маълумки, аجدодларимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутган тарихий воқеа ва ҳодисаларни акс эттирувчи афсоналар ҳам халқ оғзаки ижодининг муҳим қисмини ташкил этади. Афсоналарнинг ижтимоий-тарихий жиҳатдан реаллиги қадимда яшаган халқларнинг яшаш тарзи, дунёқараши, кўнгил

кечинмалари, билим ва тушунчалари, урф-одатлари, бир сўз билан айтганда, тарихининг ифодаланиши билан қимматлидир.

Ўқитувчи афсоналар таҳлилида “Ақлий ҳужум”, “Фрейм технологияси” ёки “Кластер” усулидан фойдаланиб, уларнинг туб моҳиятини ташкил этувчи асосий хусусиятларига эътибор бериши керак. Акс ҳолда ўқувчилар афсона ҳақида тўғри маълумотга эга бўлолмайдилар.

Афсона кичик ҳажмли, мазмунан содда баён ва ҳикоя бўлиб, халқ оғзаки ижодининг қадимий намунаси сифатида ўзида муайян тарбиявий мазмунни ифода этади. Масалан, Тўмарис ҳақидаги афсона массагетлар шоҳи вафотидан кейин унинг бошлиқ бўлиши ва Эрон шоҳи Кирнинг ундан қўлини сўраб хат жўнатиши ҳақидаги хабар билан бошланади. Табиийки, Тўмарис Кирнинг ҳийласини англаб этади ва ҳақли равишда уни рад этади. Шунда Кир массагетларни ўзига бўйсундириш учун уларга қарши юриш бошлайди. Тенгсиз жангда адолат учун курашган Тўмарис мардонавор хатти-ҳаракатлари билан ғалабага эришади. Кир ўлдирилади.

Бошланғич синф ўқувчилари афсонанинг мазмуни билан биринчи маротаба танишадилар ва бу ҳол уларда қизиқиш уйғотиши табиий. Тўмарис ҳақидаги афсонани ўқувчилар чуқур ўзлаштиришлари учун ижодий иншо, давра суҳбати, мустақил иш, маъруза матнларидан фойдаланиш мумкин.

Тўртинчи синф ўқувчилари ижодий иншо ёзганда ўзлари ўқиб, ўрганган “Тўмарис” ва “Широқ” афсоналарига таянадилар. Бунда улар Ватан мустақиллиги йўлидаги қаҳрамонликларнинг бугунги кундаги аҳамиятига ҳам тўхталишлари зарур.

Албатта, халқ оғзаки ижодининг қадимги намуналари билан танишиш ўқувчига ўз халқи тарихини ўрганиш ва у билан ғурурланиш ҳис-туйғуларини уйғотиши зарур. Бундаги асосий талаблардан бири ўқитувчининг мазкур масалани чуқур англаб етиши ва ўқувчиларга тушунтириб бера олишидадир.

Туркий халқларнинг қадимий кўшиқлари, афсона ва мақоллари тарихий воқеаларни акс эттириши билан бирга айни пайтда халқнинг бадиий ижоди намуналари ҳамдир. Шунинг учун мазкур асарлар таҳлилида фақат уларнинг ғоявий жиҳатларигагина эмас, бадиий хусусиятларига ҳам тўхталиш зарур.

Қаҳрамонлик афсоналари бўлган “Тўмарис” ва “Широқ” бизга Геродотнинг “Тарих”, Полиэннинг “Ҳарбий ҳийлалар” каби тарихий манбалар орқали етиб келган. Шунинг учун 3-синф ўқиш дарсларида буюк аجدодларимиз кўрсатган қаҳрамонликларнинг миллий ғурур тарбияси билан боғлиқ ижтимоий моҳиятини очишга алоҳида эътибор бериш керак.

Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг мақол, эртак, достон, топишмоқ, кўшиқ каби намуналарида илгари сурилган ғоялар асосида миллий ғурурни тарбиялашда асрлар давомида шаклланган ўзбек халқ педагогикаси талабларига риоя қилиш қуйидагиларни тақозо этади:

- ҳар бир ўқувчини эшитган мусиқаси ёки кўшиғи, ўқиган бадиий асарлари мазмуни, ғояси ва муаллифи тўғрисида мулоҳаза юритишга ўргатиш;

- синфдан ташқари ўқиш ва мактабдан ташқари ишларда мустақиллигимиз тарихи ва истикболлари тўғрисида, маънавий-маърифий тадбирларда эса мустақилликнинг улуғвор ютуқлари юзасидан суҳбатлар ва тушунтириш ишларини олиб бориш;

- Тўмарис, Широқ, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Алпомиш, Авазхон каби халқ қаҳрамонлари мисолида ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини, ватанпарварлик ва инсонпарварлик сифатларини тарбиялаш;

- ёшларни Ватаннинг гуллаб-яшнаши ва порлоқ келажаги учун фидоийлик кўрсатиш, доим аниқ мақсад сари ҳаракат қилиш руҳида тарбиялаш.

Миллий ғурур миллатимизнинг ўтмиши, жаҳон ҳамжамиятидаги бугунги мавқеи, ёрқин келажаги, илм-фан, маданияти, спорт, санъат соҳасида эришган ютуқларимиз, асрлар мобайнида халқимиз ва ватанимиз фахрига айланган Тўмарис, Широқ, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Маҳмудхўжа Бехбудий каби буюк аجدодларимиз билан фахрланиш туйғуси билан чамбарчас боғлиқ. Дарҳақиқат, “...ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодасидир...” . [11; 83].

Биз олиб борган илмий тадқиқот жараёнида бошланғич синф ўқувчиларнинг оммавий ахборот материалларига муносабатлари қандайлигини суҳбатлар, оғзаки савол-жавоблар орқали аниқладик. Улар ахлоқий, маънавий, миллий қадриятлар, адабиёт ва санъатга доир материалларни қизиқиб ўқишар, тинглашар, томоша қилишаркан. “Одобнома”, “Жавоҳирлар сандиғи”, “Ҳадислардан намуналар”, “Ривоят”, “Ватан тимсоллари”, “Буюк келажак сари”, “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Доно бобо даврасида” каби кўрсатув ва эшиттиришлар, тарихий шахслар, буюк алломалар: Ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий ва бошқа буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижодий фаолиятлари ҳақида маълумот берувчи, шунингдек, тасвирий санъат, мусиқа асарлари, шарқона байрамлар, удумлар ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар бошланғич синф ўқувчиларининг ҳиссиётига кучли туртки бериши маълум бўлди.

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда Ватанимизда яшаб ижод этган мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятдан ҳикоялар, ривоятлар сўзлаб бериш, бугунги кун қаҳрамонлари билан ташкил қилинадиган учрашувлар, суҳбатлар болалар қалбида бир умрга муҳрланиб қолади.

3. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш модели.

Миллий ғурур – ўз юртининг тарихини билиш, миллий қадриятларни тиклаш, халқнинг маданий меросини ҳимоя қилиш ва уни келажак авлодларга авайлаб-асраб етказиш, миллат ва ватан тараққиётига хизмат қилишдир. Ўқувчи шахсида виждонийлик, ор-номуслилиқ, яқинларига ғамхўр бўлиш каби инсоний туйғулар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Бундай фазилатларни шакллантириш омилларини аниқлаш, улар устида ишлаш усул ва шакллари ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш педагог ва психолог олимлар олдидаги долзарб масалалардан саналади.

Тарбияшунослик соҳасида тадқиқотлар олиб борган Д.Рўзиева олий таълим муассасалари талабаларининг миллий ифтихор туйғуси руҳида тарбия топишларида алоҳида таъсир кучига эга бўлган “Миллатнинг шонли тарихи, ўтмиши”, “Миллий тил имкониятлари”, “Халқ қаҳрамонларининг жасоратлари”, “Миллий маданий мерос”, “Ишлаб чиқариш соҳасида эришилаётган ютуқлар”, “Оилавий сулолалар анъаналари”, “Давлат рамзлари”, “Спорт” [106; 15-16] каби омилларни кўрсатади ҳамда улардан самарали фойдаланиш зарурлигини уқтиради. Н. Орипова “Бошланғич синф ўқувчиларида ватанга эътиқодни шакллантириш” номли диссертациясида унинг манбаларини санаб ўтиб, халқ оғзаки ижодининг эртак, мақол, афсона каби жанрларига мансуб асарларини алоҳида тилга олади. Эртаклар асосида сценарийли дарсларни ташкил этишни, бунда ўқитувчининг ижодкорлик қобилияти асосий ўрин эгаллаши, дарсни лойиҳалашда ўқувчининг ёши ва индивидуал хусусиятини ҳисобга олишни, дарс самарадорлигини оширишда бошқотирма, ребус, ўйин, топишмоқлардан фойдаланишни тавсия қилади [95; 84-85].

Биз томонимиздан бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қилувчи ёндашувнинг қуйидаги: фаолиятли; муаммоли-мақсадли; тизимли; маданий; аксеологик; шахсга йўналтирилганлик каби турлари аниқланди ҳамда тадқиқот мобайнида бу ёндашувлардан бир бутунликда, ўзаро боғлиқликда фойдаланилди.

Тадқиқотимизда тизимли ёндашув етакчи роль ўйнади. Бу ёндашув бизга қайси бир фаолиятимизда турли вариантли боғлиқлик муносабатларида, қайсиларидан тизимли доимий фойдаланишимизни, қайси бирларидан эса, вақти-вақти билан фойдаланишимизни аниқлаб беради. Булардан фойдаланишда қуйидаги компонентларнинг: ўқитувчилар, ота-оналар олиб борадиган тарбия мазмуни, шакли ва тарбия методларини ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг тарбиялаш жараёнлари бир-бири билан мустаҳкам алоқада ўзаро боғлиқ бўлган яхлит ижтимоий педагогик тизим эканлигига алоҳида аҳамият берилди.

Синфни тарбиялаш тизими мактаб тарбия тизими билан мустаҳкам алоқада фаолият олиб боради. Тизимнинг ҳар бир компоненти ўз олдида аниқ мақсадни қўйган ҳолда, аниқ бир ролни бажаради. Тарбия жараёнини ташкил қилувчи ўқитувчи ва ўқувчилар тарбияловчи компонентларнинг асосийлари ҳисобланади. Замонавий таълим тизимида бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда муваффақиятли қўлланган тизимли, фаолиятли, мақсадли, муаммоли-мақсадли ва индивидуал ёндашувлар қўлланилади. Бунда муносиб равишда педагог ва ота-оналарнинг педагогик маданияти; ўқувчиларда миллий ғурурни тарбияланганлик даражасини аниқлаш учун махсус педагогик инструментлардан фойдаланиш самарали натижалар беради.

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга доир асосий методологик ёндашувларнинг айримларига тўхталамиз.

Муаммоли-мақсадли ёндашув. Мазкур ёндашувдан тарбия жараёнининг ўқитувчи томонидан тизимли бошқарилишида, ҳамда топшириқларни бажаришда фойдаланилди. Бу ёндашув бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда ўқувчилар жамоаси олдида қўйилган мақсадларни муддатида амалга ошириш ҳамда бирлаштириш имконини берди.

Фаолиятли ёндашув. Тарбияга фаолиятли ёндашув мазмунида ўқитувчи ўқувчини тарбия субъектига айлантириши, унинг асосий мазмуни “болалар ва катталарнинг олдига қўйган мақсадларини амалга ошириш учун зарурий шарт-шароитларни яратишга қаратилган биргаликдаги фаолияти” бўлиши зарур деган хулосага келдик.

Маданий ёндашув. Миллий ғурурни тарбиялашда маданий ёндашувнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у маданиятни комплекс равишда илмий билимлар ва маънавий тарбиясини қабул қилишни инсон ҳаётининг маъносига айлантиришни назарда тутди.

Шахсга йўналтирилган ёндашув. Шахснинг бетакрорлигини, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда болани тарбия жараёнининг фаол субъекти сифатида тан олишга асосланади. Бу ёндашувга мос ҳолда, ўқувчининг ички дунёсида бўлаётган ўзгаришлар: унинг маънавий ва жисмоний камолоти, миллий ғурурни тарбиялашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Аксиологик ёндашувда “ахлоқий қадриятлар инсон маданиятининг намунаси сифатида жамият томонидан қўллаб-қувватланадиган ва авлоддан-авлодга ўтадиган, инсоннинг маданий қиёфасида акс этадиган биргаликдаги фаолият” деб қаралди.

Биз бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш мураккаб тизимли, ижтимоий педагогик ва психологик фарқ қилувчи кўплаб элементлардан тузилган деб қараймиз. Бу тизим ядросининг мазмун моҳияти бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш билан характерланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқотимиз натижаси синфни тарбиялаш тизимини моделлаштириш компонентларининг оптимал таркибини аниқлаш имкониятини беради: мақсадли-баҳоли, субъект-субъектли, мазмунли, процессуал-коммуникатив, диагностик-натижали,

рефлексив-бошқарувли. Қуйида ҳар бир компонентни алоҳида кўриб чиқамиз.



3-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш модели

1. Мақсадли-баҳоли компонент ўз ичига бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш мақсадини, тарбия тизимининг етакчи ғоялари тузилишини, ўқувчи шахсида миллий ғурурни тарбиялаш мақсадига йўналтирилган вазифаларни ўз ичига олади: бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қилувчи тарбияга ягона

ёндашувни ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг изланишлари, хатти-ҳаракатларига асосланиш, ҳамда уларни фаоллаштиришга, тарбиялашга бўлган эҳтиёжни тарбиялашни назарда тутати. Шундан келиб чиқиб, миллий ғурурни моделлаштиришда унинг асосий мезонларини: “миллий ғурур ҳақида тушунчага эга бўлиш”, “аждодлар мероси ҳақида билимга эга бўлиш”, “она юртни сева олиш, юртни асраш”, “миллатлараро дўстлик ҳақида тушунчага эга бўлиш”, “она тилига муҳаббатининг мавжудлиги”, “ватанпарварлик ҳақида тушунчасининг мавжудлиги”, “инсонпарварлик ҳақида тушунчасининг мавжудлиги”, “миллий ғурур туйғусига эга бўлиш хоҳиш-истагининг мавжудлиги”, “ота-онага ҳурмат ва эҳтиром изҳор эта олиш”, “шахс ва миллат ғурурини ҳимоя қилиш” туйғуларига эгалик деб белгиладик.

Бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашни режалаштириш жараёнида давлат ва жамият талабларидан келиб чиқиши, ўқувчида тарбияланиши зарур бўлган натижаларга эришиш йўллари белгилаши кўзда тутилади.

Санаб ўтилган мезонларнинг ҳар бири ўқитувчининг мақсадли фаолияти жараёнида аниқ мазмунга эга бўлиб, алоҳида олинган таълим муассасалари, ўқувчилар жамоасининг ўзига хослигини инобатга олишни талаб этади.

Шу билан боғлиқ ҳолда бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг қуйидаги вазифалари келиб чиқади:

- болаларни инсонпарварлик тамойиллари асосида тарбиялаш;
- миллий ғурурни тарбиялашда халқнинг бой оғзаки ижодидан, миллий қадриятлари, оилавий анъаналаридан фойдаланиш;
- миллий ғурур тушунчасининг, синф жамоаси онгида ва хулқида намоён бўлишини таъминлаш;
- миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини намоёиш эта олиш учун шароит яратиш;

- синф жамоаси аъзолари ўртасида субъект-объект-субъект муносабатларини тўғри йўлга қўйиш;

- ўқувчиларнинг шахслик сифатларини қўллаб қувватлаш;

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш ўзаро муносабатларни субъект-субъект асосида қуришга ёрдам беради. Синф ўқувчилари синф жамоасининг ҳаётий фаолиятидаги субъект ривожланиши, синфдаги тарбиявий ишлар тизимини шакллантиришнинг ҳақиқий эгалари ҳисобланадилар.

Тарбия тизимини яратишдаги зарурий компонентлардан бири ота-оналардир. Улар ўқувчиларни тарбиялашда зарурий функцияларни бажаришларини профессор Н.Ортиқов шундай изоҳлайди: “...ҳар бир ота-она ўз фарзандини тарбиялашда жиддий ёндашиб, ижобий хислатларни сингдириши керак бўлади. Чунки болада ижобий, салбий хислатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Балки теварак-атрофдаги кишиларнинг, оиладаги муҳитнинг таъсирида бола тарбияланиб боради” [94; 149-150]. Ота-оналар синф моделини қуришда, ўқитувчининг йиллик тарбия иши режасини тузишда, синфнинг шонли саналарида фаол иштирок этиб, ўзларини болалари ва синф ўқитувчиси билан ахлоқий бирликда ҳис қиладилар. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш моделини қуришда синф ўқитувчисининг шахсий сифатлари алоҳида роль ўйнайди.

Ўқитувчининг педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Олий таълим концепциясида белгилаб қўйилган. “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида “Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга” [6; 21] деб, аниқ белгиланган.

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш ўқитувчидан: меҳрибонлик, аниқлик, маънавий-ахлоқий поклик, тўғрисўзлик, инсонпарварлик, ўзгаларни тушуна олиш, алтуризм,

очиққўнгиллик, толерантлик, фаол ҳаётий нуқтаи назар каби шахсий сифатларни талаб этади.

Синф тизимини моделлаштиришнинг мазмунли компоненти ярим структурали характерга эга бўлиб, тизимлаштирувчи функцияни бажаради, тарбия тизимининг яхлитлигини таъминлайди. Мазмунли компонентнинг асосини тарбия жараёни субъектларини тарбияланувчиларда миллий ғурурни тарбиялашга йўналтирилган ҳамкорликдаги фаолият ташкил қилади. Мазмунли компонент йўналтирувчи, инсон ҳаётида яшашдан маъно англатувчи, шахсий субъектив, ўзи ва бошқаларнинг яшашдан мақсадини аниқлашга қаратилган, босқичли йўлни яратиш, тарихни англаш ва келажакни тушуниш, руҳий умуминсоний қадриятларни маънавий-ахлоқий тарбияга йўналтириш, хулқ ва хатти-ҳаракатнинг қоидаси ва меъёрини билиш каби функцияларни бажаради.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган миллий ғурурни тарбиялаш дастури ўз ичига 5 та блокни қамраб олади.

Биринчи тематик блок ўз ичига “миллий ғурур илдизлари” деб номланган синф тарбия соатларидан ташкил топади.

Иккинчи блок миллий ғурур комбинацияси асосларини ўз ичига олади.

Учинчи блок - мен ватанпарварман мавзусида суҳбатлар уюштириш.

Тўртинчи блок- фахр ва ифтихор туйғусини тарбиялаш.

Бешинчи блок- миллий ғурурни тарбиялаш жараёни.

Дастур билан ишлаганда тарбиянинг мақсадга қаратилганлик, тизимлилик, изчиллик қоидаларига асосланиб ўқувчилар олдида янги вазифалар қўйилади. Уларга фахр-ифтихор ва ғурур ҳақида тушунча бериш; миллий ғурур табиати, уни амалга ошириш; ўз тақдирини ўзи белгилашини; толерантликни намоён этишини, инсоннинг ижодкор, эркин фикрловчи шахс эканлигини кўрсатиш шулар жумласидандир.

Дастурни: синф тарбиявий соатлари, ҳамкорликдаги баҳс-мунозараларда, суҳбат, ахлоқий муаммолар ечимида, амалий фаолиятда, билимдонлар баҳси каби турли шаклларда амалга ошириш тавсия этилади. Дастур асосида ишлаш бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш моделининг мазмун моҳиятини ёритиб беради.

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш ўқитувчи-ўқувчи-ота-оналар тажрибаси компонентига асосланади. Ушбу компонентни амалга оширишда биз синфнинг “Камалак” бирлашмасига асосландик. Бу ўқитувчига бошланғич синф ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш учун ўз олдига қўйилган мақсад ва натижаларга эришишда тарбиянинг турли шакл ва методларидан фойдаланиш имконини беради. Ҳаракатнинг етакчи шакллари танлашда: ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, шахсий қизиқишлари ҳамда тарбия жараёнида иштирок этаётган бошқа фан ўқитувчилари, педагогик жамоанинг ўзига хослиги каби қатор омилларга асосланилди.

Процессуал-коммуникатив компонент ўз ичига тарбиявий фаолиятнинг шакл ва методларини; синф ўқувчиларининг ўқитувчилар билан муносабати, миллий ғурурни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган коммуникациянинг ички ва ташқи боғланишларини олади. Бу компонент тизимнинг барча элементларини яхлит бир бутунликка келтиради ва ташқи муҳит билан боғлиқлиги коммуникациясини таъминлайди. Сўнгги илмий тадқиқот ишларида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда маданий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш юзасидан тадқиқотчи Р.Рустамова [105; 58] анъанавий шакл ва методлар билан бир қаторда тарбиянинг янги шакл ва методларидан фойдаланишни тавсия этади. Буларга кўрик-танловлар, мавзули кечалар, ижодий учрашувлар, баҳс-мунозаралар, экскурсиялар, муваффақиятли вазиятни юзага келтириш, амалий машғулотлар ва ҳоказоларни мисол қилиб келтиради. Бизнингча ҳам бу

методлардан фойдаланиш бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш тизимида фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.

Психолог А.В.Петровский [116; 153] муносабатларнинг учта асосий кўринишини фарқлайди. Биринчи кўриниш: юзаки бир-бирига интилиш, қизиқишларнинг умумийлиги, бир-бирига ёқишга асосланиб танлаб олиш характеридаги муносабат бўлиб, бу босқичда бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш учун ўртоқлик, дўстлик муносабатларининг шаклланиши, соғлом ижтимоий психологик муҳитнинг бўлиши талаб этилади.

Иккинчи кўриниш: шахслараро муносабатнинг шундай турики, унинг мазмунида мақсад ва умумий қадриятларнинг биргаликдаги фаолияти туради. Синфнинг тарбиявий тизими ривожланишида “Бизнинг ватан”, “Бизнинг аجدодлар”, “Менинг юртим” характеридаги тарбиявий тадбирлар, суҳбатларнинг ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай шароитда тарбия субъектлари ўзларини қулай, ишончли ҳимояланган, деб ҳис қиладилар. Ўзларининг керакли ва аҳамиятли эканликларини англаб етадилар, ўзларидаги қобилиятларини ривожлантириш имкониятига эга бўлиб, фаол нуқтаи назарга эга бўладилар.

Учинчи кўриниш: мақсадли-мазмунли бўлиб, жамоадаги ҳар бир кишининг фаолиятига бўлган муносабатлари йиғиндиси асосига қурилади. Ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг диагностик натижали компоненти ўз ичига миллий ғурурни англашга қаратилган шакл, метод ва воситаларни, натижалар мезони ва кўринишлар самарадорлигини олади.

Диагностик натижали компонент моделининг асосий элементлари қаторига: ишончлилиқ; ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш йўналиши ҳақида маълумотга эгалиқ, синф жамоасининг уюшганлигини киритиш зарурдир.

Синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш тизимидаги моделнинг самарали бўлиши, уларнинг миллий ғурур тушунчасини ўзлаштирганликлари

даражаси ўлчови ҳисобланади. Бунда биз қуйидаги мезонларга асосландик: миллий ғурурнинг синф ўқувчиларида шаклланганлиги; миллий ғурурнинг муҳим омил сифатида ривожланиши; миллий ғурурнинг хатти-ҳаракатда намоён бўлиши; миллий ғурурга қадрият сифатида ёндашув ҳаётий нуқтаи назарнинг шаклланиши.

Мезонларга мувофиқ равишда миллий ғурурнинг тарбияланганлиги ҳақида ишончли маълумот олишга хизмат қиладиган диагностик усуллар танланди.

Рефлексив бошқарув компоненти ўз ичига бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг самарали кўрсаткичларини, рефлексив асосда бошқаришни аниқлашга ёрдам берадиган мезонлар ва бошқарувни олади.

Рефлексив бошқарув мазмуни ўз ичига ахлоқий қадриятлар асосида ўз-ўзини мақсадли таҳлил қилишга, ўзининг хулқи ва ҳаракатларига жавобгарликни англашга, рефлексив технологияларига ёндашишга, ўз фаолиятини англашга ёрдам беради.

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашнинг психологик жиҳатлари ҳақида гапирилганда «муносабат» категорияси алоҳида ўрин тутди. Психология фанида бу категорияни тушунишнинг 3 хил тенденцияси кўзга ташланади. С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, В.В.Давидовлар “фаолиятли ёндашув” тенденциясини илгари суриб, инсон муносабатларини “шаклланувчи фаолият” контекстида ўрганиб, инсоннинг ташқи олам билан муносабатларини алоҳида фаолият сифатида ўрганадилар.

Сўнгги 10 – 15 йил давомида психологияда инсонни ўрганиш юзасидан кучли бурилишлар юз берди. Психология фанида плюрализм методологияси нуқтаи назаридан детерминация ғоясининг ривожланиши шахс ривожланишидаги ички қарама-қаршиликларни бартараф этишга асосланади. Бу психологияда табиий-илмий парадигма бўлиб, ўз-ўзини детерминациялашга, ўз-ўзини ривожлантиришга, ўз-ўзини фаоллаштиришга

қаратилади. Бу эса ижтимоий фанлар билан боғлиқ бўлган ривожланиш концепциясини амалиётга қатъий татбиқ этиш заруриятини келтириб чиқарди.

Б.С.Братус ўз тадқиқотларида биринчилардан бўлиб, инсон шахсининг мазмуни қадрият концепциясини ёритиб берди. Бунда инсоннинг мавжудлиги унинг бошқа инсонларга бўлган муносабатларида инсон имкониятларининг чексизлигини кўрсата олишини асослади. Олим томонидан инсоннинг нормал ривожланиши критерияларининг ишлаб чиқирилиши диққатга сазовордир. Биз учун В.Д.Щадриков ғоялари, айниқса, қадрлидир. “Ахлоқий қадриятлар, - деб ёзади олим, - маданиятнинг бир қисмидир. Тарбия-бу йўналтирилган жараён бўлиб, унда маданиятнинг бир қисми бўлган ахлоқий қадриятлар ўзлаштирилиши амалга оширилади” [145; 57].

Гештал психологиясида биз тадқиқот олиб бораётган муаммо хусусида қизиқарли ва зарурий маълумотлар бор. Унда идрок фаол функция эканлиги ҳақида хулоса берилади. Бу функция ташқи таъсир қўзғатувчиси бўлибгина қолмай, балки ташкиллаштирувчи ҳамдир.

Идрокнинг ривожланган юқори шакли тушуниш ҳисобланади. Ўрганилаётган нарса-ҳодиса, тушунчанинг таркибини фаҳмлаш, улар ўртасидаги муносабат, алоқаларни таҳлил этиш, тушунчаларнинг асосий ва иккиламчи белгиларини ажратиш, ўқув материалининг таркибий элементлари ва улар ўртасидаги боғланишларни билиш, сабабиятли алоқаларни идрок этиш тушунча даражасига кўтарила боради. Шунинг учун ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш ишини бошлашдан аввал, бу тушунчанинг заруриятининг ўқувчи томонидан англаниши ва унга эришиш учун ўқувчининг ўзи шахсий йўлини излаганидагина мақсадга эришиш имконияти юзага келади.

Ахлоқий қадриятларни тарбиялаш ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун, 20-асрда фаолият юритган, инсонпарварлик психологиясини илгари

сурган психолог олимлар тадқиқотларини кўриб чиқамиз. Оламда индивидуал мавжудлик муаммолари ва шахс шаклланиши масалалари билан шуғулланган А.Маслоу, К. Роджерс [142; 143], ўзларининг назарий ва амалий фаолиятларида инсоннинг ривожланиши мазмуни, моҳияти каби саволларга жавоб излаганлар.

К.Роджерснинг асосий илмий ғоялари шундаки, у инсонлараро муносабатларни инсонпарварлаштиришнинг зарурий шартларини очиб беради, унинг фикрича, ахлоқий муносабатлар йўқ жойдан шаклланмайди. У одамнинг шахсий тажрибаси асосида қалбида ҳосил бўлади. Олим ўз таълимотида таъкидлайдики, шахснинг ҳаётий фаолияти билан боғлиқ бўлган қадриятлар мажмуаси – таълимдаги инсонпарварлик инновацияларининг асосидир.

Психология илмида А.Маслоу ўз-ўзини фаоллаштириш назариясини яратганлиги билан машҳурдир. Олим шахс ривожланишининг асосий ғояси сифатида шахс шаклланишини, унинг шахсий имконияти ва қобилиятининг очилиши, мунтазам равишда ўзини жалб этишга интилишларини, ўз фикрини айта олиши, ахлоқий қадриятларни намоён эта олишида деб кўрсатади. У: “Инсон табиати ҳақидаги мавжуд салбий фикрлар у қадар ҳам тўғри эмас, инсон ўз маҳоратидан, қобилиятидан, имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга”, деган хулосага келади. Олим талаблар иерархиясини ишлаб чиқади ва психологик адабиётларда “Маслоу пирамидалари” номини олади. Бу Маслоунинг олий қадрият ҳақидаги қарашлари методологиясидир. Олим олий қадриятлар тизимига 15 та тушунчани киритади. Унда: тўғрилиқ, чиройлилик, яхшилик, бирдамлик, мақсадлилик, ўзини ва бошқаларни қабул қила олиш; муаммоли тафаккур эгаси, альтуризм, толерантлик каби йирик ҳаётий мақсадлар асосий ўринни эгаллайди.

Кузатишлар оилада миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларга амал қилиниши фарзандлар қалбида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, меҳр-мурувват, сабр-тоқат, жанговарлик, жасурлик, қаҳрамонлик, ор-номус, орият,

адолат, инсоф, диёнат сингари юксак инсоний фазилатларнинг қарор топишига замин яратишини кўрсатади. Зеро, куш уясида кўрганини қилади. Ўқитувчи миллий ғурур тарбиясида ўқувчиларнинг халқ оғзаки ижодининг турли жанрларига мансуб намуналари билан мактабгача давридаёқ таниш бўлганликларини эътиборга олиши, дарслик материаллари билан чекланиб қолмаслиги зарур. Негаки, бошланғич таълим ёшида болаларда халқ оғзаки ижодига қизиқиш кучли бўлади. Уларнинг ана шу қизиқишини миллий ғурур тарбиясига йўналтириш ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Муаммо юзасидан олиб борган изланишлар ҳуқуқий-демократик жамият барпо қилиш ёш бўғинни миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатди. Негаки, миллий тарбия ёшларда ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий мафкуравий онглилик, миллий одоб-ахлоқ, фидойилик фазилатларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш бу жараённинг самарадорлигини таъминловчи педагогик-психологик омилларни аниқлаб олишни тақозо этади. Олиб борилган изланишлар натижаси шуни кўрсатдики, бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- педагогик муҳитнинг мавжудлиги;
- таълим-тарбия мазмуни, шакли, усуллари ва воситаларининг миллийлиги;
- таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, мустақиллик, эркинлик, ошкоралик ва тенглик асосида ташкил қилиш;
- ҳудудий омиллар: бошланғич синф ўқувчилари яшаётган ўлка миллий қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналарига алоҳида урғу бериш;
- мактаб кутубхона фондидан унумли фойдаланиш, музейларга саёҳатлар уюштириш, миллий қадриятлар, ўзбекона урф-одатлар ва анъаналарни ўрганиш марказларини ташкил қилиш.

Ушбу омилларнинг педагогик аҳамияти, уларнинг ўзига хос хусусиятлари бошланғич синфларнинг ўқиш, одобнома дарсларида миллий ғурур туйғуларини тарбиялаш тизимини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотимиз мобайнида қўлланилган ўқувчига ёрдам бериш ва унинг қўллаб-қувватлашга розилиги, ўқувчи шахсининг кучи, потенциал имкониятларига таяниш, ўқувчининг қийинчиликларни мустақил равишда енгиб ўтишига асосланиши, ҳамкорлик, ҳамфикрлик, конфеденциаллик (анонимлик), жараёнга ва натижага рефлексив-аналитик ёндашув каби педагогик қўллаб-қувватлашни таъминловчи асосий тамойилларидан фойдаланишимиз самарали натижалар берди.

Тадқиқот ишида бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қилувчи ёндашувнинг фаолиятли, муаммоли-мақсадли, тизимли, маданий, аксеологик, шахсга йўналтирилганлик каби турларидан фойдаланиш миллий ғурур тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши ўз исботини топди.

Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди асосида миллий ғурурни тарбиялаш юзасидан олиб борган илмий изланишларимизда, хусусан, услубий тавсиялар ва намунавий дарс ишланмаларида халқ оғзаки ижоди асарларининг жанр хусусиятларини ҳисобга олиб, ўқитишнинг интерфаол усулларида фойдаланишга, дарсларда ўқитишнинг дидактик воситаларидан кенг фойдаланишга, таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларни олиб киришга алоҳида эътибор қаратдик.

Шунингдек, ўқиш ва одобнома дарсларида, тарбиявий тадбирлар мобайнида халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланганда қуйидаги умумдидактик тамойиллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди:

– таълим ва тарбиянинг бирлиги тамойили. Бунда Ватан ҳақидаги халқ оғзаки ижоди асарларини ўрганиш жараёнида уларнинг тарбиявий хусусиятларига алоҳида аҳамият бериш лозимлиги назарда тутилади;

– ўрганилаётган материалларнинг мазмуни ва ҳажми ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мослиги тамойили. У фольклор асарлари сюжетининг ўқувчиларга тушунарлилиги ва адабий қаҳрамонлар руҳиятининг яқинлигини кўзда тутди;

– илмийлик тамойили. У халқ оғзаки ижоди асарларига оид дарслик материаллари билан чекланиб қолмай, ўқувчиларда қўшимча илмий адабиётлардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга яқиндан ёрдам беради;

– мунтазамлилик, узвийлик ва изчиллик тамойили. Айрим мавзуларни ўзлаштириш (масалан, Широқ, Тўмарис ҳақидаги афсоналар) бошланғич синф ўқувчилари учун оғирлик қилиши мумкин. Шу боис ўқиш ва одобнома дарсларида ўрганиладиган баъзи мавзуларни расм дарслари билан боғлаш ўқувчилар ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Эртак қаҳрамонларининг эзгулик тантанаси йўлида олиб борган курашлардаги жасорати, Тўмарис ва Широқ, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби аجدодларимизнинг Ватан даҳлсизлиги учун бўлган жанглардаги мардлиги ёшларда ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялашга хизмат қилиши аниқланди.

Маълумки, ўтмишда кишилар асосан овчилик, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланганлар. Шунинг учун ҳар бир йигитдан отда юриш, ит ва қушлар билан ов қилиш, подани ёввойи ҳайвонлардан сақлашда кузатувчанликнинг юқори даражада бўлиши талаб қилинган. Бунинг натижасида уларда довюраклик ва жасорат тарбияси шаклланган.

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган тадбирлар мантиқи педагогика фанида мавжуд анъанавий ёндашувларни ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Янги педагогик технологияларнинг

кириб келаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори нафақат таълим самарадорлигини аниқлаш, балки бошланғич адабий таълимнинг маънавий-маърифий мазмуни, имкониятларини ҳам янги талаблар асосида махсус ўрганишни талаб қилади.

Мазкур давлат ҳужжатида кўра, бошланғич синф ўқувчиларида шакллантирилиши зарур бўлган маънавий тарбияси мазмунини белгилаш мумкин.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, кўпинча ўқиш дарсларида анъанавий таълим методлари билан чекланиш ўқувчиларга маънавий жиҳатдан таъсир этишда керакли натижани бермаяпти. Сабаби дарслардаги қуруқ расмийчилик ўқувчиларнинг туйғусига таъсир кўрсатмайди. Шундай экан, ўқитувчи ўқиш дарсларида ўқувчилар ўзлаштирган маънавий тушунчаларни уларнинг эътиқодига айлантириш чораларини ҳам кўриши керак. Шундагина дарсларнинг самарадорлиги устида гап бўлиши мумкин.

Шунингдек, бошланғич синф ўқувчилари билан маънавий-ахлоқий тарбияга оид ранг-баранг мавзуларда суҳбатлар ва диспутлар ўтказиш, шу суҳбатлардан олинган таассуротлар бўйича баҳс-мунозаралар ташкил қилиш, роли, ижодий, ишбилармон, дидактик ўйинлардан фойдаланиш, бадиий-тарбиявий кечалар уюштириш миллий ғурурни тарбиялашнинг дидактик воситаларидан ҳисобланади.

Психологик-педагогик тадқиқотларнинг кўрсатишича, бошланғич синф ўқувчилари катталарга тақлид қиладилар, улардан намуна оладилар, муомала-муносабат кўникма ва малакалари шу тариқа таркиб топтирилади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури”да кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланиб, унда: “Таълим олувчининг шахсига, унда таълим ва билимларга бўлган иштиёқни кучайтиришга, мустақил иш тутишни, ифтихор ва инсоний кадр-қиммат туйғусини шакллантириш...” зарурлиги аниқ белгилаб қўйилган [6; 54-55].

Бошланғич таълимда фаолият кўрсатаётган тарбиячи-педагогларнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини, шарқона таълим-тарбия усулларини, одоб-ахлоқ мезонларини чуқур ўрганишлари халқ таълими тизимининг долзарб масалаларидандир.

Бошланғич таълим жараёнида мумтоз адабий мерос, халқ педагогикаси анъаналаридан фойдаланишнинг кенг имкониятлари мавжуд. Ахлоқ-одоб мавзусидаги радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар, вақтли матбуот саҳифалари, турли педагогик анжуманлар, кўплаб чоп этилаётган қўлланма ва рисоаларда халқимизнинг ифтихори Ал-Хоразмий, Ал-Форобий, Ал-Беруний, ибн Сино, Аз-Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний сингари кўплаб миллий тарбия асосчиларининг асарлари ҳамда асрлар давомида миллатимиз эътиқодини шакллантириб келган Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Нақшбанд, Яссавийларнинг имон-эътиқод, ахлоқ-одоб тарбиясига доир бой маданий мерослари бу борада муҳим манба вазифасини ўтайди.

Ёш авлодда миллий ғурурни тарбиялашда тушунтириш, одатлантириш (ўргатиш), машқ қилдириш, ибрат бўлиш, ўрнак кўрсатиш, маслаҳат бериш, панд-насиҳат қилиш, яхшиликка ундаш, илтимос қилиш, тилак-истак ва миннатдорчилик билдириш, маъқуллаш, мақташ, раҳмат айтиш, дуо қилиш, олқишлаш, таъқиқлаш, қоралаш, танбеҳ бериш, узр сўраш, мажбур қилиш, уялтириш, койиш, айбига иқрор қилдириш каби усулларни қўллаш мумкин.

Шулар билан бир қаторда, болалар ўйинлари, бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи каби тўй маросимлари, дала сайли, гул сайли, туғилган кунни нишонлаш, қиз базми, келин салом, юз очиш, сумалак каби турли маросимлар, наврўз байрами, ҳосил байрами, ҳайит байрамлари, оммавий йиғин ва томошаларга қатнашиш, мустақиллик байрамини нишонлаш, меҳнат фахрийлари, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ўтказиш ҳам катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Педагогик маҳорат тажриба маҳсули бўлиб, тарбиячи-педагогнинг шахсидаги табиий имкониятлар, педагогик-психологик иқтидори, ўз ишига ўта масъулият билан қараши, болалардаги ўзгаришларни ғоятда нозиклик билан ҳис этиши ва муайян мақсад сари тўғри йўналтира олиши билан белгиланади.

Шундай экан, бошланғич таълимдаги ўқитувчи-мураббийлар педагогика ва психология фанларини мукаммал билишлари, педагогик-дидактик тамойилларга қатъий амал қилишлари, илғор педагогик технологиялардан ўринли фойдаланишлари, театр педагогикаси, нотиклик санъатига эга бўлишлари лозим.

Бошланғич таълимда миллий ғурур тарбияси билан боғлиқ таълим-тарбия жараёнини мукаммаллаштиришда психолог зиммасига ҳам катта масъулият юкланади. Психолог ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, оилавий шароитларини, билим доираси ва дунёқарашини ўрганиши, улардаги ижобий ва салбий сифатларнинг сабабларини англаши ҳамда таъсирчан омилларнинг асосий йўналишларини белгилаб олиши керак.

Муаммо юзасидан олиб борилган изланишлар бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни камол топтиришга доир таълим-тарбия жараёнида руҳшунослар қуйидагиларни амалга ошириши лозим, деган хулосага келдик.

1. Бошланғич синф ўқувчиларининг психологик хусусиятлари, қизиқишлари, майли ва иқтидорини аниқлаш.

2. Бошланғич синф ўқувчиларининг катталарга ва ўз тенгқурлари билан муомаласининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.

3. Ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжи, қизиқиш ва ижтимоий қарашлари, ҳаётга муносабатини ўрганиш асосида зарурий тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. Ўқувчиларда тежамкорлик, мол-мулкни асраш, меҳнатни қадрлаш ҳиссини шакллантириш, миллий ғурур, миллатлараро алоқа маданиятини таркиб топтиришга кўмаклашиш.

Бошланғич таълимда фаолият кўрсатувчи ўқитувчилар ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш маҳоратини такомиллаштириш учун педагоглик одоби, масъулияти, бурчи, билим ва тажрибаларини ошириш устида тинмай ишлаши тақозо этилади.

Умумтаълим мактабларининг жамоатчилик ва оталиқ ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳозирги кунда жуда долзарбдир.

“Таълим-тарбия жараёнида қатнашувчи барча субъектларнинг, - деб ёзади тадқиқотчи М.Салаева, - ўзаро самарали таъсирини таъминловчи тизимнинг барча механизмлари, таркибий қисмлари - оила, узлуксиз таълим, маҳалла жамоат бирлашмалари, жамғармаларнинг самарадорлик фаолиятини ва таъсирчанлигини кўтариш, бир-бирига боғлиқ равишдаги ягона мақсад сари йўналтирилган фаолиятини такомиллаштириш лозим” [108; 154].

Тадқиқотчининг фикрича, мактаб, академик лицей, коллеж, университет ва институтлар маданий-маърифий марказ сифатида маҳалла, оила, жамоат бирлашмалари (Камалак, Камолот) билан яқиндан алоқада бўлишлари шарт. Бу илм-фан ва маданий-маърифий масканларда ижод қилиш руҳи ижтимоий фаоллик, шахсий иштирок, ўзаро ҳамкорлик муҳитининг яратилиши, бир тарафдан, мустақил фикр юритувчи шахсни тарбиялашга, иккинчи тарафдан, янги ижтимоий муҳит, тафаккурнинг шаклланишига олиб келади.

Демак, умумтаълим мактаблари, маҳалла қўмитаси, мактаб ва оталиқ ташкилотларининг ҳамкорлиги умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг миллий ғурур тарбиясида ҳамда ватанпарварлик сифатларини камол топтиришда ижобий ҳал этувчи омил ҳисобланади.

Бошланғич таълим тизимида ўқувчиларни халқ оғзаки ижоди воситасида миллий ғурурни тарбиялашда муайян самараларга эришиш учун ўқувчиларнинг қуйидаги талабларга жавоб бериш кўзда тутилади:

- ўқиш техникасини ўзлаштириш жараёнида тарихий маълумотларни ҳаётий воқеалар билан қиёслаш малакаларини эгаллаш;

- бадий асарларни, шу жумладан, халқ оғзаки ижоди намуналарини таҳлил қила олиш;
- миллий ғурур тушунчаси билан боғлиқ мавзулар таҳлилида бурч, вазифа, адолат, виждон ҳақида фикр юрита олиш;
- мулк ва мулкӣ муносабатларни билиш;
- ота-она ва Ватан олдидаги бурч тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;
- Ватанӣмизнинг бир парчаси бўлган атрофӣмиздаги олам ҳақида тушунчага эга бўлиш, уларнинг давлат томонидан муҳофаза қилинишини билиш.

Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда халқ оғзаки ижодига мансуб асарлардан фойдаланиш йўллари ва воситалари хилма-хилдир. Халқ оғзаки ижодининг мақол, эртақ, достон, топишмоқ, қўшиқ каби адабий жанрларига мансуб намуналарида, шунингдек, жаҳон адабиёти асарларида ҳам миллий ғурур ва миллий ифтихор масалалари кенг ўрин эгаллайди. Бошланғич таълим тизимида ўқувчиларнинг миллий ғурурга онгли муносабатини тарбиялаш таълим самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилдир.

ХОТИМА

“Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди асосида миллий ғурурни тарбиялаш” муаммоси бўйича олиб борилган изланишларнинг натижалари юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бошланғич синфлардан бошлаб ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялаш муаммоси замонавий педагогиканинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

2. Бошланғич таълим тизимида миллий ғурур тарбиясининг юксак даражада эътироф этилишига сабаб шуки, миллий ғурури бор инсон келажакда нафақат ўз кадр-қиммати, балки бошқаларнинг ҳам кадр-қимматини ҳам идрок этади, ор-номусини пок сақлайди ва баланд тутеди,

ёлгон ваъдаларга учмайди, ҳар хил оқимларга қўшилиб кетмайди, ўз бахт-саодати, Ватан равнақи йўлида хизмат қилишни инсоний бурчи деб билади, ноҳақлик ва адолатсизлик билан келишмайди, тажовузкорликка бўйин эгмайди. Шунга кўра айтиш мумкинки, миллий ғурурга эга бўлиш маънавий камолот асосларидандир.

3. Миллий ғурур тарбиясини муваффақиятли амалга ошириш бошланғич таълим бўғинида фаолият кўрсатаётган ҳар бир педагогдан миллий ғурур тушунчасининг мазмун-моҳиятини теран ўзлаштиришни, уни амалга оширишнинг самарали йўллари, шакл ва усуллари чукур тушунишни талаб этади.

4. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашда энг аввало, мазкур жараённинг амалга ошиши ва натижасига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисобга олиш билан боғлиқдир. Ана шундай заруриятдан келиб чиққан ҳолда, биз “Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш омиллари тизими”ни ишлаб чиқдик.

4. Миллий ғурур тарбияси билан боғлиқ бўлган юксак эътиқод, ватанпарварлик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик, тадбиркорлик, мардлик, жасурлик, миллий тафаккур, метин ирода каби фазилатлар халқ оғзаки ижоди асарлари мазмунида чукур ифодаланганлиги миллий қадрият ва анъаналар, урф-одат ва удумлар чинакам ибрат намунаси вазифасини ўтайди.

5. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурнинг тарбияланганлик даражасини аниқлашда кузатиш, таҳлил қилиш, қўллаб-қувватлаш, ишонч билдириш, рағбатлантириш муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Бу борада ўқиш, одобнома, атрофимиздаги олам, она тили, Конституция сабоқлари дарсларигина эмас, балки синфдан ва мактабдан ташқари ишлар, байрам тадбирлари, тарбия соатларидан унумли ва ўринли фойдаланиш ижобий натижалар беради.

6. Бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қилувчи яратилган модел тизимлиги, амалий йўналганлиги,

динамиклиги, ўзаро фаолият тажрибаларини бойитишга қаратилганлиги, шунингдек, барча умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг ҳаётига жорий қилиш имкониятининг мавжудлиги билан аҳамиятлидир.

ТАВСИЯЛАР

Муаммо юзасидан олиб борилган изланишлар натижасида ўқувчиларда миллий ғурур тарбияси билан боғлиқ ватанпарварлик сифатларини камол топтиришда қуйидаги тавсияларни амалга ошириш зарур, деган хулосага келдик:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, шаҳар, вилоят, туман халқ таълими бошқармалари бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга оид яратилган методик қўлланмаларнинг амалиётга жорий этилишига амалий ёрдам кўрсатишлари.

2. Ўқиш, одобнома, атрофимиздаги олам каби фанларнинг ўқув дастурлари, дарсликлари ва ўқув қўлланмалари мазмунида, шунингдек, мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари иш режалари мазмунида бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялаш имкониятларини таъминловчи материалларнинг мавжудлиги таъминлаши мақсадга мувофиқ.

3. Оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио, матбуот) саҳифаларида миллий ғурурни тарбиялашга хизмат қилувчи материалларнинг бериб борилишига эришиш.

4. Умумтаълим мактаблари қошидаги “Камалак” болалар ташкилотлари иш режасида бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга қаратилган тадбирлар мажмуасининг ўрин олишига эришиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент : Ўзбекистон, 1995. – 144 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Тошкент : Ўзбекистон, 1996. – 362 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.– Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 328 б.
6. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи) – Тошкент: Шарқ, 1998. – 64б.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин. // Тафаккур. – Тошкент, 1998. – 2-сон.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. // 6-жилд, – Тошкент: Ўзбекистон, 1998, – 431 б.
9. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. // 7-жилд, – Тошкент: Ўзбекистон, 1999, – 413 б.
10. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тўлдирилган 2-нашри. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2000. – 248 б.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 56 б

13. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

14. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 39 б.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент, 1997. – 64 б.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумиллий дастури тўғрисида”ги Фармони. // Маърифат. – Тошкент, 2004. – 22 май.

17. Абдувахобов У. Шахс (Комил инсон ҳақида). – Тошкент: Ватан, 1996. – 20 б.

18. Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисодий тафаккур. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 104 б.

19. Абдурахимов М. Ўзбек топишмоқлари, – Тошкент: Ўқитувчи, 1991.

20. Абдурахимова Д. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ахлоқий руҳда тарбиялашда халқ эртакларидан фойдаланиш. Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 171 б.

21. Абдуллаева Қ., Юсупов.М., Махмудова. М., Рахмонбекова. С., Ўқиш китоби, 2-синф учун. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – 162б.

22. Абдуллаев Х. Этнопедагогика 1-қисм. Фарғона: ФДУ, 1994 й,

23. Абдуллаев Х. Этнопедагогика 2-қисм. Фарғона: ФДУ, 1994.

24. Абу Райҳон Беруний. Минерология. Танланган асарлар, 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1968.– 488 б.

25. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар, 1-том. – Тошкент, 1968.

26. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.– 237 б.
27. Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1999. – 198 б.
28. Алқаров И., Маматқулова Р., Норқулов Ҳ. Шахс ва оила тарбиясининг педагогикаси. – Тошкент: Фан ва технология, 2009. –220 б.
29. Алимардонова О., Назарова К. Ватан туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
30. Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадият (Ватан фидойилари). – Тошкент: Академия, 2000. – 630 б.
31. Алимов Х. Миллийлик ва ижтимоий руҳият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 70 б.
32. Акрамова Г.Р. Бошланғич синф ўқувчиларида толерантлик тушунчаларини шакллантиришнинг дидактик асослари. Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 158 б.
33. Асқарова Ў. Меҳрибонлик уйлари ўсмирларида миллий ғурурни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари. Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2001. – 112 б.
34. Азимов Э. Амир Темур салтанати. Маъсул.муҳар. Ф. Шарипов. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 88 б.
35. Азизходжаева Н.Н. Основные тенденции развития высшего педагогического образования в Узбекистане. Автореф. Дисс.докт.пед.наук. – Москва, 1991. – 35 с
36. Ат-Термизий, Абу Исо. Аш-шамойил ан-Набавия (таржимон ва Кириш сўзи муаллифи У.Увватов). – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 112 б.
37. Атаджанова Ш.А. Оилада ўспирин ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Пед.фан.ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 19 б.
38. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 432 б.

39. Баратов Ш. Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 52 б.
40. Бегматов А. Тарбия жараёни ва педагогик диагностика. // Халқ таълими. – Тошкент, 2007. – 5-сон.
41. Бошланғич таълим. Таълим тараққиёти. 7-Махсус сон. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1999. – 480 б.
42. Боймуродова Г. Бошланғич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг технологик тизими. – Тошкент: Фан ва технология, 2007. – 80 б.
43. Воҳидов Э. Ишқ савдоси. Сайланма. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 236 б.
44. Выготский Л.С. Психология развития ребёнка. – Москва: Смысл. – 2005. – 512 с.
45. Давлетшин.М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 30 б.
46. Жаҳонгиров Ғ. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 123 б.
47. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – 208 б.
48. Жўраев А. Тарбиявий дарсларни ўтиш учун синф раҳбари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 134 б.
49. Жўраев Н. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўйин ва ўқиш мотивларини ўрганиш. // Педагогик таълим. – Тошкент, 2008. – 4-сон.
50. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: Фан, 1991 й. – 230 б.
51. Зуннунов А. ва бошқалар. Педагогика. – Тошкент: Ўқитувчи, 2004. – 259 б.
52. Зиёмуҳаммедов Б. Педагогик маҳорат асослари. – Тошкент: Тиб-Китоб, 2009. – 184 б.

53. Зиёмухаммедов Б., Абдуллаева Ш. Педагогика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат нашриёти, 2000. – 259 б.
54. Иброҳимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 398 б.
55. Иброҳимов А. Миллат овози. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 2003. – 240 б.
56. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 240 б.
57. Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 1999. – 152 б.
58. Иномова М. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари . Пед.фан.док. ... дисс. – Тошкент: 1998. – 274 б.
59. Иноятова И. Ўзбек оилавий фаолиятида халқ ижодиёти. Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 1994. – 247 б.
60. Исмоилова З.К. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг назарий ва экспериментал методик асослари. (“Миллий истиқлол ғояси, асосий тушунча ва тамойиллар” асари асосида) Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2006.
61. Исмоилова М.Э. Халқ қўшиқлари воситасида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш. Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 127 б.
62. Йўлдошев Ж. Таълим янгиланиш йўлида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – 208 б.
63. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 102 б.
64. Йўлдошева Р. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992 .
65. Каримов И. Миллат шаъни. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.–24 б.

66. Комилова Г.О. Мактабгача ёшдаги (5-6 ёш) болаларга экологик тарбия беришда халқ топишмоқларидан фойдаланишнинг педагогик имкониятлари. Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 159 б.

67. Мавлонова Р., Тўраева О., Холикбердиев К. Педагогика. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008 йил. – 495 б.

68. Мавлонова Р., Воҳидова Н., Раҳмонкулова Н. Педагогика назарияси ва тарихи. – Тошкент: Фан ва технология, 2010 йил. – 464 б.

69. Мавлонова Р., Нормуродова Б., Раҳмонкулова Н. Тарбиявий ишлар методикаси. – Тошкент: Фан, 2007. – 320 б.

70. Маматов М. Миллий психологик қиёфа ва унинг хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1990. – 120 б.

71. Матчонов С., Шожалилов А., Ғуломов Х., Сариев Ш., Долимов З. Ўқиш китоби (4-синф). – Тошкент: Ўқитувчи, 2011. – 336 б.

72. Матчонов С., Шожалилов А., Воҳидова Н., Одамова Ў. Тўртинчи синфда ўқиш дарслари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – 144 б.

73. Matchonov S., G'ulomova X., Suyunov M., Boqiyeva X. Boshlang'ich sinf o'qish darslarini pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etish. –Т.: Yangiyo'l poligraf servis, 2008. – 224 b.

74. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Тошкент: Фан, 1994. – 134 б.

75. Маҳкамов У. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед.фан.док. ... дисс. – Тошкент, 1993. – 332 б.

76. Маҳкамов У. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари, – Тошкент: Фан, 1996. – 200 б.

77. Мелибоев А. Ватан саодати (Миллий мафкура ва тараққиёт масалалари). – Тошкент: Шарқ, 1998. – 208 б.

78. Мирзалимов Б.Ш. Ёшлар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг педагогик асослари. (Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти мисолида) Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 159 б.

79. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 183 б.
80. Миртурсунов З.Ф. Ўзбек халқ педагогикаси. – Тошкент: Фан, 1973. – 212 б.
81. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 235-236 б.
82. Мусурмонова О. Ҳадислар маънавият манбаи. – Тошкент: ЎзПФИТИ, 1992. – 20 б.
83. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед.фан. док... дисс. – Тошкент, 1993. – 364 б.
84. Мусурмонова О. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 192 б.
85. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000. – 200 б.
86. Мусурмонова О., Абдурахимова Ф. Маҳаллада қизларнинг соғлом турмуш тарзи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 168 б.
87. Мунавваров А. Оила педагогикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 112 б.
88. Муқимова Д. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида миллий ўзликни англаш туйғуларини шакллантиришнинг педагогик асослари (Тарих фанлари мисолида). Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 125 б.
89. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 302 б.
90. Норбоева Ф.Р. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-9-синф ўқувчиларида миллий онгни шакллантиришнинг педагогик асослари (Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари ўқув фани мисолида). Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2003. – 140 б.

91. Норкулов Х.Д. Ота-оналарнинг ғоявий тарбиявий билимларини оширишнинг ижтимоий педагогик асослари. Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 134 б.

92. Нишонова С. Шарқ уйғониш даври педагогик тараққиётида инсон тарбияси. Пед.фан.док. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 288 б.

93. Нишонова С. Маънавият дарслари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 320 б.

94. Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш. Пед.фан.док. ... дисс. – Тошкент, 2000. – 305 б.

95. Орипова Н.Х. Бошланғич синф ўқувчиларида ватанга этиқодни шакллантириш. Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 122 б.

96. Орипов А. Ёиллар армони. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – 394 б.

97. Очил Сафо. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 256 б.

98. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 136 б.

99. Очилов М. Муаллим – қалб меъмори. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – 430 б.

100. Отамуратов С., Раҳимов Ж., Хусанов С. Маънавият асослари. – Тошкент, 2000. – 228 б.

101. Отажонова Ш. //Болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ота-она. Халқ таълими. – Тошкент, 1998. – 3-сон.

102. Раззоқов Х., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 360 б.

103. Раҳимов Ж. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарихий ўлкашунослик манбааларидан фойдаланишнинг педагогик асослари. Пед.фан.ном. ... дисс.. – Тошкент, 1996. – 151 б.

104. Реджабоев А.Д. Ёшларни миллий истиқлол ғояси асосида ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика қуролли кучлари бош қўмондони академик И.А.Каримов асарлари мисолида) Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 204 б.

105. Рустамова Р.Ш. Талаба ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда маданий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш омиллари. Пед.фан.ном. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 132 б.

106. Рўзиева. Д. Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари. Пед.фан.док. ... дисс. автореферати. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2007. – 28 б.

107. Рўзиева. Д. Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари. Пед.фан.док. ... дисс. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2007. – 315 б.

108. Салаева М. Ўзбек педагогикаси тарихини давраштиришнинг назарий-педагогик асослари. Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2008. – 180 б.

109. Тешабоев А. Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда фольклор асарларидан фойдаланиш. Пед.фан.ном.... дисс. – Тошкент, 1995 . – 124 б.

110. Туленов Ж., Ғафуров З. Фалсафа. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 384 б.

111. Туленов Ж., Ғафуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 253 б.

112. Тўраева О. Донолар ҳикмати – ҳаёт зийнати. – Тошкент: Ўқитувчи, 2011. – 160 б.

113. Тўрақулов Х., Алқаров И., Усманов Н. Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар. – Тошкент: Фан ва технология, 2008. – 116 б.

114. Усмонов С. Бошланғич синфларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг педагогик асослари. Пед.фан.ном.... дисс.— Тошкент, 2004. — 140 б.

115. Умарова М., Ҳакимова Ш. Ўқиш китоби. Умумтаълим мактабларининг 3 синфи учун дарслик. — Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. — 240 б.

116. Умумий психология. А.В.Петровский., Брушлинский А.В., В.П.Зинченко. — Тошкент: Ўқитувчи, 1992. — 512 б.

117. Шодмонова Ш. Оилада кичик мактаб ёшидаги болаларни миллий қадриятлар асосида ахлоқий тарбиялашнинг педагогик асослари. Пед.фан.ном.... дисс. — Тошкент, 2001. —151 б.

118. Ўзбек педагогикаси антологияси. (Тузувчи-муаллифлар: К.Ҳошимов, Сафо Очил). 1-жилд, — Тошкент: Ўқитувчи, 1995. — 464 б.

119. Ўзбек педагогикаси антологияси. (Тузувчи-муаллифлар: Сафо Очил, К.Ҳошимов). 2-жилд, — Тошкент: Ўқитувчи, 1999. — 478 б.

120. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” ги ПҚ 451-сонли қарори. // Халқ сўзи. — Тошкент, 2006. — 26 август.

121. Қодирова М. Халқ педагогикаси ёш авлодни тарбиялаш манбаидир. // Педагогик таълим, — Тошкент, 2007. — 1-сон.

122. Қурбонов Т. Миллий тарбия мезонлари. // Халқ таълими, — Тошкент, 1995. — 1-2-сонлар.

123. Қуронов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари. Пед.фан.док.... дисс.— Тошкент: ЎзПФИТИ, 1998. — 316 б.

124. Қурбонов Ш.Э. Непрерывное образование в национальной модели по подготовке кадров. Монография.— Ташкент, 2000. — 115 с.

125. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. ва бошқ. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндошувлар. – Тошкент: Академия, 2002. – 280 б.

126. Қурбонниёзова З. Тарбиявий ишлар жарёнида ўқувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари. (Қорақалпоқ мактабларининг 7-9-синфлари мисолида). Пед.фан.ном.... дисс.автореферати. – Тошкент, 2002. – 24 б.

127. Қурбонниёзова З. Тарбиявий ишлар жарёнида ўқувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари. (Қорақалпоқ мактабларининг 7-9-синфлари мисолида). Пед.фан.ном.... дисс. – Тошкент, 2002. – 148 б.

128. Ғозиев Э. Психология. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 224 б.

129. Ғозиев Э., Ҳасанов Б. Психология муаммолари. – Тошкент: Университет, 1999. – 256 б.

130. Худойбердиев И. Ислом, шахс ва миллий психология. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 70 б.

131. Ҳайдаров М.Э. Меҳнат тарбияси воситасида халқ анъаналаридан фойдаланишнинг назарий ва амалий асослари. Пед.фан.док.... дисс.автореф – Тошкент: ЎЗРДТДК, 2001. – 47 б.

132. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Тошкент: Фан ва технология, 2008. – 476 б.

133. Ҳасанбоева О. ва бошқалар. Одобнома: 1-4-синфлар учун ўқитиш методикаси. – Тошкент: Билим, 2003. – 224 б.

134. Ҳасанбоева О. Шомарибходжаева Г. Тарбиявий ишларни ташкил этиш методикаси. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2005. – 87 б.

135. Ҳасанбоев Ж. Педагогика тарихидан христоматия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 208 б.

136. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Ҳасанов Р. Педагогика тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 448 б.
137. Ҳошимов Ў. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. Тўлдирилган ва қайта ишланган нашри. – Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2005. – 272 б.
138. Ҳомидов Ҳ. Қирқ беш аллома ҳикояти. – Тошкент: Фан, 1995. – 177 б.
139. Холмирзаев Э.Ж. Бошланғич синф ўқувчиларида меҳнат анъаналарига қизиқишни шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед.фан.ном.... дисс. – Тошкент, 2007. – 149 б.
140. Холиқов Д. Оилавий таълим: назария ва амалиёт. – Тошкент: Фан ва технология, 2010. – 176 б.
141. Ҳусайнова З. Ўзбек топишмоқлари. – Тошкент: Фан, 1966. – 45 б.
142. Маслоу А. Самореализация: Пер. с англ. // Тексты. – Москва: Просвещение: 1982. – 132с.
143. Роджерс К. Эмпатия: Пер. с англ. // Психология эмоций: тексты. – Москва, – 1984.
144. Шаханович М.И. Перво. миф. и фил. – Л,1971.
145. Щадриков В.Д. Качество образования и образовательный стандарт // Тез. докл. межд. конфер. “Качество высшего образования: требования к уровню и оценке подготовки специалистов в высшей школе”. – Новгород: НГУ. – 1995. – 225 с.
146. Щуркова Н.Е. Классное руководство: теория, методика, технология. - Москва: Пед. общество России. - 2000. – 256 с.
147. Юнг К.Г. Аналитическая психология: прошлое и настоящее /Сост. В. Зеленский, А. Руткевич. – Москва: Мысль. – 1997. – 320 с.

ИЛОВАЛАР

1-илова

1- 4 синфларда миллий ғурурни тарбиялашга доир қўшимча материаллар

Бошлангич таълимда ўқиш дарслари мазмунининг негизини бадиий асарнинг “мавзу доираси: ватан, ватан ўтмиши, ҳозирги тараққиёти, келажаги, буюк алломалар, тарихий шахслар, халқ қаҳрамонлари, илм-фан, маърифат, маданият, тенгдошлари ҳаёти, мавсумий ўзгаришлар, “бадиий асарларни ўзаро қиёслаб, тегишли хулосалар чиқариш”, 1-синф халқ оғзаки ижодига доир “эртак, топишмоқ, мақол, ривоят, тез айтиш” каби жанрларни фарқлаш, 2-синфда “эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, ривоят, ҳикоят, масал, халқ қўшиқларини”, 3-синфда “эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, ривоят, достон, ҳикоят, масал, латифа, ибора, афсона, халқ қўшиқлари”ни, 4-синфда “эртак, топишмоқ, мақол, тез айтиш, ривоят, достон, ҳикоят, масал, латифа, лоф, ибора, афсона, халқ қўшиқлари”ни ўрганиш белгилаб қўйилган. Бу жанрдаги асарлар нафақат халқ оғзаки ижоди бўлимида, балки бошқа бўлимларда ҳам ўрганилади.

1-синф “Ўқиш китоби” дарслигида “Халқ ўғити – бахт калити” бўлими ва бошқа бўлимларда “Шер ва сичқон”, “Маймун ва дурадгор”, “Ростгўй бола”, “Лайлак келди – ёз бўлди” асарлари, Амир Темур ҳақида “Ривоят”,

А. Навоий ҳақида “Нон иси”, “Шоҳ ва шоир”, “Юрак (Ривоят)” каби халқ оғзаки ижоди намуналари берилган. 2-синфда “Қуёшбобо нурлари”, “Мақтанчоқ айиқ”, “Нима тотли?”, “Бахтли бўлиш осонмас”, “Кўнгилчан ўтинчи”, “Қуёнча ва айёр тулки”, “Ўтинчи йигит билан Шер”, “Уртўқмоқ”, А. Авлониининг “Оқкўнгил чол ва хасис бой” (адабий эртак), “Кўп кўрган кўп билади”, “Саноғидан адашмади”, “Сумалак” (Ривоят), “Шамол ботир”, “Ўхонарли киши хор бўлмас”, “Дехқонбобо” каби эртаклар; 3-синфда халқ қўшиқлари, “Ботир мерган ва чақимчи”, “Ҳалоллик”, “Чумоли ва типратикон”, “Донишманд йигит”, “Чўпон йигит Широқ”; адабий достонлар

ва масаллар Т.Адашбоев “Олтин ёлли тулпор”, “Қайсар бузоқча”, “Ноаҳиллик оқибати” асарлари; 4-синфда “Халқ оғзаки ижоди” бўлими ва бошқа бўлимларда “Бойчечак”, “Офтоб чиқди оламга”, “Хўп ҳайда”, “Давлат”, “Очкўз бой”, “Кўзача билан тулки”, “Илм афзал”, “Ҳийлагарнинг жазоси”, “Ҳунарсиз киши ўлимга яқин”, “Зийрак уч йигит” эртаклари, “Тўмарис”, “Ҳиди, таъми ва мазасидан” ривояти берилган.

Бошланғич синф ўқиш китобига киритилган эртак, ривоят, ҳикоятлар ўқувчиларда ўтмишдаги халқ ҳаёти, улуғ алломалар, олимлар, давлат арбоблари, уларнинг Ватан ҳимояси ва равнақи учун қилган ишлари ҳақида маълумот беради. Ўқувчиларда улар билан фахрланиш, миллий ғурур туйғусини уйғотади ва миллий ғурур туйғусини ўстириб боради. 1-синфда кичик ҳажмдаги биргина воқеа ҳикоя қилинган асарлар ўқилса, 2-4-синфларга ўтган сари миллий ғурурни ўстиришга хизмат қилувчи асарлар миқдор жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам кенгайиб, чуқурлаштириб борилган. Лекин ўқиш китобига ва синфдан ташқари ўқишга қуйидаги эртак, ривоят ва ҳикоятлар киритилса мукамалликка эришилган бўларди. 2-синфда “Сахий”, “Берунийнинг дам олиш кунлари”, 3-синфда “Порлоқ юлдуз” Тамила Қосимова, Пирмат Шермуҳамедовнинг “Абу Райҳон Беруний”, “Қирқ тилла ва қароқчи”, “Ибн Сино”, “Ёлғончининг изза бўлиши”, “Бош ва тил”, “Алишер билан деҳқон”, “Ғор топилди”, “Бобур мирзо”, “Улуғбек ва ўғли Абдураҳмон” каби эртак, ривоят, ҳикоятлар ва адабий эртаклари.

2-синф учун:

Сахий

Муҳаммад Авфий

Ҳотамтойдан: Ўзингдан ҳам сахийроқ одамни учратганмисиз? — деб сўрабдилар.

Ҳотамтой:

— Ҳа, кўрганман, — деб жавоб берибди.

– Қаерда кўргансиз?

– Чўлда кетаётганимда узоқдан кўзимга икки хонадан иборат кўримсизгина бир кулба, кулбанинг олдида боғлаб қўйилган бир эчки кўринди. У ерга етиб борганимда от дукурини эшитиб, ичкаридан бир мўйсафид менга пешвоз чиқди ва отдан тушишимга ёрдам қилди. Бир оздан кейин унинг ўғли келиб очиқ чехра билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Мўйсафид ўғлига қараб:

– Болам, ўша эчкини бисмил қилиб таом ҳозирла, меҳмонни зиёфат қилиш керак, – деди.

Ўғли:

– Ижозат беринг, аввал бориб ўтин териб келай, – деди.

Мўйсафид:

– Сен чўлга бориб, ўтин олиб келгунингча вақт кетади. Меҳмонни оч олиб ўтириш одобдан эмас, – деди.

Мўйсафиднинг иккита найзаси бор экан. Ўша найзасини тиззасига бир уриб синдирди. Эчкини сўйди ва бирпасда овқат тайёрлаб дастурхонга олиб келиб қўйди.

Уйнинг у ёқ-бу ёғига разм солиб қарадим, унинг бутун бор-йўғи шу найзагина экан, уни ҳам меҳмоннинг пойқадамига нисор қилди.

Чолдан сўрадим:

– Мени танийсизми?

Чол:

– Йўқ, танимайман, – деди.

– Мен Ҳотамтой бўламан, саройимга кел, бу қилган яхшиликларингнинг ҳиссасини чиқарай, – дедим.

Бунга жавобан чол:

– Биз меҳмондан зиёфат пул олмаймиз, – деди ва шунча қилсам ҳам ҳеч қандай ҳадя қабул қилмади.

Мен мана шу мўйсафидни ўзимдан сахийроқ деб биламан.

БЕРУНИЙНИНГ ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ

Беруний йилига икки мартагина дам оларкан. Биринчиси Наврўз бошланган куни, иккинчиси бугдойга биринчи ўроқ тушганда.

Дилларни хушнуд этиб Наврўзи олам етиб келган куни эрта тонг ўринларидан туриб, ювиниб-тараниб, яхши либосларини кийиб, қариндош-уруғларни, кейин ёр-у биродарларни зиёрат қилиб, ҳолидан хабар олар экан. Улар билан бирга бўлиб суҳбатлашар, ҳазил-мутойиба қилар, аскиялар айтишар эканлар. Кейин то қош қорайгунча кўш кўшишар, ерга биринчи омоч солишда қатнашар, ниҳол экишаркан...

Ҳол-аҳвол сўраганларга:

– Дам олиб, ҳаёт лаззатини тотиб кўрмоқдаман, – деб жавоб берар эканлар.

Бошоққа биринчи ўроқ тушган куни ҳам деҳқонча либос кийиб олиб, кўлларига ўроқ тутиб азондан то кечгача бугдой ўрар эканлар. Ўтган-кетганлар: “Ҳорманг”, – деганда: “Бор бўлинг”, – деб жавоб берар эканлар. Қаранг-а, улуг аллома, китоб ёзиш, тажриба ўтказишдан йилига икки кун вақт ажратиб, азондан то кечгача кўш кўшиб, шудгор қилишни, ўроқ ўришни ўзлари учун дам олиш деб билар эканлар.

Ҳа, Беруний: “Бир дақиқа вақтни беҳуда ўтказганим – ҳалок бўлганим”, – дер экан.

3-синф учун:

ҚИРҚ ТИЛЛА ВА ҚАРОҚЧИ

Абдулқодир Филоний болалигида жуда яхши ўқир эди. Бир куни у онасидан катта шаҳарга бориб ўқишга рухсат сўради.

– Қаерда ўқимоқчисан? – деди онаси.

– Бағдодда, – деди Абдулқодир.

– Нега?

– Чунки Бағдодда илм кўп, – деди Абдулқодир жовдираб.

Онаси Абдулқодирнинг Бағдодга бориб ўқишига рози бўлди. Она ўғлини қаттиқ севар, ўғли ўқишга кетиб қолса, ўлаёзишини яхши биларди. Аммо Абдулқодирнинг илмга қизиқишини сўндиргиси келмади. “Бу ерда кўча чангитиб юргунча чуқур билимли бўлгани яхши-ку!” деб ўйлади ва Бағдодда яшаши учун унга қирқ тилла пул берди. Бу олтинларни йўқотиб ё ўғирлатиб қўймасин деган хаёл билан хирқасининг ичига жойлаб тикиб ташлади. Ўғлини йўлга солаётганда:

– Ўғлим, ҳеч қачон ёлғон сўйлама. Тилингни ҳеч қачон тўғрилиқдан четга бурма! – деб насиҳат қилди.

Кейин она-бола хайрлашдилар. Абдулқодир бир карвонга қўшилиб йўлга чиқди. Бир куни кимсасиз саҳрода беҳосдан олтмиш нафар отлиқ карвоннинг йўлини тўсди. Булар қароқчилар эди. Карвоннинг обдан титиғини чиқаришди. Қароқчилар бошлиғи уч-тўрт йигити билан болага қичқирди:

– Наридур, ҳей... сенинг ниманг бор, киминг бор бу ерда?

– Ҳеч кимим йўқ... Аммо қирқ тиллам бор! – деди Абдулқодир.

Улар хахолаб кулишди ва:

– Болада қирқ тилла нима қилади! – деб гапини ҳазилга йўйиб, ўтиб кетишди. Яна бир бошқа қароқчи унинг бошига келди:

– Менинг қирқ тиллам бор, – деди кулиб Абдулқодир. Бу қароқчи ҳам кўлини силкиб, жилмайганча ўтиб кетди.

Учинчи бир қароқчи:

– Ҳей, йўлда нега серрайиб турибсан! Қоч! – деди дўк уриб.

– Менинг қирқ тиллам бор, – деди яна Абдулқодир.

– Нима деяпсан?

– Қирқ тиллам бор?..

Қароқчи болани кўлидан етаклаб, бошлиқнинг ёнига олиб борди:

– Бу бола, қирқ тиллам бор деяпти...

Бошлиқ уни олдин ҳам кўрган эмасми, аввал жилмайди:

– Қаерда қирқ тилланг? – деди хахолаб.

– Хирқамнинг ичида!

Бошлиқ амр қилди, хирқани сўкдилар, қирқ тилла чиқди.

– Нега тўғрисини айтдинг? Ёлғон сўзлаб кетаверсанг бўларди-ку?

– Мен онамга: “Ҳеч ёлғон сўйламайман”, – деб сўз берганман-да!

Қўли қонли, қалби гуноҳ билан тўла бошлиқ болага қараб туриб бирдан кўзлари ёшланди. Марвариддай бир томчи юзларидан думалаб кетди. Бирдан бутун вужуди марҳаматга тўлди.

– Қаранглар! Бу бола онасига берган сўзида туриб, сўзига амал қилди. Биз эса, неча марта кўлга тушамиз. Неча марта, ортиқ қароқчилик ё ўғрилиқ қилмайман, деб ваъда берамиз. Аммо сўзимизга хиёнат қиламиз. Нима биз шу болачалик тўғри ва кўркмас бўлолмаймизми? – деди ва шарт ўрнидан туриб:

– Йўқ, сизлар нима қилсанглар қилаверинглар, аммо мен энди қароқчилик қилолмайман. Тавба қилдим! – деди.

Бошқа қароқчилар:

– Бугунгача йўлтўсарлик, зўравонлик, талончиликда бизга бошчилик қилдинг, энди тавбада, яхшиликка қайтишда ҳам бошлиғимиз бўлиб қол, – дедилар.

Бошлиқ амри билан карвондан олганларини эга-эгасига қайтаришди. Ҳаммалари ўша кундан бошлаб ҳалол меҳнат қилишга ўтишди.

Ана шунақа! Сўзда туриш, тўғрилиқ ҳам ҳаётга яхши таъсир ўтказди. Бизда тўғрисўз болалар кўп. Биз ҳаммамиз ҳам Абдулқодирдай бор гапни айтишдан кўркмайдиган, ўлимдан ҳам ҳайиқмайдиган инсонлар бўлишга интиламиз. Ҳаётда яхшиликнинг кўпайишига сабабчи бўламиз.

Мақол

Бошингга қилич келса ҳам тўғри сўзла.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ

Бугун жума. Ҳаво очик, осмон артилган шиша сингари тиниқ, мусаффо. Қуёш найза бўйи кўтарилган. Йигирма беш ёшлар чамасидаги ўрта бўйли, буғдойранг юзли, хушқомат Абу Наср бугун эрта сахарданоқ ўз ёрдамчилари билан қишлоқ четидаги тепалик устида устурлоб ўрнатиш билан машғул. Бир маҳал унинг ёнига қорамағиз юзли, бўз кўйлак, бўз иштон кийган оёқ яланг бола келиб ўтирди. Унинг юзи, кўзи ва чехрасида чуқур ҳаяжон шундоққина сезилиб турарди.

– Яна келдингми? – дейди Абу Наср уни эркалаган овозда.

– Келдим, – дейди бола ҳаяжонини яширмай.

– Менга ёрдамлашиб юборасанми?

– Албатта. – Бола дадилланиб унга томон сурилади. – Бу нима устоз?

– Устурлоб.

– Устурлоб дейсизми?

– Мен бу асбоб билан қуёш ва юлдузлар ҳаракатини кузатаман.

– Қандай қилиб кузатасиз? Кундузи осмонда ҳеч нарса кўринмайди-ку!

– Тунда кузатаман-да, – дейди Абу Наср жилмайиб.

– Мен ҳам кузатсам бўладими?

– Сен ҳали ёшлик қиласан. Катта бўлганингда ҳаммасини билиб оласан.

– Ҳозир билгим келяпти, устоз.

– Исминг нима?

– Муҳаммад.

– Кимнинг ўғлисан?

– Отамнинг исми Аҳмад.

– Ўқиш, ёзишни биласанми?

– Биламан.

– Нималарга қизиқасан?

– Ҳар кун тунда осмон тўла юлдузларни кузатаман. Бирам юлдузлар билан гаплашгим келади-ки. Сиз-чи? Сиз юлдузларнинг тилини биласизми?

– Ҳа. Тушунаман.

– Менга ҳам ўргатинг.

– Ўргатаман.

– Алдамайсизми?

– Алдамайман. Аммо бир шартим бор.

– Айтинг.

– Мен билан шаҳарга кетасан.

– Ҳўп. Фақат ота-онам рози бўлармикин?

– Отангга ўзим тушунтираман.

Шу куни кечкурун Абу Наср вақт топиб, қишлоқ чеккасидаги кўримсиз бир ҳовлига кириб борди.

Абу Насрни буғдойранг, юзида чечак излари сақланиб қолган, ҳали мўйловига оқ ораламаган узун бўйли бир киши кутиб олди. Ҳовли ўртасидаги супа ёнида болакайлар ширгуруч еб бўлиб, оқ кашқаси бор мушукча билан ўйнашар эди.

Салом-аликдан сўнг Абу Наср сўради:

– Сиз Муҳаммаднинг отаси мулла Аҳмадсиз, шундайми?

– Шундай, тақсир. Лекин мулла эмас, оддий чўпонман. Тинчликми, нима гап?

– Тинчлик, тинчлик, – деди Абу Наср хиёл кулимсираб. – Ўғлингиз билимга чанқоқ бола экан, уни менинг тарбиямга берсангиз, шаҳарга олиб кетсам, ўқитсам, нима дейсиз?

Чўпон Аҳмад мартабали меҳмоннинг кутилмаган таклифидан шошиб қолди.

– Сиздан ҳеч нарсани яширмайман. Биз жўжабирдай жонмиз. Қишлоқда одамларнинг мол, қўй, отларини боқаман. Тўғрисини айтсам, ўғлимни ўқитиш учун имконим ҳам, шароитим ҳам йўқ.

Абу Наср чопони қўйнидан кичик чарм ҳамёнини олиб, бир ҳовуч кумуш ва тилла тангаларни хонтахта устига тўкди. Умрида биринчи марта бундай кўп тангаларни кўрган Аҳмад ҳайратдан оғзи очилиб қолди.

– Энди болангизни ўқитишга рози бўласизми? Яна болани сотиб оляпти деб ўйламанг, хоҳлаган вақтида сизларни кўришга келади, нима дейсиз?

– Мингдан-минг розиман. Эр-хотин ҳамиша сизнинг дуонгизни қиламиз.

Мана шу суҳбатдан кейин орадан бир ой ўтиб, Муҳаммад устози билан Катга жўнаб кетди.

Эндигина олти ёшни тўлдириб, етти ёшга қадам қўйган бу болакай ҳозирда жаҳон илм аҳли тан олган олим Абу Райҳон Беруний эди.

Абу Райҳон Беруний ҳикмати

Ният улуғ бўлсин, шунга яраша меҳнат қил.

ПОРЛОҚ ЮЛДУЗ

Тамила Қосимова

Аллома Аҳмад ал-Фарғоний эндигина устурлоб асбобини Муштарий юлдузига тўғирлаган эдилар, шогирди ўғилчаси билан келиб қолди. Аллома бир сония болага назар солдилар. Бола ёқимтой, истарали эди. Порлоқ кўзларини алломага тикиб турарди. Унинг маъноли тим қора кўзлари алломага ёқиб қолди. Бола кўксига қўлини қўйиб, эгилиб салом берди.

– Ваалайкум ассалом, бўтам, исмингиз надур!

– Исмим Аҳмаддур.

– Баракалло, отдош эканмиз.

Болакайнинг кўзлари порлаб:

– Ҳазрати аллома мени кичик Аҳмад дея қолинг, – деди бироз уялиб.

Аллома болакайнинг дадиллигидан қувондилар ва устурлобга яқин олиб келдилар:

– Қани кичик Аҳмад яқинроқ келинг-чи, биз ҳозир юлдузлар сайрини томоша қиламиз.

Кичик Аҳмад жудаям севиниб кетди. Чунки, кўпдан буён у отасидан юлдузларни кўрсатишни илтимос қилиб юрар эди. Аммо отаси: “Улуғ алломанинг ишига ҳалал берасан”, – деб уни олиб келмасди. Бугун алломанинг чехрасидаги нурли табассумини кўриб, ота-бола яйраб кетишди. Кичик Аҳмад устурлоб орқали самодаги минглаб юлдузларни томоша қиларди. Юлдузлар “жимир-жимир” қилгани сари кичик Аҳмад “қиқирлаб-қиқирлаб” кулаверди. Аллома устурлобни юлдузга тўғрилаб:

– Мана, буниси сизнинг юлдузингиздир. Боқинг, митти бўлса-да, ёниқ, порлоқдир, – дедилар. Кичик Аҳмад бу кичик юлдузни узоқ томоша қилди. Кейин устурлобдан кўзини олиб:

– Чиндан ҳам бу менинг юлдузимми, ҳазрат аллома, сизга ташаккур, – деди.

Кичик Аҳмад шундай севиндики, ҳатто отаси малла чакмон билан, қизил этикча олиб берганда ҳам шунчалик севинмаган эди. Ота-бола қувончларга тўлиб, уйга қайтдилар. Кичик Аҳмад тез-тез бир дақиқага бўлса ҳам отаси билан келиб, ўз юлдузини томоша қилиб кетарди. Уни ишларга кўмилиб ўтирган аллома хуш кутиб олар ва кўшкнинг пиллапоясидан оҳудек сакраб уйга қайтаётган кичик Аҳмадни меҳр билан кузатиб қоларди.

Лекин бир ҳафтагача кичик Аҳмаддан ҳам, алломанинг шогирдидан ҳам дарак бўлмай қолди. Бундан аллома қаттиқ ташвишга тушдилар. Маълум бўлишича, кичик Аҳмад бетоб бўлиб қолган экан. Аллома ўша куниёқ кичик Аҳмадни кўргани бордилар. У тўшакда ранги заъфарон, беҳол ётарди. Аллома ўзлари билан олиб келган дорилардан унга ичирди. Сўнг кичик Аҳмадга: “Юлдузлар сизга салом йўлладилар ва сизни суҳбатга чорлайдир”-

деди. Кичик Аҳмад “қиқирлаб” кулиб юборди ва ёстикдан бошини кўтариб сўради:

– Ҳазрати аллома, юлдузлар ҳам сўйлайдиларми?

– Албатта. Худо хоҳласа улар бирлан сўзлашишни сизга ўргатурман, – дедилар.

Кичик Аҳмад тузалиб кетди. У юлдузлар билан сўзлашиши учун буюк аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг хузурига йўл олди. Қадди басти келишган, хушсурат аллома кичик Аҳмаднинг кўшк пиллапояларидан оҳудек сакраб чиқиб келишини завқ билан кузатиб турди ва хушҳол кутиб олди...

ИБН СИНО

Ривоят қилишларича, Бухоро музофотида дунёга донғи кетган, машҳур ҳакимларнинг ҳакими доно Ибн Сино ўтган экан. Кунлардан бир кун Бухоро шаҳрининг амири касалга чалинибди. Амирни аввалига сарой табиблари даволабдилар. Натижа бўлмагач, Ибн Синога мурожаат қилибдилар. Ибн Сино дори-дармонидан амир дардига шифо топибди.

Амир Ибн Синодан:

– Нима берсам хурсанд бўласан, – деб сўрабди.

– Менга ҳеч қандай тилла ҳам, юрт ҳам, сурув-сурув от, қўйлар ҳам керак эмас. Қишлоғимга бир қироатхона қурдириб, қирқ туя китоб берсангиз бўлгани, – дебди Ибн Сино.

Амир хурсанд бўлиб, Ибн Синониг қишлоғига қироатхона қурдирибди. Бутун дунёга жар солдириб китоб йиғдирибди. Ўзининг бой кутубхонасидан ҳам энг нодир китоблардан олиб, қирқ туяга юклаб, Ибн Сино қишлоғига жўнатибди.

Амирни ўлимдан олиб қолган Ибн Синонинг донғи ҳар ёнга кетибди. Бошқа табиблар унга ҳасад билан қарай бошлашибди. Кутубхонага кириб китоблар орасидан Ибн Синони зўрға топишибди. Улар:

– Амирликдан келганингиздан буён шу ерда китоб титкилаб ётибсизми? – деб сўрашибди. Ибн Сино:

– Ҳа, энг яқин дўстларим – китоблар билан суҳбат қуриб, кун-у ой, ҳафта-ю йиллар ўтганини ҳам сезмаяпман, – дебди.

– Табиблик-чи, табибликни ташладингизми, – деб сўрабди табиблардан бири.

– Йўқ, табибликни қиёмига етказмоқдаман. Аввал улуг зотларнинг панд-насихатларини, кўрсатмаларини билиб олиб, кейин даволашга ўтаман. Мен шу кунгача ўзимни табиб ҳисоблаб, катта хатога йўл қўйган эканман. Энди мана шу китоблардан ўрганганларимни амалиёт билан мустаҳкамлай олсамгина, ўзимни табиб деб аташга ҳақлиман, – дебди.

Табиблардан бири:

– Борди-ю, кутубхонага ўт кетса нима бўлади? – дебди.

Ибн Сино:

– Авваламбор, кутубхонага ўт кетишидан худо сақласин. Борди-ю, фалокат рўй бериб, ўт кетса, унда чўчийдиган жойим йўқ. Ҳаммасини ёд олдим. Қайтадан ёзишга умрим етса, кифоя, – дебди.

Табиблар Ибн Синонинг зеҳни билан хотирасига қойил қолиб, келган жойларига қараб кетибди.

Барибир табиблар ҳасад қилишни қўймабдилар. Ибн Синонинг кутубхонасига ўт қўйибдилар. Бундан хабар топган Ибн Сино кутубхонасига кирибди: “Яхши, дўстларим билан бирга ёна қолай”, – дея китоблар орасида ўтираверибди. Одамлар уни зўрға қутқазиб қолишибди. Ибн Сино қуйган китобларни ёддан қайта битиб тиклабди-да, кутубхонани қайтадан қурдирибди.

ВАЪДА

Хуршид Даврон

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг набираси Мирзо Улуғбек болалигидан бошлаб заковат ва фаросат соҳиби бўлиб, кўп билимларни

эгаллаб, устозларини бениҳоя ҳурмат қилувчи, устозлари ҳам уни севгучи эдилар.

Мирзо Улуғбек ёш бола пайтида Амир Темур Рум мулкидан олиб келган бир донишманд унга сабоқ берган экан. Румлик донишманднинг бир одати бор экан: агар шогирди бирор жумлани янглиш ўқиса, ё бошқа бир хатога йўл қўйса, бошини кўтариб, унга қараб қўяр экан.

Бир куни Мирзо Улуғбек устози олдида бир китоб ўқир эди. Китобда бўлган: “Уддасидан чиқмаган нарсангизни нега ваъда қиласиз?» деган жумлани ўқигач, устози бошини кўтариб, унга бир қараб қўйибди. Улуғбек мирзо: “Эҳтимол янглиш ўқиган бўлсам керак» – деб жумлани диққат билан қайтадан ўқибди. Аммо устози бу гал ҳам бошини кўтариб, унга қараб қўйибди.

Мирзо Улуғбек сабоқдан кейин бобоси ёнига келиб:

– Бобожон устозимга бирор нарса ваъда қилган бўлсангиз, дарҳол ваъдангизга вафо қилинг, – деб бўлган воқеани Амир Темурга айтиб берибди. Амир Темур набирасининг ҳикоясини эшитиб:

– Устозинг мендан Румда қолиб кетган кутубхонасини олиб келишга одам юборишимни сўраб, бу китоблар менга эмас, набирангизга керакдур, деб илтимосини баён қилган эди. Мен одам юборишга ваъда қилган эдим, аммо ёдимдан чиқиб қолибди, – дебди набирасининг зукколигидан мамнун бўлиб. Сўнг румлик донишмандга берган ваъдасини дарҳол бажо келтиришга киришган экан...

Мақол

Ваъдага вафо марднинг иши.

ИККИ ТЕМУР

Миразиз Аъзам

Ўша куни куз шамоллари дарахтларни шовуллатиб, хазонларни пир-пир учираётганди. Темур куриган барглар шитирига кулоқ солганча, билмадик, нима хаёлларда 3-“Г” синф деб ёзилган эшикдан кирди-ю, лабларида “салом» бўлса ҳам, аслида ҳеч кимни кўрмаётгандек, жойига бориб ўтирди. Ўқитувчиси Суюрғат ака дарс бошланганда ҳам хаёли кўчада эди. Яқингинада баҳор эмасмиди? Ўшанда Темур иккинчи синфда ўқир, дарахтларда барг деган нарса йўқ эди. Шох-бутоқларда куртаклар пайдо бўлди. Кейин митти баргчалар униб чиқди. Кейин улар катталашди... Мана энди шу барглар шамолларда ўз шох-бутоқларидан узилиб, ерга тўшалмоқда... Бир йил яшар экан-да барг дегани...

– Темур! – деди бир маҳал Суюрғат ака. – Нималарни ўйлаяпсан?

– Йўқ... Ҳеч нима... Ўзим... – деди Темур.

– Кўриб турибман: гапларим кулоғингга кирмаяпти... Мана биз бобомиз Амир Темурдан гаплашдик. Эшитдингми?

Темур индамади. Нима ҳам десин? Ўқитувчи тўғри уришяпти.

– Ҳеч ким эшитмаса ҳам сен эшитишинг керак. Чунки отинг Темур. Нега Темур, биласанми?

– Темирдай қаттиқ бўлсин деганлар-да, дадам.

– Бу ҳам тўғри. Лекин даданг, менимча, “ўғлим Темурга ўхшасин» деган ҳам бўлса керак. Темур улуг бобомиз бўлади. Хаёлингни жамлаб ўтир. Гапга кулоқ сол, – Суюрғат ака бутун синфга юзланди:

– Болалар, ҳар бир одам ўзининг кимлигини, отининг маъносини, етти ота-бувасининг исмини, улар ким бўлганликларини билиши шарт. Темур бобомиз сиздайлигида, балки, сиздан бир-икки ёш улғайган пайтидадир, отаси Тарағайни ҳеч ўз ҳолига қўймай, боболари-ю аждодлари кимлигини сўрайвераркан.

Бир куни Темур ўз дадаси Тарағай отани ҳадеб саволга тутаверганидан, унга жавоб бермаса ҳеч қутулмаслигини кўриб, дадаси у билан бамайлихотир суҳбатлашиш мақсадида хонтахта узра юзма-юз ўтирибди.

– Дада, – дебди Темур. – Бир ошнам билан ғижжилашиб қолган эдим, уни ёғийдай уришиб ташлаганим учун, мени “мўғул” – деб сўкди. “Ўзинг мўғул”, – дедим унга. “Йўқ, сен мўғул!” – деди у. Ё биз чиндан-да мўғулмизми?

– Йўқ, – дебди Тарағай ота. – Биз туркмиз. Барлос уруғидан тарқалган энг эски туркларданмиз.

– Барлослар мўғул қабилаларидан дейди-ку?!

– Сал-пал ростлик бордай кўринади бу гапда. Лекин тўғри эмас, чунки отамнинг айтишича, Барлос уруғининг номи Қачилой замонидан бошланади. Қачилой сен учун саккизинчи ота бўлади.

– Қачилойнинг Чингизхонга қариндошлиги борми?

– Қобулхон деган подшоҳ Чингизхоннинг учинчи отаси эди. Қачилой эса Қобулхоннинг инисидир.

– Демак, мўғуллигимиз рост экан-да!

– Йўқ, Чингизхоннинг ўзи ҳам мўғул эмас. Асли туркий қабиладан. Фақат мўғулларнинг хони бўлган, холос. Татарлар, бошқирдлар ва Сибирдаги бошқа турклар уни Темучин дейишади.

– Нега бўлмаса Темучин турклар юртига бостириб кирди?! Элимизни вайрон қилди! Ўз қондошларига ачинмасмиди турк бўлса?!

– Бунисини Оллоҳ билади, буниси Оллоҳга ҳавола. Темучинда турклик қолмагандир, балки, деб ўйлайман. Бизнинг барлослар эса турклигини сақлаб қолган номусли уруғлардандир.

– Онам ҳам туркми?

– Ҳа, онанг Тегинабегим Бухоро туркларидан. Убайдуллоҳ бувангнинг кизи бўлади. Убайдуллоҳ бувангни Бухорода танимайдиган одам йўқ.

– Демакки, биз Турон мулкининг эгаси, Туркистон амири эканмиз-да! Биз миллатнинг энг қадимий ва улуғи, туркнинг бош бўғини бўлсак-да, одамлар бизни мўғул деб юришса-я! Худо хоҳласа, мен фақат ошнамга эмас,

бутун оламга турклигимни исботлаб бераман, – деди Темур ва кўчага отилибди.

Ўқитувчи: “Мана, кўрдингизми?” дегандек мамнунлик билан синфга назар ташлади ва:

– Келаси дарсда биз ҳаммамиз ўз номларимиз маъноси ва тарихини ҳикоя қиламиз, ота-оналарингиздан буни суриштиринг. Темур! Сенинг номинг “Темур” бўлгани учун биринчи сендан сўрайман. Керак бўлса, мен ҳам ўз номимни тушунтириб бераман, келишдикми? – деди.

– Бўпти! Бўпти! – дейишди болалар чуғурлашиб.

ЁЛҒОНЧИНИНГ ИЗЗА БЎЛИШИ

Кунлардан бир куни бир киши Мирзо Улуғбек ҳузурига келиб арз қилибди:

– Эй подшоҳи олам! Мен Самарқанддан Бухорога сафарга чиққанимда ҳамён-халтамда минг танга пулим бор эди. Шаҳардан чиқиб бир дарахт соясига – сув бўйига дам олгани ўтирдим. Мен энди овқатланаётган эдим, шаҳарга кетаётган бир дўстим пайдо бўлиб қолди. Уни дастурхонга таклиф этдим. Бирга овқатландик. Ҳамённи ўзим билан элтишни лозим кўрмадим-да, уни ҳалиги дўстигма бериб, шаҳарга боргач, уйга элтиб беришни илтимос қилдим. Сафардан қайтиб келгач, билсам ўша дўстим ҳамённи уйга элтиб бермабди. Унинг олдига бориб омонатимни сўрасам у:

– Жинни бўлдингми?! Мен сени ҳам, ҳеч қанақа дарахт-парахтни ҳам кўрган эмасман, – жавоб берди.

Улуғбек Мирзо ўша одамни чақириб келтирибди ва икки дўст шоҳ ҳузурида рўбарў бўлишибди. Ўша одам “мен у дарахтни ҳам, бу одамни ҳам кўрмаганман” деб сўзида қатъий туриб олибди.

Улуғбек Мирзо даъвогарга: “Ўша дарахтдан уч-тўрт барг келтиргин, мен унинг воситасида ҳақиқатни аниқлайман”, – дебди. Даъвогар йўлга

тушиши билан шоҳ унинг шеригига бир ҳикоятни айта бошлабди. Воқеанинг энг қизиқ жойига борганда шоҳ:

– Даъвогар ўша дарахтнинг олдига етиб бордимикан? – деб савол ташлабди.

Ҳикояни завқ билан тинглаётиб, ғафлатда қолган ҳалиги киши беҳосдан:

– У дарахт шаҳардан анча узоқда, ҳали етиб бормаган бўлиши керак, – дебди.

Улуғбек Мирзо кулиб юборибди ва:

– Ахир сен “Мен бу одамни ҳам, дарахтни ҳам кўрмаганман”, демабмидинг, қандай қилиб дўстингнинг у ерга етиб бормганини билдинг! Яхшиси ёлғон гапирмай, омонатни эгасига топшир, – дебди.

У киши айбига иқрор бўлибди ва пулни эгасига қайтариб берибди.

ЕРГА ЧИЗИЛГАН РАСМ

Султон Ҳусайн Бойқаро навкарлари билан овга йўл олибди. Ҳирот шаҳридан чиқиб, сайхонликдан ўтиб кетаётганида олдиндаги кўрикчи навкарлар ногоҳ тўхтаб қолишибди. Улардан бири ерга ишора қилибди.

– Олийҳазрат, бу сураатни қаранг!

Подшоҳ от суриб келиб, навкар кўрсатган жойга тикилибди. Паҳлавон Рустами дostonнинг сураати. Ҳамма сураатга тикилиб қолибди.

– Қандай назокат ила чизилган бу сураат! Мусаввирни топмоқ керак, – деди Ҳусайн Бойқаро.

Овга чиққанлар орасида Камолиддин Беҳзоднинг устози Мавлоно Мирак Наққош ҳам бор экан.

– Олийҳазрат, – дебди у подшоҳга таъзим қилиб, – фикримча, бу сураатни ўн икки ёшлик Камолиддин Беҳзод чизган кўринади. Ундан бошқа бирор мўйқалам соҳиби бундай чизолмайди.

– Камолиддин Беҳзод... истёдодли йигит экан.

– Яқинда Алишер Навоий бу йигитчанинг машқларидан кўп мамнун бўлиб, ўз суҳбатига чақирди. Менга одам жўнатиб, Камолиддин Беҳзодни ўз кутубхонасига хизматга олишни билдирди, – деди Мирак Наққош Алишер Навоийга миннатдор боқиб.

– Дўстим, хайрли иш қилибсиз. Салтанатимизда бу ёш истеъдод соҳиби улуғ бир мусаввир бўлиб камол топса, – деди дўсти Алишербекка Ҳусайн Бойқаро.

...Сарой аҳли ерга чизилган суратни айланиб ўтиб, йўлга тушдилар.

УЛУҒБЕК ВА ЎҒЛИ АБДУРАҲМОН

Миразиз Аъзам

Абдураҳмон югуриб келиб, отасининг қучоғига отилди:

– Ота, отажон! Нечун уйда кам бўласиз? Ё саройда, ё мадрасада, ё расадхонада бўласиз?

– Кел, – ўғлим, Абдураҳмоним. Кўзимнинг қораси, белимнинг мадори, умидимнинг қуёши.

– Ота, биламан, юлдузларни яхши кўрасиз. Мен ҳам юлдузларни севаман. Ҳаво очиқ, осмон мос-мовий бўлиб турганда оқшомлари соатлаб юлдузларга қараб ётаман. Ота бу осмон ёритқичларининг ердаги ҳаётга қандай алоқалари бор, қандай нафлари бор?

Улуғбек:

– Фалакиёт илми ердаги ҳаётда об-ҳавони билиш, кунларнинг иш тартиботини белгилашда – деҳқончиликда, сафарга чиқишда, бўм-бўш саҳроларда... йўл танлашда, байрамларни белгилашда ва бошқа амалий ишларда инсонга жуда асқотади.

Абдураҳмон:

– Ота, мен ҳам мунажжимлик китобларини ўқисам, англарикиман?

– Ҳа, Абдураҳмон, англайсан, – деди Улуғбек. – Инсон ёзганини инсон англайди. Тўғри, олдин англаш қийин бўлади, аммо аста-секин, бирин-кетин

мағзини чақа бошлайсан. Мен ҳам сенинг ёшингда (12 ёшларда) мунажжимлик китобларини ўқий бошлагандим. Бобомиз Соҳибқироннинг Бадриддин отлиғ бир мунажжими бўлар эди. Юлдузларга мароқимни кўриб, мени Кўксарой кутубхонасига олиб борганди. Менга Беруний, Аҳмад Фарғоний, Хоразмий китобларини ўқи, деганди. Аввал тушунишга қийналдим, аммо кейин шундай китобларни ўқимасам жоним жойига тушмайдиган бўлиб қолди.

– Бу китоблар бизда борми, ота?

– Расадхонамиз кутубхонасида 150 минг китоб бор, ўғлим, – деди Улуғбек ўғлига меҳр билан боқиб. – Қиличбозлик, найзабозлик дарсларидан бўш вақтларингда мутолаа қил. Кўнглинг чароғон бўлғай, ўзингни кучли ҳис қилғайсан. Расадхона кутубхонаси ҳар вақт сен учун очиқ.

– Ташаккур, ота, ўқиғайман, – деди Абдурахмон.

– Энди сенга рухсат. Оллоҳ бахтли умр ва шонли ҳаёт берсин, ўғлим, – деди Улуғбек.

НАВОЙ БИЛАН МАРДИКОР

(Эртак)

Бир ўспирин йигит мардикорчилик билан кун кечирар экан. У юрган йўлида одамлар ўртасида бўлган жанжалларни бостириб, бировнинг араваси лойга тиқилиб қолса, “ҳа-ҳа”лашиб чиқаришиб, халққа ёрдами тегиб турар экан. Бу йигитдаги хислатни кўрган Алишер уни ҳурматлаб, қачон кўрса ундан олдин салом бериб ўтар экан. Йигит Алишернинг бу ҳурматиға ажабланиб: “Мен эрта-ю кеч одамларнинг жанжалларини бостириб, лойга ботган араваларини чиқаришиб юраман, умримда намоз ўқимаганман, рўза тутмаганман, Алишер мени бунчалик ҳурмат қилади. Бу юришимдан фойда йўқ. Бола-чақам бўлмаса, менга дунёнинг нима кераги бор”, – деб пирга қўл берибди. Художўй киши бўлиб, мардикорчилигини ташлаб, бир масжиднинг жиловхонасида эрта-ю кеч ҳеч ким билан иши бўлмай, тоат-ибодат қилиб ўтирадиган бўлибди.

Бир кун йигит жиловхонада тасбеҳ ўғириб ўтирган экан, Алишер бир йигит билан гаплашиб, жиловхона олдидан ўтиб қолибди. Йигит кўнглида: “Алишер жуда кароматли одам экан, менинг намозхон бўлиб, тоат-ибодат қилишимни аввалдан билиб, мени ҳурмат қилар экан”, деб ўрнидан туриб, таъзим билан салом берибди. Алишер саломига алик олиш у ёқда турсин, афтига ҳам қарамай ўтиб кетибди. Йигит: “Алишер ёнидаги йигитнинг гапига берилиб, мени пайқамай қолган бўлсалар керак”, – деб ўзига тасалли берибди. Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас, Алишер яна ўша йигит билан гаплашиб келаверибди. Йигит ўрнидан туриб салом берибди. Алишер яна индамай ўтиб кетаверибди, йигит ҳайрон бўлиб, Алишердан:

– Таксир, бир умр пешонам саждага тегмай, бақириб-чақириб юрганимда салом бериб ўтар эдингиз, энди мен эрта-ю кеч тоат-ибодат қилиб ўтириб, сизга салом берсам, алик олмайсиз. Бунинг сабаби нима? – деб сўрабди.

Шунда Алишер:

– Сен, ўша бақириб-чақириб юрганимда халққа фойданг тегиб юрар эдинг, энди бўлса эрталабки нонуштанг билан кечқурунги овқатингнинг ғамида эртадан кечгача халққа кўз тикиб ўтирасан. Саломингга алик олмаслигимнинг сабаби шу! – дебди.

Навоийнинг бу сўзлари йигитга қаттиқ таъсир этиб, у ўзининг аввалги ишини ҳам давом эттирадиган бўлибди.

Одами эрсанг демагил одами,

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

АЛИШЕР БИЛАН ДЕҲҚОН

Алишер Навоий

Алишер Навоий бир қишлоқдан ўтиб бораётса, бир деҳқон унинг ғазалини айтиб, қўш сураётган эмиш. Шоир дурустроқ эшитиб кўрса, деҳқон унинг машҳур ғазалларидан бирини жуда бузиб айтаётган экан. Шунда у ҳам

отдан туша солиб, деҳқоннинг суриб текисланган ерининг ағдар-тўнтарини чиқараверибди.

– Ҳой, мусулмон, нега менинг сурилган ерларимни бузиб ташлаётирсиз? – дебди ҳайрон бўлган деҳқон.

– Аввал ўзинга боқ, кейин ногора қоқ, деган машойихлар. Сен ғазалимни қанчалик бузиб айтаётган бўлсанг, мен ҳам шундай қилаётирман, – деб жавоб берган экан Ҳазрати Алишер Навоий.

БОШ ВА ТИЛ

Кунлардан бир куни Султон Ҳусайннинг саройида катта зиёфат бўлибди. Гапдан гап чиқиб, подшоҳ “от оёғи билан сув ичсин!” деган сўзи учун Мир Алишерга икки минг танга инъом этганини айтиб берган экан, буни эшитган бошқа вазирлар жанжал қўзғабдилар. Улар подшога арз қилиб:

– Тақсир ҳар сафар Мир Алишерга бир оғиз доно сўзи учун минг танга берилар эди, энди эса икки минг танга берибсиз! Нима учун бизларга ҳам икки минг танга берилмайди? Ё, бу илтифотга лойиқ эмасмизми? – дейишибди. Подшо уларга қараб:

– Агар менинг саволларимга яхши жавоб топсаларинг, ўша икки минг танга сиздан айлансин. Олсаларинг олаверинг, менинг сираям қаршилигим йўқ, – дебди.

– Майли, бизлар ҳам топамиз! Қанча савол бўлса бераверинг, олампаноҳ.

Султон Ҳусайн вазирларга қараб туриб, кўрсаткич бармоғи билан бошини кўрсатибди. Ҳеч нарсага тушунмаган вазирлар бир-бирларига қараб, анграйиб тураверибдилар. Шу пайт Мир Алишер ҳам ўша бармоғи билан тилини кўрсатибди. Султон Ҳусайн ҳамон безрайиб турган вазирларига қараб:

– Мен бошимни кўрсатдим, Мир Алишер эса бармоғи билан тилини кўрсатди. Сизлар шунинг маъносини топиб беринглар, – деб буюрибди. Вазирлар уч кун муҳлат сўраб олибдилар. Уч кун ўйлаб-ўйлаб барибир ҳеч бир натижа чиқаролмай, охири Мир Алишернинг ёнига бориб, бояги имо-ишоранинг маъносини сўрабдилар.

– Агар ҳар қайсингиз минг тангадан берсангиз, майли айтиб бера қолай, – дебди Мир Алишер.

Қирқ вазир қирқ минг тангани қуртдек санаб бергач, у имо-ишораларнинг маъносини сўзлаб берибди.

– Султон бошига бало нимадан келади, деб сўрадилар. Мен ҳар кишинингки бошига бало келса, ўзининг тилидан келади, деб жавоб бердим.

Буни эшитган вазирлар саройга қараб югурибдилар. Подшонинг олдига бориб, бир-бирига гап бермай, “Мен топдим, мен топдим!” деб гап талашиб қолибдилар. Султон Ҳусайн уларни тинчлантириб, гап сўраса, улар боягина Мир Алишердан эшитган гапларини оқизмай-томизмай айтиб беришибди. Подшо уларнинг сўзларига ишонқирамай:

– Тўғриси айтинглари, бу сўзларни ким ўргатди сизларга? – деб сўрабди.

– Ўзимиз топдик, тақсир! – дейишибди вазирлар. Подшо вазирларининг ёлғон гапларидан аччиқланиб, ҳаммасини ўлимга буюрибди. Шунда кўрқиб кетган вазирлар қалт-қалт титраб бу гапларни Мир Алишер ўргатганлигини айтиб беришди.

Султон Ҳусайн вазирларга қараб кулиб туриб:

– Мен Мир Алишерга икки минг танга берсам, сизлар унинг бир оғиз сўзига қирқ минг танга берибсизлар-да! – дебди.

Чин сўз мўътабар,

Яхши сўз мухтасар.

НАВОЙНИНГ ДЎСТИ

Улуғ шоир Алишер Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммад деган шогирди ҳам дўсти бор экан. Шоир уни жуда яхши кўрар, ўзига қадрдон, сирдош дўст деб билар экан. Кунлардан бир куни Паҳлавон Муҳаммад кичик бир гуноҳи туфайли Султон Ҳусайннинг қаттиқ ғазабига учрабди.

Воқеа бундай бўлибди:

Султон Ҳусайн ғазаб отига миниб турган бир пайтда, Паҳлавоннинг гуноҳ иш қилиб қўйганини етказишибди. Ҳусайн Бойқаро:

– Паҳлавоннинг соқол-мўйлабини қириб ташланглар, сўнг калтадум либос кийдириб, кўча-кўйда сазойи қилинглари, – деб буйруқ берибди. Паҳлавоннинг бундай жазога гирифтор бўлганини Навоийга айтишибди. Навоий агар бу жазо амалга оширилса, Муҳаммад Паҳлавоннинг иззат-нафси камситилиб, у бунга чидолмай ўлиб қолишини англаб, уни бундай шармандалиқдан қутқазиб ҳаракатига тушибди. Тезликда Ҳусайн Бойқаро хузурига етиб борибди:

– Султони Бойқаром, маълумингизки, мен ва Паҳлавон Муҳаммад ёшлигимиздан бир хил кийинамиз, бирга соқол-мўйлов кўйиб, дўст-биродар бўлиб юрамиз. У бошқа кийиниб, мен бошқа кийиб юрсам, ўртадаги аҳиллик бузилиб, гапимиз тузсиз, ўзимиз субутсиз бўлиб қоламиз. Буюрсангиз, менинг ҳам соқол-мўйловларимни қирсинлар, менга ҳам худди Паҳлавон Муҳаммадга берилгандек калта либос кийгизилиб, дўстим билан бирга кўча айлантирсинлар, – дебди.

Навоийнинг шогирди ҳамда дўстига бўлган садоқатини, меҳр-оқибатини кўрган Ҳусайн Бойқаро ғазаб отидан тушиб, қарам дарёси мавж олганини ўзи ҳам билмай қолибди-да:

– Паҳлавоннинг гуноҳидан ўтдим, жазо қолдирилсин, – деб буюрибди.

ҲОР ТОПИЛДИ

Алишер Навоий

Бобур ўз лашкарлари билан тоғ йўли орқали кетаётганида қалин қор ёғибди. Қор тўрт кун тинмабди. Улар ниҳоятда қийналишибди. Чунки йўл босиш жуда оғир экан. Қорнинг қалинлиги одам белигача, ҳатто кўксигача келар эди. Бобур орқадагиларга йўл очиб, қорни тепиб-тепиб борар эди. Юриб-йириб чарчаб, тоғдаги бир ғорга етиб келиб тўхтабдилар. Шу ерда дам олишга қарор қилишибди. Ғор торроқ экан. Бобурнинг хизматкорлари дарҳол унга ғорнинг ичида иссиққина, юмшоққина жой тайёрлаб беришибди. Ғорга киргач, Бобур бир зум қараб турибди-да, кейин ҳеч кимга гапирмай, бурчакда турган куракни олиб ташқарига чиқибди. У қор кураб, чуқур қазий бошлабди. Қор шу даражада қалин эканки, кўксига етгунча чуқур қазиса ҳам, ер кўринмабди. Албатта чуқурнинг ичи иссиқ эмас экан-ку, аммо совуқ тоғ шамолида уни бемалол асраши мумкин экан. Шунинг учун Бобур чуқурга тушиб ўтирибди. Унга бир неча марта “Сиз ичкарига кириш”, дейишибди.

Аммо Бобур кўнмабди. “Барча эл ташқарида – қорда турса-ю, мен иссиқ жойда дам олиб ўтираманми? Ахир бу инсофдан эмас-ку!” деб кўнглидан кечирибди.

Бобур:

– Мен ҳам қандай ташвиш бўлса кўрайин, эл тоқат қилиб турибди, мен ҳам тоқат қилиб турайин. Форсча бир гап бор: “Дўстлар билан биргаликдаги ўлим тўйдир”, – дебди у йигитларга.

Кун бўйи қор ёғибди. Намози хуфтонгача чуқурда энгашиб ўтирган Бобурнинг устидаги қор тўрт энлик бўлибди. Шу вақт йигитларнинг севинчли овозлари эшитилибди: “Кенг ғор топдик, ғорга жуда кўп одам сиғди”.

Бу гапни эшитган Бобур устидаги қорни силкиб, чуқурдан ташқарига чиқибди. Йигитлари билан бирга совуқ ва қордан сўнг ажиб иссиқ ва фароғатли жойда маза қилиб дам олибди...

БОБУР МИРЗО

Пиримқул Қодиров

Кечаси бўралаб ёққан қор борлиқни оппоқ қилди. Эртаси куни тушда ҳаво юмшаб, гумбазларнинг қорлари эриб туша бошлади.

Бобур мирзо отланиб Самарқанд расталарини айланишга чиқди. Ёнида Қосимбек, Аҳмад Танбал ва Хонқулибек деган беклари келишмоқда. Шаҳарнинг қаерида нима борлигини биладиган самарқандлик шоир Жавҳарий уларга йўл кўрсатиб келмоқда.

Улуғбек курдирган улкан гумбазли хонақоҳдан ўтгандан кейин Жавҳарий кунчиқиш томондаги кўчани кўрсатди:

– Амир Алишер Самарқандга келганларида мана шу кўчадан кўп ўтар эдилар.

– Сиз Мир Алишернинг суҳбатларида бўлганмисиз? – сўради Бобур.

– У зотни устоз ўрнида кўрур эрдим, ашъорларимни ўқиб бериб, маслаҳат олур эрдим, – деди Жавҳарий.

Жавҳарий ҳозир Бобурнинг ҳавасини келтирди. Қани, у ҳам Навоийнинг назари тушган шоир бўлса! Аммо Бобур ҳали машқ шеърлар ёзишдан нарига ўтган эмас. Шундай бўлса ҳам шоир бўлиш орзусини ҳеч тарк этмайди. Мана шу орзунинг таъсирида Бобур бугун ўзига йўл кўрсатувчиликка шоирни таклиф қилган эди.

Жавҳарий уни новвойлар маҳалласига бошлади. Новвойлик расталарига келсалар, қатор дўконларнинг ҳаммаси ёпиқ. Бобурнинг таажжуби ошиб, Жавҳарийга қаради:

– Мавлоно, новвойлар кўчиб кетганмилар?

– Мирзо ҳазратлари, уч ойдирки растага нон чиқмайди. Чунки ун йўқ. Қамалда новвойлар очдан ўлиб кетди. Одамлар ҳолдан тойган.

– Новвойларнинг тирик қолганлари ҳам бордир, мавлоно?

– Албатта бор, лекин ёрдамга муҳтож. Қани энди, амирзодам буюрсалар, новвойларга ун берилса. Расталар яна очилса. Самарқанднинг машҳур нонларидан одамлар тўйиб еса.

– Амирзодам, бизда ҳам ошлиқ кам қолди... Расталарга ҳозир ун беролмасмиз, – деди Қосимбек.

Кекса шоир Бобурга умид билан қараб турибди. Бобур мавлонони ноумид қилса, Навоийнинг умидини ҳам оқлолмайдигандек бўлди. У Қосимбекка буйруқ оҳангида гапирди:

– Биз унни расталарга эмас, новвойларга бермоғимиз керак. Ишончли бир киши назорат қилсин, новвойлар нон ёпиб, бизнинг номимиздам очларга тарқатсинлар.

– Саховатингизга офарин, Мирзо ҳазратлари! – деб Бобурнинг сўзларига фақат Жавҳарий қувонч билдирди.

– Амирзодам, биз Бойсунқурдан қолган очларни боқишга келдикми? – пўнғиллади Аҳмад Танбал.

– Жаноб Аҳмадбек, – деди Бобур. – Биз Самарқандни боқиш учун келмаган бўлсак, талаш учун ҳам келган эмасмиз.

– Ахир ғолибларнинг ўлжа олиши ота-боболаримиздан қолган удум-ку! – деди Аҳмад Танбал ўзини осойишта кўрсатиб.

Бобур:

– Очарчиликка фақат Бойсунқур мирзо сабабчими? – деди. – Агар биз шаҳарни олти ой қамал қилмасак, бу бахтсизлик бўлмаслиги мумкин эди-ку!

Қосимбек мунозарани тезроқ тугатишга тиришди:

– Амирзодамнинг сўзлари қулингизга сари тож бўлсин! Эртагаёк новвойларга ун бериб, нон ёптириб, очларга тарқатишни мен ўз зиммамга олурмен.

Бобур Қосимбекка миннатдорчилик билан қаради.

ДАҲШАТЛИ МЕШПОЛВОН

Анвар Обиджон

Мешполвон тўғрисида олтиариқликлар жуда кўп хангомалар айтиб юришади. Буларни эшитмабсиз, дунёга келмабсиз.

Мешполвон лунжи ногора, бети офтобдан зогора, жағида эшак тепкиси нақшланган чандиқ, қорни нақ қирқ пудлик сандиқ, бурни мушукникидек пучук, елкаси баайни хурпайган чумчук, бўйни олдинга энкайган, кулоқлари динкайган, оёқ босиши иланг-биланг, боши Ёзёвон чўлидек яп-яланг, кўринишидан камгап-у анқов, аслида маҳмадана-ю мижғов, кўзлари бойқушникидек ола, ... хуллас росаям қизиқ бола экан.

Шу болапақирнинг ҳандалакдек бошига момагулдиракдек кўргилик ёғилди. Йиртқич Сепкилшоҳнинг қора пайпоқ кийган аскарлари сел янглиғ босиб келди. Хонадонлар талон, кулбалар вайрон, экинзорлар пайҳон бўлди. Тирик қолган жангчилар билан соғлом қиз-жувонларни занжирбанд этишиб, бирини кул, бирини чўри сифатида Қахратония деган узоқ ўлкага ҳайдаб кетишди. Уларнинг орасида Мешполвоннинг ярадор отаси билан кўзлари кийикникидек чиройли онаси ҳам бор эди. Мешполвон хўнг-хўнг йиғлаб, банди қилинганлар ортидан анча жойгача эргашиб борди. Шунда дадаси унга ўқрайиб: “Ойим қизларга ўхшаб ҳиқиллама! Юрт сенга қоляпти!” – деб жеркиб берди.

Банди қилинганлар айтиб бораётган кўшиқ болакайнинг кулоқлари остида қайта-қайта жаранглайверди:

Мардлар сенга фидо бўлди,

Бизлар тирик жудо бўлдик,

Кечир бизни, она юрт.

Мунгли кўшиқ айтмоқдамиз,

Сени ташлаб кетмоқдамиз,

Кечир бизни, она юрт.

Берган сутинг оқлолмадик,

Душманлардан сақлолмадик,

Кечир бизни, она юрт.

Энди пайхон далаларинг ,
Кул-чўридир болаларинг,
Кечир бизни, она юрт.

– Қора пайпоқ кийганлар ҳамма нарсамизни талаб кетишди. Энди сени қандай тўйдираман , – деди энаси ва “хув-хув” йиғлашга тутинди.

– Мунча ваҳима қиласиз? – деб қичқирди Мешполвон. – Филни пишириб беринг деяпманми? Жа борса, бир қозон шўрва ичиб, икки тандир нон ейман-да.

Яхшиямки, бу юртнинг қуёшли ойи кўп, тупроғининг мойи кўп, ариқ билан сойи кўп. Босқинчилар кетганидан кейин ёз ўрталарида экилган бўлишига қарамай, арпа-ю бугдой, мош-у ловия, макка-ю шоли, жавдар-у кўноқ, қизилча-ю ошқовоқлар кеч кузга қолмасдан пишиб етилди. Одамлар кўп тиришиб, кам ухлаб, тут шиннисини нонга булаб, ошқовоқни сутга димлаб, беҳи баргидан чой дамлаб, қулликка кетганлар ғамида кўз намлаб, қишдан эсон-омон чиқиб олишди.

Сирдарё билан Амударё жўш ураверди, Орол денгизи тўласича тураверди. От кетидан тойлар ўтиб, кун кетидан ойлар ўтиб, яна бодом гуллади. Қушлар чуғурлашни, чумолилар ушоқ ўғирлашни бошладилар. Мешполвоннинг юртдошлари асалари галаси билан бир вақтда тирикчилик ташвишига тушди. Кампирлар уруғлик донни саралаб, чоллар қўш ҳайдашди, қизлар ариқ тозалаб, ўғил болалар кесак янчишди.

Шудгордаги қоп-қора дўнгалак кесаклар худди қора пайпоқли бошларга ўхшарди, болакайлар уларни аямасдан янчиб, ҳавасга теша уришаверди.

– Вуй, манавининг катталигини-и!

– Сепкилшоҳнинг аскарбошиси ана шу-да!

– Ие, бир уриб атала қилайлик бўлмаса. Мана!

– Ҳаюв-в!

Лайлак ўтиб ғоз келди, баҳор кетиб ёз келди. Жўжалар хўрозга, куртаклар чаросга айланди. Бошоқларга ўроқ, қовунларга пичоқ тегиб, жазлар бир қозон, тандирдаги ўтлар аламазон бўлиб қолди.

Мана шундай файзли кунларнинг бирида Мешполвон ўтин ёраман деб тўнка яқинида турган сопол тоғорани синдириб қўйди. Шу нарса баҳона бўлди-ю, ўғлини соғиниб, кўпдан бери захрини кимга сочишни билмай юрган энаси хумор ёзиб саннашга тушди:

– Битта тўнгакни эплаб ёролмайсан. Бўйинг терак бўлсаям, ўзинг эркак бўлолмадинг. Эркак бўлганингда, ота-онангни қулликка жўнати-и-иб, томошақовоқдек дўмпайиб ўтирармидинг. Ҳой, кўзимга қара, жигарларингга куйишни билмасанг, одамлардан уялишни бил. Орият деган нарса борми ўзи сенда?

Ориятинг бўлмаса бўйингни бўйинтуруқдек қилиб юравер. Э, сатқайи одам кет!

Кампирнинг хархашаси туртки бўлиб, эркаклик нималигини биздан кўрарсиз энди, дея Мешполвон шартта сафарга ҳозирланди.

Сепкилшоҳнинг элатига қилай юриш.

Бўлар энди дунёда катта уруш...

Мешполвон гоҳ қаттиқ нон кемириб, гоҳ мешдан сув симириб, Сепкилшоҳнинг қасдида олдинга кетаверди...